


# ТАФАККУР

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАҲЛИ-БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ



TAFAKKUR





پدیده و کتبی سید براسیم نعمت‌اللهی استاد و دانشکده تهران بدو حضرت ما انا جلال اللین  
PROF. DR. S. IBRAHİM NİMETULLAHI TEHRAN ÜNİVERSİTESİ NİN DERGAH'I  
HZ. MEVLANA'YA HEDİYESİDİR. 1960

1997 йил Шарқнинг буюк мутафаккири Жалолиддин Румий таваллуди  
шарафига ЮНЕСКО қарорига кўра Румий йили деб эълон қилинди.  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

# ИНСОН – ОЛЛОХНИНГ УСТУРЛОБИДИР

Инсон Жанриники устурлобидир. Фарақат, бу устурлобни биладиган мунажжим лозимдир. Дехқон ёки баққолники устурлоби бўлгани билан уни ишлатолмагаридан кейин нима фойдаси бор? Улар устурлобда кўриган фалаклар аҳволдан, ҳаракатларидан, буржлардан, буларники ўзгаришларини таъсирларидан... нилани ҳам тўшунардилар? Кўринадики, устурлоб мунажжим учун фойдалидир. Чунки, "Узини билган Худосини ҳам билади" (ҳадис). Шу нуқтаи назардан устурлоб фалакларники қандай кўзгуси бўлса, инсон вужудди ҳам Оллоҳники шундай устурлобидир. Чунки, Қуръонда инсон тўғрисида: "Биз Одам ўғилларини азиз қилдик", дея буюрилган.

Ушуг Оллоҳ инсонни билимли, илмли ва олим қилиб яратгани учун, инсон ўз борлигини устурлобда вақти-вақти билан Жанри тажаллисини ва беназир гўзаллигини порлоқ бир ҳолда кўради. Бу Жамол кўзгунини ҳар қачон тарк этмайди.

Жалолиддин Румийнинг  
«Ичиндаги ичиндадир» рисоласидан



# Tafakkur ТАФАККУР



Ижтимоий - фалсафий, маънавий - маърифий, рангли - безакли журнал

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Таҳрир ҳайъати:*

Ҳалим БОБОЕВ  
Хурийд ДАВРОН  
Баҳодир ЖАЛОЛ  
Нуриддин ЗАЙНИЕВ  
Азамат ЗИЁ  
Анвар ЙУЇДЮШЕВ  
Баҳодир ЗОКИР (масъул котиб)  
Нажмиддин КОМИЛ  
Абдуманноб ОЛИМБОЕВ  
Хайриддин СУЛТОН  
Убайдулла УВАТОВ  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
Муҳаммад ЮСУФ  
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ  
Муртазо ҚАРШИБОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Иброҳим ҒАФУР  
Раҳима ҲАКИМОВА

Муассис — Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Отатурк кўчаси, 24-уй.



56-86-79  
56-55-89

Журнал андозаси таҳририятнинг компютер бўлимида тайёрланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1997 йил 3 апрель куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. 6 босма тобқ. 1138-буюртма. Нашр адади 13000 нуска.

Бадий муҳаррир  
Ольга ЖОЛДАСОВА

Техник муҳаррир  
Бойназар БОЙМУРОД

Ушбу сонда Рихситилла Нуриноев, Фарход Курбонбоев ва Равиль Яруллин олган суратлардан фойдаланилди.

JURNAL SAHIFALARIDA  
●  
ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА



*Муқоваларда:*

1. Усто Мумин. "Ошиқ кўнгил чаман ичра".
2. Мавлоно Жалолiddин Румий.
3. Алишер Навоий. (Маҳмуд Музаҳҳиб асари. Машҳаддаги "Осмони қудс" музейи хазинасидан.)
4. Қаҳри қаҳратонда баҳор нафаси...

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Замон ва инсон фалсафаси..... 4




## ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Она битта — Ватан ягона. Ёзувчи Ўткир  
ХОШИМОВ билан суҳбат.....20

## МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Хафиза НАСРУЛЛАЕВА. Мувозанат  
мезони..... 33



## ТАКДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Наим КАРИМОВ. Клеопатра..... 66

## РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Лев ТОЛСТОЙ. Иқрорнома..... 78

## МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Тасаввуф лугати..... 92  
Журналнинг инглизча мухтасар маз-  
муни.....95



Саидрасул САНГИНОВ. Рузи маҳшар  
яқинми?..... 39

Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ. Комил-  
ликнинг тўрт жиҳати..... 42

## РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Зиёда ГАФФОРОВА. Ун саккиз минг  
олам сарвари..... 45


## БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. Руҳи ҳур, ирфони  
хур..... 50

Убайдулла УВАТОВ. Ал-Бухорий азиз  
билган зотлар..... 59

## ТАЛҚИН ВА ТАДҚИКОТЛАР

Аҳмаджон ЧОРИЕВ. Маърифат —  
қудратли куч..... 64





*Не бахтки, бизнинг замондошларга мустақиллик тонгида яшаш саодати насиб этди. Ҳаёт янгиланмоқда. Янгича яшаш тарзи янгича фикрлашга ундамоқда. Дунёда, мамлакатимизда ва бевосита теваарак-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини янада теран ва фаол идрок этиш онгу тафаккуримизни юксалтирмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бу жараёнда гоҳо бир сўз ё бир атама талқини воқеликка батамом янгича назар ташлашга, дунёқарашни бойитиб, изчил ва сермаҳсул мушоҳада юритишга асос бўлади, энг муҳими — кишини тўғри ва аниқ мақсад сари йўналтиради.*

*Ўтган йили юртбошимиз Ислом Каримовнинг тўрт жилдлик асарлари чоп этилганидан хабарингиз бор. Ушбу жилдликни мутолаа қилар эканмиз, ундаги энг сара талқин ва таърифлар тасаввуримизда бир фикрий тизимга тизилиб, алифбо тартибидаги ўзига хос фикрлар ва ғоялар мажмуини ташкил этди. Уларни ўқиб, Ватанимиз истиқлолдан сўнг кенг истеъмолга кирган, халқимизнинг онги ва шууридаги ўзгаришлар ифодаси бўлган тушунчалар ўзбекона сиёсий-фалсафий тафаккур билан юксак даражада талқин этилганига ишонч ҳосил қиласиз.*



ИСЛОМ КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН:  
МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ,  
ИҚТИСОД, СИЁСАТ,  
МАФКУРА

1

"ЎЗБЕКИСТОН"

БИЗДАН  
ОЗОД ВА ОБОД  
ВАТАН  
ҚОЛСИН

2

"ЎЗБЕКИСТОН"

ВАТАН  
САЖДАГОҲ КАБИ  
МУҚАДДАСДИР

3

"ЎЗБЕКИСТОН"

БУНЁДҚОРЛИК  
ЙЎЛИДАН

4

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# ЗАМОН ВА ИНСОН ФАЛСАФАСИ

*Тўрт жиллик: "А" дан "Ҳ" гача*

## Аллоҳ

Биласизлар, Ўзбекистон халқи — бахтли халқ. Аллоҳ таоло бу халқни ноёб бойликлар билан сийлаган. Бу бойликларни ишга солиш учун фақат вақт керак, тинчлик керак.

## Амал, амалий иш

Ўзбекистон номини бошимиз узра баланд кўтариб дунё майдонига олиб чиққанимиз ҳам амалий ишдир. Дунё мамлакатларининг Ўзбекистон сари, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари сари бўлаётган ва тобора авж олаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий интилиши — амалий иш.

## Бахт

Кўлда бут бўлиб турган бахтнинг қадрини инсон ҳар доим ҳам сезавермайди. Вақт ўтиб, бошга иш тушганида тушунади. Тинчлик ва осойишталик қадрини яқинлардан жудо бўлган чоғда чуқурроқ англаймиз.

## Боқимандалик

Кимдир менга мухолифларингиз борми, деган савол бериши мумкин. Ҳа, бор. Менинг энг кучли мухолифим бу — боқимандалик. Бу кайфиятни кўтариб юрганлар — ҳеч нарса қилишни хоҳламайдиган кишилардир. Уларга жуда ўнғай. Улар умр бўйи эски тизимда яшаган ҳамда ўзини жуда яхши ҳис қилган. Бу, энг аввало, партиявий номенклатура, эски мафкуравий тизим "вояга етказган" иллатдир.

## Бозор

Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган ҳўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.



## Банда

Муслмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби — бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг ўзи ҳукм чиқаради.

## Ватанпарварлик

Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

## Валюта

Умуман олганда, миллий валюта давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади.



## Гуноҳ

Қарз олиш осон, бу — ҳаммага маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртамингни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсақ, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади.


## Давлат

Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилдир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир.



## Демократия

Демократик йўл дегани — сайлов йўли билан ўз вакилларини мана шу залга ўтказиб, адолат йўли билан иш юритиш, халқнинг иродасини ҳолисона ифода этиш. Халқ вакиллари ўз халқи берган ваколатлари билан ҳукуматни тuzади. Бу — демократик йўл.



Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди.

Инсоният босиб ўтган тараққиёт йўли яна шундан далолат берадики, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан татиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.

## Дехқон

Дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп. Аммо мақтаниш бўлса ҳам айтиб қўяй: ўзбек деҳқонига етадигани кам.

- Дин** Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.
- Дунёқараш** Бир дунёқарашнинг яққаҳоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир.
- Дўкон** Дарвоқе, “дўкон” атамаси ҳақида... Бундан кейин “магазин” эмас, “дўкон” деган сўзни ишлатсак. Дўкон деганда қандайдир файз, баракани тушунасан киши. Кўнглинг тўқ бўлади, чунки мол серобдек туюлади.
- Етакчи** Халқимизда ўн кўшчига — бир бошчи, деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига қаттиқ ишонган, ихлос қўйган.
- Ёшлар** Фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан баҳоланади. Академияда ана шу оддий ақидалар унутилган кўринади. Ёши улуғ олимлар билан ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганга ўхшайди. Кўплаб янги ғоялар, янги фикрлар тўсиққа учраб, ёш муаллифларнинг қалбида сўниб кетмоқда.
- Жазо** Мен ўтмишда кимнинг кимга ёмонлик қилганини кўзгаб, ҳозирги яхши муносабатларни бузишга қаршиман. Ёмонлар ўз жазосини олади. Қолаверса, энг оғир жазо — виждон азоби. Ундан қутулиш қийин.
- Зиёли** Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, ҳақиқий зиёлилар узоқ қишлоқларда ҳам кўп. Баъзи соҳаларда улар шаҳардаги ҳамкасбларидан устун бўлса устунки, асло кам эмас. Қолаверса, дипломга эга бўлиш, бу — ҳали том маънодаги зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юраги, ички маданияти билан мутлақо бўлакча инсон бўлади. Шундай экан, биз уларнинг қадрини, иззат-икромини жойига қўйиш ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим.
- Зар** Имкони бўлса эди, биз Ўзбекистоннинг меҳнаткаш инсонлари устидан зар сочган бўлар эдик.
- Инсонпарварлик** Инсонпарварлик, бу — ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашъасини сурди; ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин, тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жанги жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади.

**Интеллектуал**

Лекин яна бир хазинамиз борки, бу — мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти, ақлий бойлигидир. Бу бойлик бизга ўтмиш аждодларимиздан мерос бўлиб қолган.

**Ислом дини**

Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига иймоним комил. Куръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилишини жуда яхши билади. ...Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Қўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди.

**Ислоҳот**

Биз қураётган жамият адолат ўрнатишни, ҳеч кимни оғир аҳволда ва муҳтожликда қолдирмасликни ўзининг энг катта мақсади деб билади. Унинг оёққа туриши учун зарур ёрдам беради. Шундай экан, илгари айтган бир гапимни яна такрорлайман: инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун хизмат қилиши керак.

**Йўл**

Энг муҳими — келажак омонатдай бўлиб турган ғоят мураккаб, ғоят таҳликали дамларда ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлни танлай билдик.

Энг муҳими — танлаган йўлимиз ягона тўғри йўл эканини амалий ишимиз билан исботладик. Бугунги кунда Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўлини бутун дунё тан олди.

Эришган энг катта ютуғимиз — одил ва меҳнаткаш, мард ва танти халқимиз танлаган йўлимизни чуқур англади, унга қаттиқ ишонди ва қўллаб-қувватлади.

Дунёда халқ ишончидан улуғ нарсанинг ўзи йўқ. Бизлар ана шундай ишончга сазовор бўлган йўлимиздан ва бу йўлда эришган ютуқларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Каъба**

Илгари бу гапни айтмаган эдим. Аммо бугун сўзламоқ пайти келди. Майли, айтаман. Маккага сафар қилган чоғимизда Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, мен халқимнинг бугуни ва келажagini бер, дея Худога илтижо қилдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча хурмат ва иззат — Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъба тулло зиёратида улуғ бир рамз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлоқ бўлишига иймон келтирдим.

**Кутубхона**

Айрим туманлар ҳокимлари бюджет маблағини тежаш мақсадида ўз қарорлари билан кутубхоналарни ёпиб юборишган. Иқтисодий қийинчиликлар ўз йўлига, лекин зиё, маърифат ва тарбия ўчоғи



бўлмиш кутубхонани ёпиш қип-қизил жиноят эмасми?

### **Люмпенлашув**

Яқин ўтмишдаги жамиятимизга хос энг машъум кўриниш — люмпенлашув — мулкий қиёфани йўқотиш эди. Менинг назаримда, мазкур термин ва салбий кўриниш бугун собиқ шўро ҳудудидаги барча мамлакатларга ҳам тегишлидир. Люмпенлашув — инсоннинг реал ҳаётий асосини ташкил этувчи барча нарсалардан маҳрумлигидир. Агар инсонда ана шу боғлиқлик йўқ экан, унда масъулият ҳам, умрининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиб нимагадир эргашиш, фарзандлари, оиласи, қариндош-уруғларига қолдирадиган бирон бир нарсани кўлга киритишга интилиш ҳам бўлмайди.

### **Мафкура**

Ягона мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлмайди. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибамиздан жуда яхши билемиз.

### **Маънавият**

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади.

Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш, тушуниб етишга суянгандагина кудратли кучга айланади.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига ҳам етиб бўлмайди. У — инсон учун бутун бир олам.

Инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандек бўлади.

Маънавият тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак. Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди.

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.

### Мулк, мулкдор

Хусусий мулк, шахсий мулк одамларда қизиқиш, рағбат уйғотишини яхши биламиз. Мулк эгалари бўлса, меҳнат унумдорлиги юз марта, минг марта ошади. Мулкдорнинг кайфияти ҳам бошқача бўлади. Интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Уларнинг тепа-сида туриб назорат қилишнинг ҳожати қолмайди. Уларни бирор нарсага мажбурлаш, тазйиқ ўтказиш шарт эмас. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкига мулк қўшишга ҳаракат қилади.

### Мухолифат

Назаримда, мухолифат амалий тусда бўлиши керак... Мухолифат, умуман, ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашиш ишига, ғояларга нисбатан бўлиши керак. Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб беролса, мен буни албатта қабул қиламан.

### Ношуд

Бошқарувнинг қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб қилиб олган лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг қарши-лигига дуч келмоқда. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадилар, ёинки биз уларнинг бутунлай баҳридан ўтамыз.

### Оила

Меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила — шу жамиятнинг асосини ташкил этади.

### Олим

Ҳар бир олим — ўзига хос бир дунё.

### Она тили (ўзбек тили)

Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради.

Биз ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тикладик, аммо Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг тилларига ҳам ҳурмат билан қараймиз.

### **Охират**

Минг афсуски, ҳақиқат кечикиб келадиган вақтлар ҳам бўлади. Аммо виждонли одамлар, улар ким бўлмасин, тарих талабидан, охират сўроғидан кўрқиши керак, ўйлаши керак, адолат мезонини эсидан, ҳаёлидан чиқармаслиги лозим.

### **Партия**

Партия дегани бу — мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо, жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бири-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли беқарорликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас.

### **Рамзлар**

Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш — ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустақамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир.


### **Раҳбар**

Ҳар қайси раҳбар мана шу жойда туриб ваъда берар экан, ваъдасини бажариши, агар заифлик қилса, ўз ўрнини бўшатиши керак. Битта заиф раҳбар туфайли минг-минг одам, миллионлаб фуқаро зарар кўриши мумкин.

Раҳбарлик қобилияти ҳам, менинг фикримча, одамзодга Аллоҳ таоло берадиган ноёб бир инъомдир. Бинобарин, раҳбар шахс ана шу юксак талаб ва мезонларга муносиб бўлиши зарур. Кўп ҳолларда раҳбарлик лавозими таклиф этилган кишилардан “ишончингиз учун раҳмат”, “топширигингизни бажараман” деган гапларни эшитамиз. Афсуски, бу одамларнинг барчаси ҳам зиммасига олаётган масъулиятни теран тушунавермайди. Баъзан беихтиёр ўйлаб қоламан: бир асбоб-ускуна бўлсаки, у билан раҳбарликка номзоднинг ўй-фикрини, билимини, диёнатини яққол кўриб, кейин фармонга имзо чексам!..

### **Сотқин**

“Кремль юлдузи”га итоат қилмасанг, мансабда ўтирмайсан, деган гаплар бўлган. Кимки ўз юртини, ўз халқини сотмаса, мансабдан кетарди. Мустақиллик, халқнинг миллий аънаналари, ғурурини тиклашга қарши чиқадиганлар ўша тоифадаги одамлардир. Менинг хавотир бўлаётган жойим ҳам шу. Агар аҳил бўлсак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек



## Спорт

Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди.

Спорт — ўзбек халқига қадимий анъана. Ўзбекистонимизда юзлаб халқ миллий спорт ўйинлари билан бир қаторда замонавий спорт турлари ҳам ривож топяпти.

Спорт — тинчлик элчисидир. Бизнинг мақсадимиз ҳам — тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш.

Спорт — спорт учун эмас, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидаги барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор.

## Тафаккур

Бугунги кунда ислохотларнинг самараси бевоқиф дунёқарашимизнинг нечоғли шаклланган ва тафаккуримизнинг нақадар кенг эканлигига, эски тизимдан қолган боқимандалик кайфиятидан қанчалик тезроқ озод бўлишига боғлиқ бўлиб турибди.

Кишиларнинг тафаккурини ўзгартириш керак. Бу тўппа-тўғри таъсир ўтказиб бўлмайдиган энг муҳим масалалардан биридир. Кишиларнинг тафаккурини қонунлар билан ҳам, фармонлар билан ҳам ўзгартириб бўлмайди. Бироқ — ўзгартириш керак. Энг аввало, уларнинг турмуш шароитини ўзгартириш орқали бунга эришиш лозим.

халқини ҳеч ким енга олмайди.

Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман, шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу — сотқинликдир. Сотқинлик — маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгуликка сadoқатли бўлмаган, бирон нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам кўрқинчлидир. Табиатида сотқинлиги бор одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг орасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боисдан бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз керак. Уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги керак. Агар теварак-атрофимиздаги бирор одамда шундай аломатлар сезилаётган бўлса, дарҳол тарбиямизга олиб, уларнинг юрагига эзгулик уруғини қадайлик.

### **Таъзим**

Илоҳим, шу уйимиз, ягона хонадонимиз — Ўзбекистонга кўнган бахт қуши — тинчлик, осойишталик, барқарорлик бизни тарк этмасин. Юрт тинч, халқимиз ризқ-рўзи тугал, фарзандларимиз омон бўлсин. Мен иродаси бақувват, иймони бутун халқимизга яна бир марта таъзим қиламан. Ҳаммамизга Ўзбекистоннинг буюк келажagini кўриш насиб этсин. Ана шу йўлда барчамиз елкадош бўлайлик.

### **Туркистон**

Инсоният тафаккурининг бешикларидан бири бўлмиш Туркистон — Марказий Осиё мустақил давлатларининг қадимги номидир. Бу ном ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман учун ҳамиша қадрли.

Улкан маданий меросга эга бўлган Туркистон не-не жафоларни кўрмади, не-не тарихларни бошдан кечирмади! Ўтган етмиш йил мобайнида маънавий қадриятларимиз анча топталди, унутилди.

Бугунги янги ўзбек давлатини барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аجدодлар меросидан, уларнинг руҳи покидан, Туркистон халқларининг қадриятларидан, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.

Тасаввур қилинги, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

### **Уйғоқ**

Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олиму зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир.

### **Фазилат**

Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатдир.

### **Файз-барака**

Яхши биласизлар, юртимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят дейсизми — барчасининг ўзига хос бир файзи бор. Аллоҳ таолонинг шу



юртга ато этган марҳаматлари, берган неъматларини ҳам мана шу файз-бараканинг ифодаси деб биламан. Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файз-бараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур англаши, кўз қорачиғидай авайлаб асраши лозим.

### **Фуқаро**

Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг мустақил давлат билан мағрурланиши унинг ўз давлатининг мустақамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшишга тайёрлигидандир. Фақат мана шундагина фуқаро давлатнинг ишончли таянчига айланади.

### **Хавфсизлик**

Биз айрим ҳолларда хавфсизликни анча жўн тушунамиз. Ваҳоланки, хавфсизликни жуда кенг миқёсда — инсон хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги, атроф-муҳит хавфсизлиги, ниҳоят, фуқаролар жамияти хавфсизлиги деб тушунишимиз лозим.

### **Халқ**

Халқ — давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Моддий неъматларнинг яратувчиси — халқ, маънавий бойликлар эгаси — халқ. Халқнинг турмуш шароитини билган, унинг кўнглини олишга қурби етган раҳбаргина одамларни бунёдкорлик ишларига етаклай олади.

### **Хато**

Замон талабларига мос бўлиш учун ҳаммамиз қайтадан ўқишимиз даркор. Бунинг айби йўқ. Ўқиш ва ўрганиш ҳеч кимга зарар етказмаган. Агар қайсарликка бориб масаланинг моҳиятини яхши тушунмасак, унда хато қиламиз. Бировдан сўраб ўрганишнинг айби йўқ... Мени кечирасизлар-у, лекин ҳаммамиз ҳам раҳбар сифатида бир оз кеккайиб, гўдайиб қоламиз. Бошқаларни назарга илмай қўямиз. Худди атрофдагиларнинг биздан ақли, савияси пастдек туюлади. Энг катта хатомиз ҳам ана шунда.



### **Цивилизация**

Табиийки, биз бугунимизни ҳам фан-техника тараққийтисиз тасаввур эта олмаймиз. Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб мамлакат тараққийтини таъминлаш қийин.

### **Чақалок**

Афғонистонда уруш кетаётганига 17 йил бўляпти. Бу орада бутунлай янги авлод ўсиб етишди. Эътибор беринг-а, ўн етти йил давомида чақалок қурол кўтарадиган ўсмирга айланади. Ҳамма даҳшат шунда.

### **Чегара**

Чегарани бошқа давлат ҳарбий кучлари билан қўриқлаш, бу — мустақиллик эмас, такрор айтаман, мустақиллик далолати эмас. Бу — заифлик аломати. Агар биз, Туркистон халқлари аҳил яшасак, чегарамизни биров қўриқлашига ҳожат қолмайди.

### **Шаккоклик**

Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади, лекин жаҳл устида она Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш, бу — бориб турган шаккокликдир. Бунини халқ асло кечирмайди.

### **Эътиқод**

Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг.

### **Юртимиз**

Биз ўз юртимизда ўзимиз хоҳлаганча, халқимизнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча одамларнинг манфаатларига мос келадиган тарзда яшаш, ишлаш ва ўз истиқболимизни белгилаш тарафдоримиз.

## Янги, янгиланиш

Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги бир авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшайпмиз.

Бугун жамиятимиз оёққа туриш, янгиланиш руҳи билан яшамокда. Биз ислохотлар йўлидаги дастлабки, энг қийин, бироқ шу билан бирга энг муҳим босқични босиб ўтдик.

## Ўзбекистон

Ўзимиз учрашган барча сиёсатчиларга ва ишбилармонларга очиқ-ойдин қилиб айтдик: “Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, Ўзбекистоннинг бойликлари беҳисоб, Ўзбекистоннинг одамлари меҳнатсевар, Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар асло доғда қолмайдилар!”

Ўзбекистонга катта эътибор берилаётганининг яна бир сабаби бор. Бу — Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасида марказий ўрин тутиши.

Минтақанинг келажак тақдири кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ.

Ўзбекистон худуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир худуд эканини эътиборга олиб, республика, ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим.

## Қадр

Чинакам раҳбар енгил-елпи шухратга, куруқ дабага учмайди. У ўз қадрини билиши баробарида ўзгаларнинг ҳам қадрига етади.

## Ғоя

Бизнинг мамлакатимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса, одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак.

## Хуррият

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик, хуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Хурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади.

## Ҳуқуқий давлат

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

**Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ**  
тайёрлади.





# ОНА БИТТА — ВАТАН ЯГОНА

Ёзувчи Ўткир ҲОШИМОВ билан суҳбат

— *Ўткир ака, маълумки, инсон азалдан коинот гултожи, олам сарвари сифатида улугланади. Ҳар қандай кишилиқ жамияти одамзоднинг хоҳиш-иродасига кўра вужудга келади, шаклланади. Бироқ, таассуфки, башарият асрлар мобайнида интилиб, орзу қилиб келган тўқис ҳаётга ҳали-ҳануз эришолгани йўқ. Юртбошимизнинг 1997 йилни Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиши ҳам айни шу жиҳатдан муҳимдир. Умуман, инсон шаъни, унинг қадр-қиммати нималарда акс этади? “Инсон манфаатлари” деган соддагина ибора бугун қандай аҳамият касб этмоқда?*

— “Инсон манфаатлари” дегани ниҳоятда сертармоқ тушунча. Унинг замирида инсоннинг ўз хоҳишича истаган жойда яшаши; хоҳлаган динга эътиқод кўйиши; хоҳлаган касбда ишлаши; меҳнатининг роҳатини кўриши; хоҳлаган таомини танаввул қилишу хоҳлаган кийимини кийишидан тортиб, хоҳлаган пайтда фикрини очиқ ифода этиши; ҳеч бир тазйиқдан қўрқмай, ўзини доимо қонун ҳимоясида ҳис қилиши каби жуда кўп ҳуқуқлар англа-

нади. Албатта, бу беш кунлик дунёда ҳар бир одам рисоладагидек яшашга ҳақли. Бунинг учун унинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қиладиган, инсоннинг эзгу ниятлари рўёбга чиқиши учун шароит яратиб бера оладиган жамият шаклланган бўлиши лозим. Биласиз, мен ҳозир халқимиз билдирган ишонч сабаб Олий Мажлисда ишляпман. Бундай фаолият тури мен учун янги соҳа. Қонун яратиш кўпроқ ҳуқуқшуносларнинг иши. Шу боис бу соҳани тез ўзлаштириб олдим деёлмайман. Ун саҳифали қонун лойиҳасини яратиш ёки уни мукаммаллаштириш борасида ишлашдан кўра, юз бетли қисса ёзиш... оsonроқ дея олмайман-у, лекин ҳар қалай, бадийий ижод мен учун завқли ва қулайроқ. Чунки ижод — қалам-кашнинг кўнгил иши. Қонун-чи? У халқнинг эрки, саодати, манфаатларига хизмат қилади. Лекин уни яратиш битта одамнинг қўлидан келадиган иш эмас. Бу жараёнда жуда кўп ташкилот, кўплаб касб эгалари, мутахассислар иштирок этади. Утган йилда бизнинг кўмитамиз тўртта қонун лойиҳасини тайёрлаб, Олий Мажлис сессиялари муҳокамасига киритди.

Инсон манфаатлари, унинг эрки,

озодлиги — ҳаммаси жуда жозибали тусунчалар. Лекин бир саволга жавоб излаб кўрайлиг-а: ўзи қонун нима учун яратилади? Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, қонун одамларга ҳуқуқ бериш учун яратилади. Бироқ бу ўринда бир қарашда терс ҳақиқатга, парадоксга ўхшаган ғалати ҳолат ҳам бор: қонун инсонга эрк ва ҳуқуқ беради ҳамда айна пайтда ўша эрк ва ҳуқуқнинг чегарасини ҳам аниқ белгилаб қўяди. Агар биз мутлақ эркинлик ҳақида ўйласак, хато қилган бўламиз. Одам боласига мутлақ эркинлик берилса, у охир-оқибатда бошбошдоқликка, анархияга олиб келади, яъни яхши ниятли одам эрқдан яхши мақсадда, ёмон ниятлилар эса ёмон ниятда фойдаланади. Яхшиларни ёмонлардан ҳимоя қилиш учун ҳам эркинлик чегараси бўлиши шарт. Бу — жамиятдаги ҳодиса. Келинг, энди табиат ҳодисаларига ҳам бир назар ташлайлик. Нима учун Ер қурраси ўз ўқи атрофида фақат бир томонга қараб айланади? Агар бугун бир томонга, эртага тескари томонга айланса нима бўлади? Нима учун Ер қурраси Қуёш атрофини уч юз олтмиш беш куну саккиз соатда бир марта айланиб чиқади? Нега бу рақам сира ўзгармайди? Ёинки нима учун Ер ҳар йили 22 декабрь куни Қуёшга энг яқин масофага боради, 22 июнда Қуёшдан энг узоқ масофага кетади? Ҳар иккала ҳолатда ҳам қатъий масофа сақланиб қолади. Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Бу қонуниятларни ким яратган? Булар Оллоҳнинг иродасидан далолат эмасми? Демак, Оллоҳнинг бир бандаси бўлмиш одам боласи ҳам хоҳлайдимиз, йўқми, маълум қонунлар доирасида яшаши шарт. Бутун дунёда, ҳатто энг тараққий этган, ўзини энг эркин деб ҳисоблайдиган мамлакатларда ҳам ҳурликнинг чегараси, қонун билан белгилаб қўйиладиган нуқталари бор. Буни эътироф этишимиз зарур.

Четдан қараганда, қонун чиқарадиган даргоҳда ишлаш осондек туюлиши мумкин. Лекин ҳали айтганимдек, қонун тайёрлаш жуда мураккаб жараён экан. Қонун аввало жаҳон андозаларига, дунё

қонунчилик амалиётига мос бўлиши керак. Шу билан бирга, биз бошқа тараққий этган мамлакатлардан, айтилик, Америка ёки Канададан тўғридан тўғри нусха кўчиролмаймиз. Чунки халқимизнинг ўзига хос урф-одати, қадим тарихи бор. Америка ёки Канада қонунларининг ҳар бир моддаси Ўзбекистонга, халқимизга мос келавермаслиги мумкин. Ана шу икки жиҳатни бирлаштириш осон иш эмас. Бу борада ўткир ҳуқуқшунослар ёрдамига таянамиз.

— *Ёдингизда бўлса, биз бугун истибдод даври деб атаётган яқин ўтмишда бениҳоя машҳур, моҳиятан инсонпарвар бир шиор бор эди. Собиқ Иттифоқнинг қай бурчига бормаилик, муҳташам биноларнинг пештоқига ўқлоқдек-ўқлоқдек зарҳал ҳарфлар билан битилган "Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!" деган баландпарвоз сўзларга кўзимиз тушарди. Амалда эса... пахта яккаҳокимлиги оқибатида ҳар турли дорилардан заҳарланган, Орол фожиасидан жабр чеккан минг-минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриб, жаннатмонанд ўлкамиз табиати экологиявий таназзулга юз тутган эди. Дарҳақиқат, тили бошқа, дили бошқа жамиятда ҳеч қачон инсон бахти тўқис бўлмас экан. Кечаги кун билан бугунги кунни таққослаганда, Сизнингча, қандай фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин?*

— Кечаги кунга ҳадеб таъна тошларини отавериш мақбул иш эмас. Биз эътироф этамизми, йўқми, ўша етмиш йиллик тарих давомида анча-мунча нар-



саларга эришилди ҳам. Хусусан, ижтимоий соҳаларда бир талай яхши тажрибалар ҳам бор эди. Тиббий хизмат ёки таълим-тарбия жараёнини олайлик. Ўша пайтларда мактабда ўқиган болаларнинг билим доираси тараққий топган капиталистик мамлакатлар ўқувчиларининг билим доирасидан анча кенг эди. Чуқурроқ эмас, теранроқ эмас, лекин кенг эди. Англияда Шекспирни, АҚШда Жек Лондонни билмайдиган ўқувчилар учраши мумкин. Бизнинг мактабларда эса бу адилблар ижоди кенг ўрганиларди. Яъни бизда болалар жаҳон тарихи, маданияти, адабиётидан яхши хабардор эди. Аммо илму фан ягона мафкура — коммунистик мафкурага хизмат қиларди. Ўзбек боласи жаҳон тарихини дурустгина ўрганиб, ўз мамлакатини тарихини мутлақо билмаслиги ёки ўтмишни нуқул зулматдан иборат деб тушуниши ўта адолатсизлик бўлган. (Ҳатто бир мактабдаги учрашувда менга “Ўтмишда муҳаббат бўлганми?” деган савол ҳам тушган.)

Истибдод даврида шаклан инсонпарвар шiorлар кўп бўлгани, амалда эса тескари сиёсат юргизилганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қаламқаш, қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизнинг оддий бир фуқароси сифатида дунёнинг бир талай мамлакатларида бўлишимга тўғри келди. Ростини айтсам, “Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!” деган шiorга тўлиқ амал қилинишини илк бор капиталистик мамлакатларда кўрганман. Вашингтоннинг қоқ марказида антропология, космос, тарих, санъат музейлари мавжуд ва бу музейларга кириш ҳамма учун текин. Ёки хизмат юзасидан Австрияга борганимда одамлар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, тўғриси, шошиб қолдим. Вена шаҳрининг чеккароғида жуда катта савдо маркази бор экан. Аҳоли “Шопин — марказ” деб атайдиган бу даргоҳни бутун бир шаҳар десак лоф бўлмайди. Айни киш чилласи бўлишига қарамай, дўкондан янги узилган қулупнай, гилос, нок, узум сингари сархил меваларни топиш мум-

кин. Цитрус мевалари ҳақида-ку гапириш ортиқча. Кокос ёнгоғи дейсизми, банан дейсизми — ҳаммаси муҳайё. Хуллас, одамнинг жонидан бўлак ҳаммаси бор. Фақат... “очирид” деган нарса йўқ.

Дарвоқе, Австрияда бўлган бир суҳбат ҳам эсимдан чиқмайди. Ўзбекистоннинг Австриядаги консули Бахтиёржон кўчадаги сариқ рангли бир машинани кўрсатиб, “Булар нима иш билан шуғулланишини биласизларми?” деб сўраб қолди. Биз, табиийки, “Билмаймиз”, дедик. Шунда Бахтиёржон тушунтириб берди. Ҳалиги машина маҳаллий суғурта компанияларидан бирига қарашли экан. Агар сиз йил бошида арзимаган пул эвазига машинангизни шу компания ҳисобига суғурта қилсангиз, йил бўйи бежавотир юришга кафолат олар экансиз. Мабодо фақат Австрияда эмас, Францияда ёки Швейцарияда юргангизда машинангиз бузилиб қолса, шу компания хизматчилари вертолётда бориб уни тузатиб берадилар ёки бу ёқда тузатиш учун олиб қайтадилар. Муомала маданиятига-ку гап йўқ! Қайси дўконга кирманг, салом бериб кутиб оладилар. Башарти ҳеч нима харид қилмасангиз ҳам, “Бизнинг магазинга ташриф буюргангиз учун раҳмат, келиб тулинг, жаноб”, деб табассум билан хайрлашадилар ёки бу ердагидан кўра арзонроқ нарса қайси жойда борлигини батафсил тушунтирадилар.

Буни қарангки, қайтишда Москва орқали учигга тўғри келди. (Собиқ «жонажон» пойтахтимиз ранжимасин: ўзим гувоҳ бўлганимни айтяпман.) Вена аэропортида ҳамма йўловчиларни хушхўллик, хушмуомала билан самолётга чиқариб қўйишди. Москвага келгач... Тўғри, Москва аэропортлари ҳам замонавийлашган, янги техника билан жиҳозланган. Аммо... муомала жонивор... Бақага тикилган илондек совуқ, шубҳали қарашлар... Салом йўқ, алик йўқ... Жиндай ҳаяллаб қолсангиз, сансираб гапиришлар... Тайёрага чиқишдаги ур тўполон-сур тўполонлар... Беихтиёр со-




лиштирасиз ва кўнглингиз ўксийди. “Ҳамма нарса инсон учун!” дегани аввало инсоний муомаладан бошланади, шекилли...

Кечаги ва бугунги кунни таққослаганда, жаҳон тарихида жиддий ўзгаришлар рўй берганини кўраемиз. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Олмония давлати иккига бўлиб ташланган эди. Орадан қирқ беш йил ўтиб, улар қайта бирлашди. Урушда ғалаба қозонган СССР эса булак-булакларга парчаланиб кетди. Ёки — урушда голиб чиққан СССРнинг моддий аҳволи хароблашиб, урушда енгилган Олмония, Испания, Австрия, Япония, Италия синга-

ри мамлакатларда аҳолининг турмуш тарзи кескин юксалди. Бунинг боиси нимада эди? Гап шундаки, собиқ Иттифоқнинг “ихтиёрий асосда” бирлашиши ҳам, Олмониянинг иккига бўлиб ташланиши ҳам зўрлик асосида амалга оширилган эди. Зўрлик сиёсати билан эса узоққа бориб бўлмайди.

Бугун яна бир ҳақиқатни баралла айтишнинг мавриди келди. СССРда энг зўр ақллар қурол яратишга хизмат қилиб, энг катта маблағлар ақл бовар қилмайдиган улкан армия сақлаш, қурол ишлаб чиқаришга сарфланган. Шу сабабли дунё қай бурчида жиндек жанжал бўлса, унда албатта “жонажон ком-



партия"нинг қўли бўларди. Афғонистон, Куба, Эфиопия, Камбоджа, Вьетнам сингари мамлакатлардаги қиргинбаротларни эсланг. Бошқа мамлакатларда, жумладан, ўша урушда енгилган давлатларда ҳам қурол ясалган. Бироқ зўр ақллар инсон манфаатларига ҳам хизмат қилган. Оддий бир мисол, "сотовой телефон" деган матоҳ бизга энди энди етиб келди. Ҳолбуки, бундан ўттиз-қирқ йил аввал бошқа мамлакатларда бу техник восита инсон эҳтиёжларига хизмат қилган. Тоталитар тузумнинг жозибадор шиорлари, аслида, инсонни яхши ваъдалар билан эзишга қаратилган сиёсат эди. Болалар боғчаси пештоқига "Болалар — бизнинг келажакимиз!" деган шиор осиб қўйилган ва... боғча касалхонага "айлантирилиб", унда пахтага сепилган захардан жигари эзилган болалар инграб ётган.

Кези келди, айтай: 60-йилларда айнан шундай манзарани тасвирловчи "Икромнома" деган ҳикоя ёзган эдим. "Ҳушёр" сиёсатчиларни чалғитиш учун ҳикоя воқеасини Туркияга "кучир"ганман. Аммо ҳикоя "Ўзбекистон маданияти" газетасида босилгач, бир "устоз" адиб Ёзувчилар уюшмасидаги мажлисда «Бу бола Туркия деб ёзгани билан аслида бизнинг қаҳрамон пахтакорларга тўхмат қиляпти» деб мени «фош қилган» (ўша ҳикоя биронта тўпламимга кирмаган).

70-йилларда баланд бинолар пешонасига "СССР — тинчлик кўргони!" деб ёзиб қўйилган ва худди шу паллада СССР Афғонга уруш бошлаб, у томондан ҳам, биз томондан ҳам ўн минглаб беғуноҳлар қурбон бўлган.

Етмишинчи йиллар охири, саксонинчи йилларга келиб биз она тилимиздан айриладиган бир ҳолатга ўтдик. Барча мажлислар рус тилида тўқазилар, ҳужжатлар ҳам шу тилда тўлғазилар эди. Агар сиз: "Мажлисда бор-йўғи икки нафар русийзабон киши қатнашяпти, келинлар, ўзбек тилида гапирайлик", десангиз, миллатчиликда айбланардингиз. Ҳужжатларни фақат рус тилида расмийлаштириш эса

шовинизмга кирмасди. Бу ҳам тили бошқа, дили бошқа жамиятга хос қоидалардан эди.

Яқинда эллик ёшлардаги русийзабон, зиёлинамо аёл билан суҳбатлашиб қолдим. Аёл, умуман олганда, мустақилликка қарши эмаслиги, аммо "дискриминация" кўринишлари пайдо бўлганини айтди. Фрунзе, Дзержинский, Калинин, Свердлов каби "доҳий"лар ҳайкали олиб ташланганидан хафа эканини баён қилди. Бунақанги "доҳий"лар ҳайкали Россия Федерациясида ҳам олиб ташланганини, Ўзбекистонда ҳамма миллат вакилларига тенг ҳуқуқ берилгани, буни бутун дунё эътироф этганини айтдим.

— Ўзбекча табличкалар кўпайиб кетяпти! — деб нолиди у.

— Кечирасиз, сиз Ўзбекистонда қачондан бери яшайсиз? — деган эдим, негадир тутақиб кетди:

— Қирқ саккиз йилдан бери! Мен шу ерда туғилганман!

— Яшанг, — дедим кулиб. — Ҳамюрт эканмиз. Айтинг-чи, қирқ саккиз йилда ақалли ўзбекча саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашни ўрганганмисиз?

— Нима кераги бор? — деди у астойдил ҳайрон бўлиб.

Бошқа гапнинг ҳожати йўқ эди!

Тилимизга бундай муносабат учун аёлни айблаш инсофдан эмас. Ҳаммасига уни шундай — шовинистик кайфиятда тарбиялаган кечаги мустабид тузум айбдор! Баъзи ватандошларимиз маънавиятидаги бу янглиғ кемтиклар ўзлигимизни англаш жараёнида секинлик билан барҳам топа бориши шубҳасиз. Бу — сабр-тоқат талаб қиладиган, анчайин қалтис юмуш. Жиндай шошқалоқлик қилинса, "Инсон ҳуқуқлари паймол этиляпти!" деб айюҳаннос соладиган, тишини қайраб турган кучлар йўқ эмас.

— *Янглишмасак, инсон ҳуқуқлари инсон манфаатлари тушунчасининг таркибий қисмидир. Таассуфки, кўп йиллар давомида халқимиз ана шу ҳуқуқлардан беҳабар яшайди. Ҳақ-ҳуқуқини таниган одам муҳим кучли, енгилмасдир. Мустабид*

тузум ижодкорлари эса буни жуда яхши билганлар. Ахир, ўша вақтларда дунёга машҳур «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон баёотномаси»нинг тўлиқ матни матбуот нашрларида бирор марта ҳам чоп этилмаганини нима деб изоҳлаш мумкин? Инсоннинг ҳуқуқсизлиги жамият миқёсида маънавиятнинг тубанлашувига, инсонни инсон томонидан камситилишига йўл очади. Бу ҳол Сизнинг — халқимиз ихлос қўйган, виждонли адибнинг талай асарларингизда “закунчи”лар, “налугчи”лар, “комиссар”лар тасвирида аксини топган. У пайтларда бу каби ижтимоий муаммоларни очиқ-ойдин эътироф этадиган мард топилмасди, албатта. Мана шу далилнинг ўзиёқ ижодкор зиёлиларимиз ҳуқуқи нечоғлиқ чекланганидан дарак беради. Буюк Чўлпоннинг бундай оташин сатрлари бор:

*“Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғулгонсен!”*

— Озодлик дегани нима ўзи? У қандай улуг неъматки, не-не жавонмардлар унинг йўлида жонини тиккан? Умуман, инсон эрки, кўнгил ҳурлиги деганда ўй-хаёлингиздан нималар кечади?

— Ҳа, халқларни ўз ҳуқуқларидан беҳабар ҳолда, кўрқувда ушлаб туриш собиқ “марказ”нинг бош мақсадларидан бири эди. Ахир, ўнта ўйлайдиган одамдан кўра мингта ўйламайдиган одамга раҳбарлик қилиш ёки ўнта жасурдан кўра миллионта кўрқоққа бошчилик қилиш осонроқ экани ҳеч кимга сир эмас! Бу қуролдан “марказ” усталик билан фойдаланган.

Оллоҳга шукрки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ халқимиз ўз ҳуқуқларини таний бошлади. Бу борда бир талай ютуқларга эришяпмиз. Республикамиз Олий Мажлиси қабул қилган Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, кўплаб қонунлар бунга мисол бўла олади. Ахборот олиш кафолатлари тўғрисидаги қонун, журналистлар

фаолиятини ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳужжат жаҳон қонунчилик амалиётида янгиликдир. Айнан шу ном билан аталадиган, шу мақсадларга қаратилган ҳужжатлар дунёда йўқ! Бу масалада Ўзбекистон биринчилардан бўлгани қувончли ҳол. Масалан, ахборот олиш кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг аҳамияти ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Тошкентдаги Камолон қабристонидан Абдулла Қодирийга атаб кичкина мақбара қурилган. Аммо, минг афсуски, мақбарада улуг адибнинг хоки йўқ. Жиноят Кодексида таъкидланишича, ўлимга ҳукм қилинган ашаддий жиноятчининг хоки қаердалигини айтиш шарт эмас. Лекин Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Мунавварқори ва бошқалар бировни ўлдирмаган ёки давлат хазинасига миллионлаб зиён етказмаган эдилар-ку! Халқимизнинг шундай асл фарзандлари қаерда қатл қилингани уларнинг қавму қариндошларидан сир тутиб келинган.

Ёки зулм салтанатининг сўнгги хуружи — “ўзбеклар иши” жараёнида қанча одам бегуноҳ қамалганини, қатл қилинганини, зулм ва зўравонликка чидолмай ўзини ўлдирганини, Гдлян деган маразлар юртимизни қандай талаганини — бу ҳаммасини ким аниқ билади?

Эътироф этайлик, ўша пайтда кўшиб ёзувчилар, порахўрлар, пул қутуртирган каззоблар бўлган. Бироқ битта гуноҳкорга кўшиб юзта бегуноҳни қамоққа тиқиш, “ўзбек иши” деган тамга билан бутун бошли халқни бадном қилиш — мислсиз зулм эди. Қолаверса, бундай иллатлар бутун СССРда одат тусига кирган эди. Туриб-туриб нашъа қилади-да одамга! Нега “ўрис иши” эмас, “украин иши” эмас, “арман ёки молдован иши” эмас, айнан “ўзбек иши”? Гдлянчи жаллодлар нега айнан ўзбекка ёпишди?

Ҳамза номидаги академик драма театрида менинг “Қатагон” деб номланган трагедия-фожа асарим саҳнага қўйилди. Асарнинг илк намоёиши куни бир йигитнинг йиглаб ўтирганини кўрдим. Спектаклдан сўнг у менга кўнглини ёрди. Воқеа бундай бўлган. У йигитнинг

поччаси Бухоро вилоятидаги колхозлардан бирида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Гдлянчилар уни ҳибсга олиб, фашистдан баттар азоб бериб, шу қадар қабих ва тухмат кўргазмаларга қўл қўйишга мажбур этадиларки, оқибатда у поезд йўлига бош қўйиб, жонига қасд қилади! Норасида болалари чирқиллаб қолади. Халқимиз жуда андишали халқ. Бошига шунча ғам-кулфат тушган замонларда ҳам бардош билан чидади. Марказнинг мақсади андишали халқнинг бурнини қонатиб, бошқаларини кўрқитиш эди! Оилада жоҳил отанинг жаҳли чиқса, энг ювош боласини калтаклайди... Лекин гап фақат бунда эмас. Ўзбекистон бошқа талай республикалар орасида кўп томонлама тараққий этган, салоҳиятли юрт эди. Айнан шу нарса марказга “ёқмаган” бўлиши ҳам мумкин... Яъни марказ энг “ювош” ва энг “обрули боласи”ни калтаклаб, бошқаларини ҳушёр тортишга ундаган. Бу қатагонни “оқлаш” йўллари ҳам топилди. Ўзбекистон, марказ таъбири билан айтганда, “иккинчи Афғонистонга айланган” кезлари (аслида бу ибора тўғри — марказ Афғонни қанчалик қонга ботирган бўлса, Ўзбекистонга ҳам шунчалик хуруж қилган эди) Ўзкомфирқанинг “машхур”, аниқроғи, машъум XVI пленуми бўлди. Бу — ўзбек халқи устидан бошланган қатагонларни “маънавий жиҳатдан асословчи” анжуман эди...

Бир куни менга “юқори ташкилот”даги “опа”ларнинг номидан кўнғироқ бўлди. Катта мажлис бўлар экан. Катта мажлисда мен Ўзбекистоннинг “чириб кетгани” ҳақида гапиришим керак экан... Эртасига чиндан ҳам катта мажлис бўлди. Москвадан келган “катта одам” — Бессарабов нутқ сўзлади. Кўп “ақлли” гаплар айтди. Ўзбекистон — порахўрлар юрти эмиш. Марказга пахта толаси ўрнига вагонларда “ҳаво юборилган”. Самолётларда эса “дипломат”лар тўла пул борган... Қарасам, “опа”лар нуқул сен ҳам гапир, деб имо қиляпти. Гапирдим. Мен содда, мен гумроҳ бир нарсага тушунолмапман, дедим. Ўзбекистондан марказга вагонларда тола

эмас, ҳаво, “дипломат”ларда эса пул борган экан, нега марказдагилар бизга вагондаги ҳаво, “дипломат”даги пул эмас, толанинг ўзи керак, демабди? Марказ вакили мен содда, мен гумроҳнинг бу “аҳмоқона” саволимга жавоб беришни ўзига эп кўрмади... Худого шукр, мени ҳам кейин бундай мажлисларга чақирмай қўйдилар...

“Ўзбек иши”да ўзбек халқининг айби йўқ эди! Бунда бошқа ҳақиқат бор. Тоталитар тузум ҳар ўн-ўн беш йилда “калла олиб”, “қон чиқариб” турмаса, кўнгли жойига тушмаган. Негаки, у узидан ўзи кўрққан... Ўзига ўзи ишонмаган! Шунинг учун мудом халққа зулм қилган. Зулм — адолатсиз тузум қуролидир. Адолатсиз тузум ўзининг омонатлигини зулм билан ҳимоя қилади... Эски ва чуриги чиққан ҳақиқат!

Бадиий ижодда замон фожиаларини тасвирлаш аъъаналари ҳамиша бўлган. Эсингизда бўлса, “Ўтган кунлар”да Юсуфбек ҳожи Отабекка: “Остонасида шундай қаттол ёв туриб, бу халқ бири-бири билан уришиб ётибди”, дейди. Ёки “Кеча ва кундуз”да шундай тағмаъно бор: бир мамлакат иккинчи мамлакатни бахтиёр қилиш учун эмас, талаш учун босиб олади. Буюк алломалар мустабид тузум сиёсатининг найранглари ни теран ҳис қилиб ёзганлар ва шу тўфайли кўрбон бўлганлар...

Кейинги ўн йилликларда комфирқани улуглаб шеър уҳюя ёзиш урф бўлган эди. Лекин инсон эркини, Ватан озодлигини ижоднинг бош мақсади деб билган қаламкашлар ҳам оз эмасди. Бироқ улар ниятини ошкора айтмай, туйғуларини бадиий рамзлар, тимсоллар воситасида ифода этишга ҳаракат қилганлар. Бизнинг авлодга мансуб ижодкорларга ҳам шундай йўл энг тўғри йўл бўлиб кўринарди. Сиз айтган “закўнчи”, “комиссар”, “Далавий налўғчи”лар зулм салтанатининг ишонган тоғлари эди. Улар ўзига яраша илмли, айна пайтда, Сталин айтгандек, катта машинанинг мурватчалари эди. Бундайлар, агар буйруқ бўлса, онасининг қўлига кишан солишдан ҳам тоймаган.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлис сессияларидан бирида Президентимиз залдаги депутатларга савол берди: “Хукуқ-тартибот идораларига оддий одамлар қандай қарайди?” Узоқ сукуддан кейин залдан кимдир «Қўрқади», деган эди, Ислоом Абдуганиевич: “Баракалла! Тўппа-тўғри айтдингиз, қўрқади!” деди.

Бу психология оддий одамларнинг қонига сингиб кетгани бежиз эмас. Кетма-кет қатагонлардан фуқаро юрак олдириб қолган. Суд деса, милиция деса, ўзини ҳимоя қиладиган ташкилот эмас, нуқул жазолайдиган, азоблайдиган “тегишли жой”ни тушунадиган бўлиб қолган.

Демократик мамлакатларда бирон кор-ҳол бўлса, фуқаро дарҳол адвокат чақиришни талаб қилади. Бегуноҳ одамга нисбатан жиндай адолатсизлик рўй берса, матбуот шовқин кўтарлади. Бизнинг юртимиз ҳам шу даражага етиш учун ҳаракат қилмоқда. Ахборот олиш эркинлиги, журналист ҳуқуқини ҳимоя қилишга мўлжалланган қонунлар айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ҳужжатларни яратишга шахсан Президентнинг ўзи ташаббускор бўлгани айниқса қувончли. Аммо шуниси кўрқинчлики, орамизда ҳалиям ўша “қўрқув салтанати”ни кўмсаб юргувчилар бор. Биз шундайлардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Бунинг учун ўша “комиссар”, “зақўнчи”, “налўгчи”ларларнинг асл қиёфасини фош этувчи асарларни кўпроқ ёзмоқ керак. Токи улар қайта бош кўтармасин! Мустақиллик бизга шу имкониятни берди ва биз унинг қадрига етишимиз даркор. Сиз айтаётган Озодлик деган каломнинг асл моҳияти ҳам шунга қариб тақалади.

— *Истиқлол маънавий қадриятларимизни тиклаш учун катта уфқлар очди. Айни пайтда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маънавий бойлик яратувчиларнинг моддий аҳволи сал танглашиб қолгани ҳам бор гап. Ёзувчининг асосий тасвир объекти — инсон ва унинг ҳаётидаги турли мураккаб-*

*ликлар, булар Сизнинг-да нигоҳингиздан четда қолмагани аниқ. Бугунги кунда бу борада қандай уй-хаёллар билан юрибсиз?*

— Истиқлол берган энг буюк неъматлардан бири, шаксиз, маънавий қадриятларимизнинг тикланишидир. Ўтмишимизга, тарихимиз, динимиз, тилимизга нисбатан янгича муносабатларнинг шаклланаётгани, Амир Темур, Улугбек, Бобур сингари буюк боболаримизнинг пок номи оқлангани Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини оширмоқда.

Бундай чинакам тарихий ўзгаришларнинг илдизи қаерда эканини айтмайми? Шахсан юртбошимизнинг ўзидая! Агар ҳамма юмуш шу соҳанинг мутахассислари, масалан, тарихчи олимларга ташлаб қўйилса, улар ҳали-вери кимирламас эдилар.

Муҳтарам олимлар мендан ранжимасин. Улар орасида Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов каби улуг алломалар ва уларнинг издошлари оз бўлмаган. Аммо ўтмишда “ғирт саводсиз” бўлганимизни “илмий асосда” исботлаганлар ҳам, буюк бобомизни “қонхўр, каллакесар” деб ёзганлар ҳам, Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги рисола-си устидан марказга бориб мағзава ағдарганлар ҳам бор эди.

Рухсатингиз билан баъзи мисолларни айтсам. 1990 йил июнь ойида Ўзбекистон Комфирқасининг XXII съезди бўлди. Бу анжуманда ўша кезлари Ўзбекистон Комфирқасининг биринчи котиби бўлиб турган Ислоом Каримов қилган маърузани ҳозирги ёшлар билмаслиги мумкин. Ҳали “ўзбек иши” деган қатагонлар тиниб-тинчимаган, бутун дунё олдидая ўзбек халқи қаро ер билан битта қилинган, мустақиллик орзу бўлиб турган паллада юртбошимиз халқни тупроқдан ажратиб олди! Қалбида ғурур уйғотди, ўзлигини англаб етишга ундади. Бу гаплардан ҳаяжонга тушиб мен ҳам сўз сўрадим. Кечаги баъзи “юрт оталари” ўз халқи қўлига кишан солиб, аллақайси гўрдан келган “ҳалол мутахассислар”га суянгани, бу

эса ўта адолатсизлик бўлгани, тарихимиз шу пайтгача ҳақоратлаб келинганини айтиб, “Улуғ бобомиз Амир Темур шахсига бирёқлама, салбий муносабатни ўзгартириш вақти етди!” деганимда (бу нутқ “Саодат” журналининг 1990 йил август сонида эълон қилинган) делегатлар бу фикрни мамнуният билан қарши олдилар.

Танаффусда эса баъзи тарихчилар: “Табриклаймиз, қонхўрни улугладингиз, бунинг оти популизм дейилади”, деб пичинг қилдилар. Бугун келиб шулар ҳам бир думалаб Темурни улугловчи бўлиб қолганига алҳазар демай илож йўқ. Бу гапларни бировни камситиш ёки, Худо асрасин, қасд олиш ниятида айтаётганим йўқ. Аммо яна бир маънавий ҳазина — муқаддас Қуръони каримнинг маъно таржимаси “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинган пайтда бошимизга қандай маломатлар ёғилганини айтиш вақти етди. (Яна бир қарра айтай: буни ҳам бировни камситиш ниятида гапираётганим йўқ. Аммо ҳақиқат қачондир айтилиши керак-ку, ахир!)

Шундай қилиб, 1989 йил охирида Қуръони каримнинг маъно таржимасини эълон қилишни 1990 йил иш режасига киритдик. СССР ва КПСС отини қамчилаб турган, кечагина дафн маросимига борсанг, партиядан ўчишинг аниқ бўлган пайтда бу осон иш эмас эди. Таржимон — Аллоуддин Мансур билан узоқ суҳбатлашдик. Таржиманинг дастлабки қисмларини кўрдик. Араб тили, дин тарихини мукаммал биладиган олимлар, шоир ва адиблардан таҳририят тузилди. Таржимон ҳар сонга таржима матнини етказиб турадиган, бош муҳаррир муовини Омон Мухтор мутахассислар иштирокида маттни таҳрир қиладиган бўлди.

Ниҳоят, 1990 йилнинг март сонида Қуръони карим таржимаси тарихда биринчи марта замонавий ўзбек тилида “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилина бошлади. Ва... журнал тарқалиб улгурмай “жанг” бошланди! Аввал шунчаки, майда-чуйда эътироз-

лар... Кейин... Марказқумдан қўнғироқ!

Жанжалнинг боши қайси нуқтадан чиқишини, бу масалада республика раҳбарияти эмас, айнан олимлар тиш қайраб юрганини билар эдим. Шу боисдан “жанг майдони”га тайёргарлик билан бориш керак эди. Бунақа пайтда тўнини ечиб ташлаб майдонга чиқадиганлар кўп бўлмайди. Ҳақиқат учун бошини кундага қўядиганлардан бири Озод Шарафиддинов эди. Афсус, домла университетда банд экан. Умарали Норматов ҳам. Катта идорага эса айтилган сонияда борилиши шарт!

Хуллас, Марказқумга уч киши — атоқли тилшунос ва арабшунос олим Алибек Рустамов, ҳар қандай вазиятда ҳам сўзидан қайтмайдиган ҳақгўй Носир Фозилов (у киши “Шарқ юлдузи”да масъул котиб эди) ва мен бордик.

Катта идоранинг масъул ходими бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Шунинг ўзиёқ ҳаётимизда жиддий маънавий ўзгартириш рўй бераётганидан нишон эди: кўнглим бир қадар тинчиди. Рўпарамизда бутун бир рақиб армияси турибди, деб ўйлаган эдим. Йўқ, хонада биргина академик утирган экан. (Бу олимнинг баъзи китобларини ўқиган, мажлисларда “улуғ рус тили”ни шарафлаб сўзлаган нутқларини эшитган эдим. Фақат... Муқаддас Китоб таржимасининг эълон қилинишига бу кишининг нима алоқаси борлигига ақлим етмасди. Бироқ муҳтарам академик Ўзбекистон ССР Фанлар академияси номидан расман ташириф буюрган эканлар.)

Ўйлаб кўрсам, ўша воқеага етти йил бўлибди. Атиги етти йил ва узоқ... етти йил! Ўша пайтда оддий профессор бўлган ва мустақиллик шарофати биландир бугун академик унвонига сазовор бўлган Алибек Рустамов олдида ҳамиша таъзим қилгим келади. (Ёлғиз мен эмас, маънавиятни қадрлайдиган ўн минглаб журналхонлар ҳам бу инсондан қарздордир.) Бу алломанинг ўткир далиллари, гоҳ вазмин, гоҳ шиддатли гаплари эсимдан чиқмайди...

Хулласи калом, Фанлар академияси номидан келган мухтарам академик билан орамизда шундай савол-жавоб бўлди:

— Қуръон таржимаси билан “Шарқ юлдузи” шуғулланиши шартми?

— Булмаса, ким шуғуллансин?

— Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бор!

— Марҳамат, Фанлар академияси ҳам шуғулланаверсин.

Алибек ака луқма ташлади:

— Академия шуғулланса, Қуръони карим ўн йилда ҳам чиқмайди. Мен буни яхши биламан!

Академик бошқа далил топди:

— Қуръонни таржима қилиш мумкин эмас. У фақат араб тилида ўқилиши керак.

— Китоб инглиз, француз, немис, испан, лотин, рус тилларига аллақачон таржима қилинган-ку!

— Улар христиан мамлакатлари!

— Туркия, Афғонистон, Покистонда миллий тилда чиққани-чи? Уйгур тилига таржима қилингани-чи?

Мухтарам академик яна бўш келмади:

— Тугри, бу тилларда таржимаси чиққан. Аммо яхлит китоб бўлиб чиққан. Қуръонни майдалаб нашр этиш мумкин эмас.

— Ҳафтияк-чи? Ахир, у муқаддас китобнинг еттидан бири-ку! У эски мактабларда болаларга ўқитилган...

— Ҳафтияк — китоб, журнал эса — вақтли нашр. Қуръонни журналда босиб бўлмайди!

— Нега ахир?

— Чунки, бу — муқаддас китоб. Кимдир журнални йиртиб, номаъқул жойларда ишлатса...

Тутақиб кетдим:

— Қандайдир аблаҳ ахлат қутисига ташласа гуноҳга ботаман, деб новвой нон ёпмаслиги керакми энди? Кимдир журнал варағини йиртиб, сиз айтган жойда ишлатишдек гуноҳни бўйнига олса, бунинг учун журнал айбдор эмас-ку! Унақаси ўзбекларда йўқ!

— Бўлса-чи?

Анчадан бери тек ўтирган Алибек ака-

нинг йирик кўзлари ёниб кетди.

— Ҳой мулла! — деди овози жаранглаб. — Сизнинг соҳангизни Қуръон таржимасига нима дахли бор?! Араб тилини, дин тарихини биласизми ўзи? Мен араб мамлакатларида ишлаганман! Ҳамма газеталарда ҳар куни Қуръон суралари босилади. Муқаддас Китобни майдалаб босиш гуноҳ деганингиз — мантиқсиз гап. Абсурд! Ундан кўра, Фанлар академиясидан берухсат журнал бу юмушга нега журъат қилди, деб кўяқолинг!

Мухтарам академик фикридан қайтмади:

— Барибир журнал нашрини тўхта-тиш керак!

— Тўхтатинг! — дедим мен алам билан. — Қўлингиздан келса, тўхтатинг! Аммо, билиб қўйинг: юз эллик минг нусха журнал тарқалиб бўлди! (Худо кечирсин: ҳали ҳаммаси тарқалмаган эди, ёлгон гапирдим. Аммо шу гап керак эди.) Журнал бир сонининг харажати 150 минг сўм туради. Бу пулни сиз тўлайсиз! Эртага таржима нега тўхтаб қолди, деган гап чиқса, халқ олдида сиз жавоб берасиз!

— Буниси ўз йўлига, — деди Алибек ака анчайин хотиржамлик билан. — Шу жанжал бошланса, сиз, мен, Уткиржон — учовлашиб телевизорга чиқамиз. Сиз, мулла, ўз аргументларингизни айтасиз, биз узимизникини! Оқ билан қорани халқнинг ўзи айириб олсин! Гап тамом!

Мухтарам академик зипиллаб чиқиб кетди. Марказқўмнинг масъул ходими эса гапга қўшилмай жимгина кулимсираб ўтирар эди. Билдимки, бу киши ҳам ҳақиқат қаёқда эканини аллақачон тушунган...

Кейин... мени Ислом Абдуғаниевич қабулига чақирдилар.

Ислом ака ижодкорлар фаолияти, “Шарқ юлдузи”да босилаётган асарлар ҳақида сўради. Сўнг... Қуръони карим таржимасига тўхталди.

Тушундим. Демак, бир гуруҳ олимлар шикоят қилган. Казо-казо олимлар... Нима деса деган...

Бор гапни айтдим. Ҳаяжон билан. Эҳтирос билан...

Балки ҳамма гапларимни осойишта ва мантиқли айтолмагандирман...

Ислом Абдуганиевич диққат билан эшитиб, қатъият билан бир огиз сўз айтди:

— Босаверинг!

...Шу тариқа Муқаддас Китоб журналда чоп этилди!

Албатта, кейин ҳам майда-чуйда хуружлар бўлди.

Бир томондан — жоҳил атеистлар... Иккинчи томондан — жоҳил диндорлар... Аммо энди булар хира пашшанинг гингиллашидек гап эди.

Таржимани нашр этиш охирлаб қолганда бир куни Аллоуддин Мансур маъюсланиб келиб қолди.

— Шу юмушни тўхтата қолайлик. Баъзи диндорлар мени ҳам, сизни ҳам сўймоқчи. Куръонни майдалаб босганга — ўлим, деяпти. Булар жоҳил, ака, қулидан ҳар иш келади.

— Сизни холи қўйиб мени сўяқолсин, — дедим хотиржамлик билан. — Мен бошланган хайрли ишни ярим йўлда тўхтатмайман!

...Мана, ниҳоят, хайрли иш руёбга ҳам чиқди. Юз минглаб одамларнинг дуосини ҳам олдик.

...Туркияга борганимда шу мамлакат шайхулисломига Куръоннинг ўзбекча таржимасини тақдим этдим ва китоб шахсан юртбошимиз фатвоси билан чиққанини айтдим. Шайхулислом юртбошимизни узоқ дуо қилди ва энг яхши тилаklarини етказишни сўради...

Бу мисолни юртимизда маънавий қадриятларни тиклаш осонликча бўлмаганини эслатиб қўйиш учун айтяпман.

Шу тариқа биз унутилган қадриятларимизни истиқлол шарофати билан тиклаш имконига эга бўлдик.

Бироқ, айна пайтда, бозор иқтисодиёти маънавий бойлик яратувчилар шароитини танг аҳволга солиб қўяётганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Бу борада “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”имда бир нарса ёзган эдим. Мана, ўша фикрлар.

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Кеча колхозда кетмон чопиб бири икки бўлмаган деҳқон бугун ер олиб бола-чақаси билан гуллашиб қўйсаю қаддини кериб юрса, қувонаман.

Барака топсин! Бу — бозор иқтисодиёти!

Кеча заводдан олган маошини қай бирига етказишини билмай ранги саргайиб юрган муҳандис бугун қўшма корхона очсаю нест-нобуд бўлиб ётган мевалардан шарбат олиб, бойиб кетса, яна қувонаман.

Омадини берсин! Бу — бозор иқтисодиёти!

Кеча каталакдек хонага тиқилиб “эскилик сарқити” — бешик ва сандиқ ясагани учун налогчидан балога қолиб юрган хунарманд бугун цех очсаю роҳатини кўрса, тагин бир қувонаман.

Қандини урсин! Бу — бозор иқтисодиёти!

...Кеча алифни калтак дея олмай ўқитувчисидан дакки эшитган ва охиروқибат “Худосизлар жамияти”да қўним топган нотавон бола бугун “бизнесмен” бўлсаю самолёт сотиб олса, ҳайрон қолмайман. Бу ҳам бозор иқтисодиёти.

Кеча буюк ихтиролар қилган олимнинг истеъдодли шогирди бугун фанни тарк этиб тадбиркорга айлансаю папкасига “деловой” ҳужжатлар солиб юрса, ҳайрон қолмайман. Бу ҳам бозор иқтисодиёти.

Кеча шоир юрак қони билан ёзган дoston бугун китоб бўлиб чиқса-ю, олган қалам ҳақи машинка пулига етмаса, ҳайрон қолмайман. Бу ҳам бозор иқтисодиёти.

Кеча унвон олиш учун югуриб бетоб бўлиб қолган чаласавод “ҳофиз” бугун “Ягуар” машинасида отарма-отар юрса, ҳайрон қолмайман. Бу ҳам бозор иқтисодиёти.

Кеча битта ростга мингга ёлғон қўшмаса куни ўтмаган эшак бозорининг даллоли бугун “замонавий брокер”га айлансаю уч қаватли қаср солса, ҳайрон қолмайман. Бу ҳам бозор иқтисодиёти...

Аммо кеча алифни калтак дея олмай



“Худосизлар жамияти”да кўним топган нотавон бола бугун минг кишини тўплаб “амри маъруф” қилса-ю, унга дашном берган ўқитувчи чой ташиб юрса, ҳайратланмай иложим йўқ!

Эртага ўша ўқитувчи мактабни ташласаю “Ипподром”га чиқиб сигарет сотса, ҳайратланмай иложим йўқ!

Кеча буюк ихтиролар қилган олим бугун энг яхши шогирдидан айрилгани учун маъюсланиб бекатда турса-ю, “контракт” билан ўқишга кирган биринчи курс толиби “иномарка”сида унга лой сачратиб ўтса, ҳайратланмай иложим йўқ!

Кеча эшак бозорида даллолик қилган “замонавий брокер” бугун уч қаватли қасрини “ювса”ю чаласавод “ҳофиз” бир соат “ҳанграгани” учун бошидан даста-даста “куки”дан сочсалар...

Давранинг бир бурчида ўтирган шоир газаллари хор бўлганидан ўкиниб, издиҳомдан бош эгиб чиқиб кетса, ҳайратланмай иложим йўқ!

Ўша давранинг яна бир бурчида худди шу “ҳофиз”ни бир тийин таъмасиз даволаган дўхтир ҳам ўтирган бўлсаю “отарчи” унга кўзи тушиб, “Ия, сизам шу ердасиз, дўхтир!” дея пичинг қилса...

Дўхтир эса “Эртадан бошлаб ўликдан кафанлик тилаганим бўлсин!” деб қасам ичса...

Бунисига ҳайратланмай иложим йўқ!

Бунақа бозорга ўт тушиб, алангаси осмонга чиқсин!

\* \* \*

Албатта, бу гапларни бир қадар дард ва эҳтирос билан айтган бўлишим мумкин. Бунинг учун мени “боқимандаликни, ишёқмасликни тарғиб қилиш”да айбламасалар керак деб умид қиламан. Агар биз бугун ёзувчи, шоир, рассом, актёр, шифокор, ўқитувчи сингари “моддий бойлик яратмайдиган” табақага бепарволик билан қарасак, эртага бундай маънавий йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш мушкул бўлади.

Бозор иқтисодиёти устувор бўлган юртларда ижтимоий ҳимоя ҳам ўрнига қўйилган. Моддий эмас, маънавий бойлик яратувчиларга бир томондан — дав-

лат, бир томондан — ўзига тўқ табақа доим ёрдам беради. Ўша мамлакатларда ўртача турмуш кечирувчилар орасида энг бадавлат одамлар кимлигини биласизми? Пенсияерлар! Нега шундай?

Гап шундаки, аввало, бу мамлакатларда ҳар бир фуқаронинг меҳнатга муносабати ҳавас қилса арзийдиган даражада. Улар алдам-қалдамсиз, ҳалол ишлайди! Меҳнат таътили тугамасидан анча олдин ишга чиқиб кетади. Биладики, танбаллик қилса, иш жойидан ўша заҳоти айрилади. Аммо қанча яхши меҳнат қилса, шунча кўп маош олади. Ўша маошининг маълум фоизи пенсия фондига ўтади ва у буним ойма-ой ҳисоблаб боради. Пенсияга чиққан заҳоти, хоҳласа, йиллар давомида тўпланган пулининг ҳаммасини бирийўла олиб ўз корхонасини, ўз бизнесини юритади. Хоҳласа, бир қисмини олиб дунё кезади. Хоҳласа, ойма-ой олиб туради...

Шўро даврида кўплар куним ўтса бўлди қабилида ишлаган. Ёши етиб, пенсияга чиқиб олса, бас. Аммо, Худо асрасин, пенсияга чиқишига бир кун қолганда бандаликни бажо келтирса, тамом: ўттиз-қирқ йил ишлаб тўлаган солиғи қулогини ушлаб кетади! Яъни у томондан ҳам, бу томондан ҳам адолатсизлик рўй беради. Чет элда эса акси: аввало, фуқаронинг ўзи ҳалол ишлайди. Қолаверса, башарти у пенсия ёшига етмай вафот этса, йиллар давомида нафақа учун тўлаган пули — тўлалигича оиласига қайтариб берилади. Ижтимоий адолат дегани шу эмасми?

“Моддий бойлик яратмайдиган”лар ҳақида яна бир оғиз гап.

Тўғри, биз ҳозир оғир ўтиш давридамыз. Бироқ, менимча, маънавий бойлик яратувчиларга истеҳзо билан қараш яхши эмас. Шифокор бозор оралаб шарбат сотса, эртага минглаб одамлар хасталаниб, давлат газнаси миллионлаб зиён кўради; агар шоир “Ипподром”га чиқса, эртага ёшлар ҳиссиз тўнкага айланади!

Шундай дейман-у, жиддий бир эътирозни сезиб турибман. Бир замонлар шеър ёки газал ёзиш кўнгил иши

бўлган. Шоирларнинг манамаман дегани ҳам бир хунарнинг бошини тутган: бири хаттотлик қилган, бири сандиқчилик... Тўғри гап. Лекин биз ўтган аср мезони билан яшолмаймиз. У пайтларда китоб чиқмаган ва девон тартиб қилинса ҳам деярли сотилмаган. Яъни китоб товарга, товар эса пулга айланмаган. Сўнги ўн йилликлар даврида минглаб китоблар юз минглаб нусхада чиқди ва нашриётлару давлатга миллионлаб даромад келтирди. Яъни адиб ва шоирлар фақат маънавий эмас, моддий бойлик ҳам яратди. Шундан бир қисмига (озгина қисмига) ўзи эга бўлди. Тўғри, ўтиш даврида китобнинг таннархи кескин қимматлашди. Шу боис китоб харидори камайди. Лекин ишонгим келадики, бу — вақтинчалик жараён. Эртага топиш-тутиши яхшиланса, китобни 200-300 сўмга сотиб оладиганлар кўпаяди! Шу ораликда бадиий ижод аҳлига — ҳақиқий истеъодларга бир қадар ёрдам берилса, ўртада узилиш бўлмайди, одамларнинг маънавий бойликка меҳри сусайиб кетмайди, деб ўйлайман. Яна айтаман: орада катта узилиш рўй берса, ўрнини тўлдириш осон бўлмайди...


— *Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси ижод аҳлига ҳамиша ҳамроҳ бўлиб келган. "Ватанни севмоқ иймондандир!" деган гап шунчаки шиор эмас. Зотан, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар аввало ўз юртини севиш, уни муқаддас деб билиш билан чамбарчас боғлиқ. Сиз ижодкор сифатида...*

— Тушундим. Ватан ҳақида шеър ёзмаган шоир йўқ. Ва бу шунчаки чиройли гаплар эмас. Мен шоир эмасман. Аммо насрнинг оддий тилида айтадиган бўлсам, Ватанинг қайси, деган саволга тузук-қуруқ жавоб беролмаган одам ота-онанг ким, деган саволга жавоб тополмаган нотавондек гап. Албатта, инсон боласи хоҳлаган жойида яшаши мумкин. Бироқ Ватан деган шундай туйғу борки, уни ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди. Бу соф инсоний

тушунча. Масалан, сиз қутичага чумолини солиб минг чақирим нарига олиб бориб ташласангиз, ўрмалаб кетавериши мумкин. Ўзбекистондаги олма кўчатини Афғонистонга элтиб ўтказсангиз, табиий шароити мос келса, мева тугаверади. Африкадаги маймунни Ҳиндистон ўрмонида кўйиб юборсангиз, бемалол яшайверади. Лекин инсон боласи ўз юртидан узоқлашса, ҳар қандай зўр шароитда ҳам барибир кўнгли ўксик бўлиб қолади. Ва яна қизиғи шундаки, у қанча онгли бўлса, бу туйғуни шунчалик теран ҳис қилади. Биласиз, Октябрь тўнтариши, қизил террор, мажбурий коллективлаштириш даврларида кўп ҳамюртларимиз киндик қони тўкилган тупроқни тарк этишга мажбур бўлди. Коммунистик мафкура уларни ватан хоини, ватанфуруш деб маломат қилди. Бу — ноинсофлик эди. Улар азбаройи жони ва молини сақлаш учун шундай қилишга мажбур бўлганлар. Ватандошларимиз Ўзбекистон истиқлолидан беқийёс қувондилар. Шу билан бирга бошқа ҳақиқат ҳам бор. Энг қийин дамларда айнан зиёлилар — олимлар, шоир ва адиблар Ватани тарк этмадилар. Аксинча, унинг озодлиги йўлида қўлларидан келганча курашдилар ва кўплари шу йўлда қурбон бўлди. Ҳар қалай, бу туйғу ижод аҳлида бошқалардан кўра кучлироқ эканини эътироф этишимиз керак. Одам боласи кўп тилларни билиши мумкин, аммо она тили битта бўлади. Одам дунёдаги барча аёлларга эҳтиром билан қараши мумкин, лекин она битта бўлади. Одам ер куррасининг истаган жойида яшаши мумкин, бироқ Ватан битта бўлади. Чинакам инсон учун Ватан шунчаки бошпана, иш жойи, борингки, бойлик ортирадиган манзил ёнки анчайин жуғрофий тушунча эмас. Ватан — аждодлар руҳи, отаси, онаси, тили, иймони — ҳуллас, инсонни инсон қилиб турган ҳамма нарсадир! Унинг муқаддаслиги ҳам шунда!

**Сирожиддин РАУФ**  
суҳбатлашди.

Ҳафиза НАСРУЛЛАЕВА



# МУВОЗААТ МЭЗОҒИ

Инсоният бугун ечимини излаётган муаммолар сирасидан хотин-қизлар масаласи ҳам ўрин олган. Эркак ва аёл муносабати, оиланинг ижтимоий ва руҳий омиллари, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ҳар доим долзарб мавзу бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Айниқса, фан-техниканинг ривожланиши билан жамият тараққиётининг илдамлашуви, кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ўсиб кетиши, хотин-қизлар фаоллигининг ортиши мавзуни янада долзарблаштирди. Хотин-қизлар масаласи маънавият масаласи билан узвий боғлиқдир; ядро қуроллари инсоният тақдири учун нақадар хатар-

ли бўлса, маънавий қашшоқлик ҳам шу қадар хавфлидир.

Бу муаммо бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзига хос шаклда намоён бўлди. Чунки шўролар даврида юритилган “ленинча тенг ҳуқуқлилик” сиёсати оқибатида аёлларимиз икки хил қиёфага, икки хил тақдирга эга бўлиб қолдилар. Биринчи қиёфа — минг йиллар давомида шаклланган диний ва миллий қиёфа; иккинчиси эса — етмиш йил мобайнида “тенг ҳуқуқлилик”, “хурлик”, “озодлик”, “бахт-саодат” деган саф-саталар билан аёлларимиз онгига сингдирилган ижтимоий қиёфадир. Иккинчи қиёфа деганда аёлларнинг ишлаб чиқариш

Ҳафиза НАСРУЛЛАЕВА. Самарқанд давлат педагогика институтини тамомлаган, уй бекаси.

жараёнида иштирок этиши, ижтимоий масалаларга эркаклар билан тенг аралашishi, улар қатори маош олиши, кўча-кўйда, жамоат жойларида бемалол очиқ-сочиқ юриши ва ҳоказолар тушунилади. Шуниси борки, етмиш йиллик сиёсат натижаси ўлароқ аёлларимиз минг йиллар давомида шакланган тушунча ва қадриятларни бир оз унута бошлаган эсалар-да, ўзбеклигини батамом эсдан чиқарганлари йўқ. Шу боис Ватанимиз истиқлолга эришгач, айрим хотин-қизларимиз исломий йўлга кириб, уйда оиласи, бола-чақаси билан машғул бўлмоқда, яна айримлар эса иккиланиш кайфиятида юрибди.

Иккиланиш кайфиятига тушган аёллар — шўролар даврида илм эгаллаган, коммунистик мафкура чиғириғидан ўтган, жамиятда, ижтимоий ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллаган малакали, фаол зиёли аёллар бўлиб, улар ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнида аввалги мавқеини йўқотиб қўйишдан кўрқади ва ўзликка қайтиш, миллийлигимизни тиклаш деганда ёки ислом дини ҳақида ижобий фикр билдирилганда, буни "орқага қайтиш" деб тушунади. Улар аёлларнинг "ичкари"га қайтиши уларнинг дунёқарашини, онгини, иқтидорини ва малакасини саёзлаштиради деб ҳисоблайди. Албатта, уларнинг фикрларида ҳам жон бордек кўринади. Шунинг учун ҳам хотин-қизлар масаласида бир тўхтамга келиш, аёлларга нисбатан янгича ижтимоий муносабатни шакллантириш учун, энг аввало, хотин-қизлар ҳақидаги илғор фикр ва мулоҳазаларни тўплаш ва таҳлил этиш лозим.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ўрнини белгилаш ҳақида баҳс кетар экан, аввало, уларнинг табиий-биологик хусусиятларига эътиборни қаратиш лозим. Коммунистик мафкура хотин-қизлар масаласида айнан ана шу жиҳатни эътибордан қочирди.

Бизни ўраб турган табиатни синклеклаб кузатар эканмиз, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг ўзига хос вазифаси борлиги, яъни ҳеч бир жонзот бекорга яратилмаганини кўраемиз. Улар одамларнинг онгига, иродасига, истак ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган қатъий қонунлар билан ривожланиб, бир-бирига монандлик ва мутаносиблик асосида таркиб топгандир. Бу монандлик ва мутаносибликда маълум меъёр ва мувозанат ҳукм суриб, нарса ва ҳодисанинг турғунлиги, бутунлиги ва осойишталигини таъминлайди. Даражанинг, яъни муво-

занатнинг бузилиши бутуннинг емирилиши ва ҳалокатига сабаб бўлади. Табиатнинг бир бўлаги бўлган одамизод ҳам бундан мустасно эмас.

Табиат ҳам тирик вужудга ўхшайди. Ундаги тоғлар, дарё ва денгизлар, ўрмонлар, бепоён чўлу биёбонлар — барчасида сеҳру ҳикмат яширинган. Уларнинг ҳар бири ер юзида ҳаётнинг давом этиши учун ўзига хос вазифани бажариб туради. Улар мувозанатда турган пайтда табиатда турғунлик бўлиб, унда тирик вужудларнинг яшashi ва ривожланиши учун шарт-шароит яратилади. Бордию бирортасига зарар етказилса, мувозанат бузилади, табиат хасталанади ва барча мавжудот учун жиддий хатар туғилади.

Эркак ва аёл муносабатлари ҳам шу қонуният, шу мувозанат асосида шаклланади. Оллоҳ одамни икки жинс — эркак ва аёлдан иборат қилиб яратган. Унга, бошқа махлуқотдан фарқли ўлароқ, онг, идрок, тафаккур қобилияти берилган бўлса-да, у ҳам барча қатори табиат қонунларига бўйсунди, ундан айрича яшай олмайди. Агар у ўз ақл-идрокига ишониб табиат қонунларини менсимаса ёки уни ўзбошимчалик билан ўзгартирмоқчи бўлса, жазосини олади. Бугун жабрини тортаётганимиз экологиявий ва маънавий инқирозлар негизида ҳам ўзимизнинг ўжарлигимиз, худбинлигимиз, такаббурлигимиз, билимсизлигимиз ва табиатга нисбатан ҳурматсизлигимиз ётибди.

Оллоҳ одамни эркак ва аёл жинсига ажратиб, ҳар бирига ўзига хос вазифа юклаган. Табиатдаги барча жонзотлар каби одамнинг энг биринчи эҳтиёжи еб-ичиш ва зурриёт қолдиришдир. Қолганлари эса инсоннинг онгли фаолияти мобайнида таркиб топа боради. Бу ҳол фан тилида моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш деб айтилади. Табиат моддий неъматлар ишлаб чиқариш вазифасини эркак жинсига, ўз-ўзини қайта ишлаб чиқаришни эса аёл жинсига юклагандир. Одамлар орасида биринчи меҳнат тақсимоти айнан ана шу жинслар ўртасидаги меҳнат тақсимотидан бошланган. Ҳар бир жинснинг мизожи, саҳиясининг вазифасига кўра шакланган. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жисмоний куч, матонат, ирода, ақл-идрок талаб этса, ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш эса ноциклик, ҳис-туйғу, фаҳм-фаросат ва меҳр-

муҳаббат талаб қилади. Чунки бола туғиш, уни эмизиш, эркалаш, тарбиялаш ишларида жисмоний куч эмас, балки кўпроқ ҳиссиёт, нозик туйғулар муҳим ўрин тутди. Аслида ақл-идрок аёлга ҳам, эркакка ҳам бир хил миқдорда берилган. Лекин аёллардаги ҳис-туйғу аксарият ҳолда уларнинг ақл-идрокидан устунлик қилиб туради ва аёл жинсини беқарорлаштиради. Эркак

жинсида эса ўзини, аёлини, бола-чақасини боқиш, едириб-ичириш, кийинтириш, уй-ж о й қуриш ва оилани ташқи хатарлардан ҳимоя қилиш заруратига кўра, кўпроқ жисмоний куч ва ақл-идрок камол топади.

Бундай хусусият эркак жинсига оилага раҳбарлик қилиш ва-зифасини юклайди ва аёлни унга тобе қилиб қўяди. Минг-минг йиллардан буён кишилиқнинг турмуш тарзига мустаҳкам ўрнашиб қолган дин таълимолари, айниқса, ислом мафқураси негизи айнан ана шу қонун-қоидалар мантиқи асосида шаклланган. Бу ҳол одамизод фаолиятининг табиий-биологик жиҳатларига мос келгани учун ҳам кучли ва яшовчандир.

Аёл ва эркак жинсининг вазифалари мувозанат даражасида сақланиб, бири иккинчисига аралаштирилмас, ҳар бир жинс мажбуриятини бекаму кўст бажарса, оила мустаҳкам бўлади. Барқарор оилалар жамиятнинг ҳам барқарорлигини, маънавий баркамоллигини таъминлайди. Аёлнинг ва-

зифасини, яъни ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш — ҳомиладор бўлиш, туғиш, эмизиш, тарбиялаш ишларини эркак жинсига юклаб бўлмайди. Лекин моддий неъматлар ишлаб чиқариш ишига аёлларни бемалол аралаштиравериш мумкин. Кишилиқ тарихи, бугунги тараққиёт бунга далил бўла олади. Аёллар эркаклар қилган ишни улардан ҳам аълорқ бажариши мумкин. Улар

эрининг топганига кўз тикиб ўтирмай, бола-чақасини ҳам бемалол боқа олади.

Бу ҳол бугунги кунда кўникмага айланиб қолган. Бундай ҳол эркакларга ҳам, аёлларга ҳам маъқул. Чунки эркаклар бола-чақа, рўзғор ташвишида фақат ўзлари елиб-югурмайди, жонларини койитмайди.

Аёллар эса эртаю кеч бола-чақа, уй-рўзғор ташвиши

билан овора бўлиб, диққинафас бўлиб кетмайди, ишхонада уйдаги галвадан кутулиб бир оз «дам олади», нафас ростлайди. Бундай ҳаёт тарзи кишилар турмуши, ижтимоий муносабатларга салбий таъсир этмаса-ку, ҳеч бир ёмон жиҳати йўқ эдия. Лекин, афсуски, айнан ана шундай ғайритабиий ҳаёт тарзи оқибатида жамиятда маънавий ғариблашув юз беради. Бунинг исботини шўролар замонида кўрдик. Бугунги кунда ҳам аёл ва эркак муносабатларида аёл зотининг қадрсизланиши, эркак зотининг ҳурмат-иззатига путур етиши, аёллар ва эркаклар ўртасидаги нозик ҳис-туйғуларнинг сусайиши, итоатсизлик,



бир-бировни менсимаслик Оллоҳ тайин этган ҳуқуқларнинг ўзаро қоришуви, яъни мувозанатнинг бузилиши натижасида содир бўлмоқда. Буларнинг барчасига кишининг ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш вазифасига беписандлик билан қараш сабабдир.

Одамзод бирор иншоот ёки корхонани куриб битказиб маҳсулот чиқара бошласа, чексиз қувонади. Лекин инсонни дунёга келтириш ва уни баркамолу бенуқсон шахс қилиб тарбиялаш маҳсулот ишлаб чиқаришдан улугроқ ва машаққатлироқ иш эканини унча-мунча одам англайвермайди. Ҳолбуки, оила юритиш, бола туғиш ва тарбиялаш, уй-рўзғор юмуши шунчаки ишлар эмас. Балки айнан шу жараёнлар оқибатида тўлақонли инсон вояга етади.

Бугунги кунда тараққиётнинг илдамлашуви, оила ва аёл меҳнатининг қадрсизланиши инсоннинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Аёллар бола тарбиялаш ва уй-рўзғор ишларидан безадиган, кўчада ёки корхонада ҳаловат топадиган бўлди, эрга, эркакка итоат этишни ўжарлик билан рад эта бошлади. Тўғри-да, аёл эркак билан теппа-тенг ишласа, ўзи пул топса, эркакдан ҳам уddaбуро ва зукко бўлса, нега энди унга бўйсунуши, итоат этиши лозим? Мана шундай кайфият аёл жинсини худбин ва ўжар қилиб қўяди. Лекин табиат аёлни зоҳиран эркакка тобе қилиб яратган бўлса-да, ботинан эркак аёлга тобедр. Чунки аёл табиатан том маънода тарбиячидир. Аёл фақат ўзи туққан болаларни эмас, балки эрини ҳам тарбиялайди. Тарбия эса, биламизки, аввало, итоаткорликни талаб этади. Масалан, одам йиртқич ҳайвонга бирор хатти-ҳаракатни ўргатмоқчи бўлса, энг аввал ҳайвон итоатга кўниктирилади. Итоаткорлик бўлмаса, тарбия ҳам бўлмайди, бу ҳам табиат қонунидир. Шунинг учун ҳам аёлнинг эркакка итоат этиши биртомонламалик, табиатнинг адолатсизлиги эмас. Оллоҳ ҳар икки томонни ҳам вазифасига кўра бир-бирига тобе қилиб яратган. Бинобарин, эркаклар, биз — аёллардан устунмиз, улар устидан ҳокиммиз, деб гердаймасликлари, аёллар эса, биз — ожизмиз, заифамиз, деб ўксинмасликлари даркор.

Одамнинг етуклик даражасига юксалишида энг асосий омил тарбиядир. Ижтимоий ҳаётда тарбия манбаси жуда кўп ва

турли-туман. Лекин онанинг, аёлнинг тарбияси инсоннинг шаклланишида гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Она болани фақат иқл-идрок билан эмас, балки туйғулар, нозик ҳислар билан ҳам тарбиялайди. Тарбия жараёнида ўзида неки бўлса, боласига ато этади. Она тарбиясини олмаган, унинг меҳр-муҳаббатига қонмаган инсон руҳан мажруҳ бўлиб қолади. Она парвариши бола туғилиб, балоғат ёшига етгунича узлуксиз давом этса, яхши самара беради. Тарбияда бирор бир сабабга кўра узилиш бўлса ёки онанинг ўзи жисман ва руҳан толиқса, ёки аёл шахсининг ўзида нуқсон бўлса, боланинг тарбияси ҳам нуқсонли ва кемтик бўлиб қолади. Нуқсонли ёки кемтик тарбияли болалар вояга етгач, ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш жараёнида янада нуқсонли ва руҳан майиб-мажруҳ авлодни дунёга келтиради.

Сир эмас, аёл кишининг ижтимоий ҳаёт жабҳасида фаолият юритиш ва моддий неъматлар ишлаб чиқаришда қатнашуши учун маълум вақт талаб қилинади. Буну у оилани саранжом-саришта этиш ва болани тарбиялаш учун сарфлаши лозим бўлган вақтдан чегириб олади. Демак, оила, рўзғор, бола, эр маълум муддат давомида аёл эътиборидан четда қолади. Бу ҳолнинг сурункали давом этиши болани она меҳридан, отани аёл муҳаббати ва рағбатидан мажруҳ этади. Улар аёлдан етарли эътиборни ва тарбияни ололмайдилар, натижада аёлнинг тарбиячилик вазифасига пугур етади. Уй-рўзғор ишлари, оиладаги муҳит ҳам зиён топади. Бу ҳол охир-оқибатда болалар тарбиясида нуқсон ва кемтикликни келтириб чиқариб, жамиятдаги турли-туман иллатларга сабаб бўлади.

Иккинчидан, аёлнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиши унга иқтисодий эркинлик беради. Бу ҳол аёлнинг эркак олдидаги иқтисодий тобелигига чек қўяди. Бу, бир томондан, эркакнинг оилага ҳомийлик қилиш бурчи, раҳбарлик масъулиятини суьсайтирса, бошқа томондан, аёлда ўзига бино қўйиш, эркакка итоат этмаслик кайфиятини туғдиради. Оиланинг негизида фақат аёл ва эркакнинг жинсий эҳтиёжларигина қолади ва бу оила мустаҳкамлигига ҳар доим ҳам асос бўла олмайди.

Учинчидан, аёлларнинг ишлаб чиқаришда ортиқча жалб этилиши кўплаб иш ўринларини банд қилади ва эркаклар орасида

ишсизликни келтириб чиқаради. Ишсиз қолган эркалар эса оиласи олдида беобрў бўла бошлайди. Бундан халос бўлиш учун улар ноқонуний йўл билан пул топишга уринади ва жиноятга қўл уради.

Тўртинчидан, хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиши меҳнат унумдорлигини камайтиради. Чунки аёл ўзини батамом ишлаб чиқаришга бағишлай олмайди. Оила, рўзғор ташвишлари уларнинг фикрини мудом банд қилиб туради. Бундай ҳол меҳнат самарадорлигини оширишга ҳалақит беради ва жамият тараққиётига путур етказида.

Бешинчидан, аёлнинг ижтимоий фаоллашуви, моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши унинг зиммасига юкланган уй-рўзғор ишларидан озод қилмайди. Аёл ҳам жамоада, ҳам оилада узлуксиз ишлаб бошлайди. Натижада у ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчайди. У тажанг ва жоҳил бўлиб қолади ва бу ҳол пировардида оиланинг маънавий мўътадиллигига путур етказида.

Кўриниб турибдики, жинслар зиммасидаги вазифаларнинг аралашуви, яъни хотин-қизларнинг моддий неъмат ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши табиий мувозанатнинг бузилиши ўлароқ жамиятнинг маънавий инқирозини ҳам кучайтиради. Бинобарин, бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз ана шу мувозанатни тиклаш, аёл ва эркак муносабатларида маълум бир меъёрни сақлашдан иборатдир.

Албатта, бутун дунё аёллари тенг ҳуқуқлилик, эркинлик деб турган бир пайтда менинг мувозанат ёки меъёрни сақлаш ҳақида баҳс юритишим кимгадир сал ғалатироқ туюлиши, сиёсий саводсизлик, замондан орқада қолиш бўлиб кўриниши мумкин. Лекин мен мувозанат деганимда Фарбга ёки Шарққа, ёки бутун дунё аёлларининг хоҳиш-истагига қараб эмас, балки табиатга ва фақат табиатга таяниб фикр юритаман, унга асосланиб гапираман. Мен аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини инкор қилмоқчи эмасман, фақат бу масалани бир томонлама эмас, аёл табиатидан келиб чиққан ҳолда талқин этиш тарафдориман.

Бозор иқтисодиёти деб аталаётган ҳозирги давр, аслида, бозор иқтисодиётига ўтиш давридир. Янги тизимнинг шаклланиши эски тушунчаларнинг қаттиқ қар-

шилигига дучор бўлмоқда. Бу ҳол, табиийки, жамиятда хотин-қизларнинг аҳволига ҳам таъсир этмоқда. Илгари, шўро даврида аёлларнинг ижтимоий меҳнатдан кўзлаган мақсади жамиятга аралашуш, шахсини такомиллаштириш бўлса, эндиги мақсад — пул топиш, оиланинг моддий эҳтиёжларини тобора яхшироқ қондиришдир. Шунинг учун ҳам ҳозир аёллар уйда ўтиришни истаган тақдирда ҳам урдасидан чиқа олмайди, меҳнат қилишга, пул топишга мажбур. Давлат ҳам юксалиш йўлига кириб олгунга қадар хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдан манфаатдор. Шунинг учун ҳам бугунги кунда аёллар фақат бола тарбияси билан шуғуллансин, деган ташвиқот ўринли эмас. Лекин бу — ўтиш даври учун хос хусусият. Бугун бўлмаса эртага, барибир, бозор бозорлигини қилади. Ижтимоий ҳаётда хотин-қизларга муносабат мулкка муносабат асосида таркиб топа боради. Бозор сиёсати, аввало, мулкка муносабатни, сўнг эса меҳнатга муносабатни ўзгартиради. Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш бош масала бўлиб қолади. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида аёл меҳнати самарасиз ҳисобланиб, қадр топмай қолиши мумкин. Аёллар фақат табиатига мос соҳаларда, яъни таълим-тарбия, фан, маданият, санъат, тиббий ва маиший хизмат тармоғида фаолият кўрсата бошлайди. Бу соҳаларнинг ўзи ҳам аёлларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда муҳим ўрин тутари.

Умумий мулкчиликдан хусусий мулкчиликка ўтиш даври, яъни бозор иқтисодиёти арафасида хотин-қизлар тақдирини эътиборда тутиш муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, мулкнинг, айниқса, ернинг хусусийлашуви жараёнида кўплаб майда ишлаб чиқариш тузилмалари (ижара пудрати, фермер хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари, кичик ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳоказо) пайдо бўлади. Улар жуда арзон, баъзан текин ишчи кучига эҳтиёж туғдиради. Бундай арзон ишчи кучи сифатида аёлларни, ҳатто болаларни кўплаб жалб қилиш эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай шароитда иш вақтини чеклаш, шароитни яхшилаш, аёлнинг рўзғорини ўйлаш иккинчи даражали нарса бўлиб қолади. Лекин бу борада бизнинг мамлакатимиздаги аҳвол бир оз бошқачароқ кечади. Фарб мамлакатларида ўтиш даврида иш-

лаб чиқариш қуролларининг такомиллашмагани ва ишлаб чиқариш технологиясининг шаклланмагани учун бу босқич тарихан узоқ давом этди. Бу даврда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онги ўсди ва улар ҳақ-ҳуқуқлари учун оммавий тусда кураш олиб бордилар. Бизда эса ривожланган мамлакатларнинг тайёр технологияси ва автоматлашган меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри жорий этилиши натижасида кўпдан-кўп муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади.

Хотин-қизлар масаласига ёндашиш ва уни ҳал этиш борасида дунё тарихида икки хил йўналиш мавжуд. Биринчиси — хотин-қизлар фаолиятлари, ижтимоий-сиёсий фаолликлари билан ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва ижтимоий аҳволларини яхшилашга эришишларидир. Фарбий Овруро мамлакатларида ўтган асрдан бошланиб, асримизнинг 60-70-йилларида авж олувчи чиққан феминистик ҳаракатлар хотин-қизлар аҳволини яхшилаш борасида кўпгина имтиёз ва ҳуқуқларни қўлга киритди.

Иккинчи йўналиш — хотин-қизларнинг сиёсий онги ўсишини, ижтимоий-сиёсий фаолликлари кучайишини кутиб ўтирмай ҳукуматнинг ўзи хотин-қизлар масаласига тараққиёт талаблари нуқтаи назаридан ёндашишидир. Шарқ мамлакатларида ана шу йўналиш кўпроқ кўзга ташланади. Ватанимизда ҳам бу масалага муносабатда шундай йўналиш танланади.

Юксак маданияти ва маънавияти билан шуҳрат қозонган Японияда ҳам хотин-қизларга муносабат япон миллий қадриятлари асосида белгиланган. Японлар қўлга киритган муваффақиятларнинг сабаби шундаки, улар фақат моддий неъматлар ишлаб чиқаришга эмас, ўз-ўзини қайта ишлаб чиқаришга ҳам зўр эътибор беради. Япон оилаларида шунчаки бола-чақа эмас, балки япон миллати, япон келажаги яшайди ва шаклланади. У ерда туғилган ҳар бир гўдак, айниқса, қиз бола туғилганидан то вояга етгунига қадар ҳукуматнинг махсус назорати остида туради. У келгусида насл қолдириши ва Япониянинг ўта нозик дид ва меҳнат талаб этиладиган электроника соҳасида ишлаши назарга олиниб, алоҳида тиббий, руҳий ва моддий ғамхўрлик қилинади. Японияда бола тарбияси боқча-ясли нари турсин, ҳатто бобо ва бувиларига ҳам топширилмайди. Чунки улар замондан бир авлод орқада қолган

ҳисобланиб, бу ҳол тарбияда акс этишидан чўчидилар. Япон маҳсулотларини оламга танитган энгил, айниқса, электроника саноатида асосан турмуш қурмаган қизлар ишлади. Улар турмушга чиққач, барча шарт-шароитлар яратиб берилиб, ишдан озод қилинади. Чунки энди бу қизлар яна ҳам нозикроқ ва олийроқ вазифа — япон миллатини туғиш ва уни тарбиялашга киришади. Япония аёлларига эътибор бериб кам бўлаётгани йўқ. У жуда қисқа фурсат ичида дунё жамоатчилиги олдидан катта обрў-эътибор топди.

Президентимиз олти йиллик истиқлол даври мобайнида мамлакатимиз ободончилиги, халқимиз фаровонлиги, ташқи дунёда ўзбекларнинг обрў-эътиборини ошириш учун таҳсинга сазовор ишларни рўёбга чиқардилар. Албатта, Ватанининг тақдирига лоқайд бўлмаган эзгу ниятли киши бу ишларни кўриб ич-ичидан қувонади. Айни чоғда бугун Президентимиз зиммасида ўзбек халқини яхлит бир миллат этиб шакллантириш вазифаси турибди. Бу — ниҳоятда масъулиятли, машаққатли, лекин улуғ ва шавкатли вазифадир. Тарихга назар солсак, Муҳаммад салалоҳу алайҳи ва саллам арабларни бир бутун миллат этиб бирлаштирган бўлсалар, бобомиз Амир Темур ҳазратлари туркларни миллат даражасига етказганлар. Пётр Биринчи рус миллатини шакллантирган бўлса, Мустафо Камол Отатурк туркларнинг қаддини кўтариб кетган. Бу зотларнинг ҳар бири фақат мамлакатни обод қилгани учун эмас, балки халқини оёққа турғизиб, маърифат бергани, уни эл, миллат даражасига кўтаргани учун бекиёс қадрлидир. Бугун бизнинг олдимизда ҳам тарихий қудратимизни тиклаш зарурати турибди. Барчамиз буюк келажак орзусида яшайпмиз. Лекин бунинг учун фақат бизнинг табиий бойликларимиз, серҳосил еримиз, саховатли иқлимимиз, халқимизнинг меҳнаткашлиги камлик қилади. Бунинг учун миллатимизнинг салоҳиятини юксалтиришимиз, наслимизни соғломлаштиришимиз, миллий шаънимизни муҳофаза этишимиз даркор. Буларга эришишнинг йўли — аёлларга эътиборни кучайтириш! Чунки аёл — миллат тарбиячиси, аёл — миллат келажаги, аёл — миллатнинг онаси. Унга ғамхўрлик қилган мамлакат обод бўлади, уни эъзозлаган халқ улуғ бўлади, уни ҳимоя қилган раҳбар қудратли ва буюк бўлади.



ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Саидрасул САНГИНОВ

# РУЗИ МАҲШАР ЯҚИНМИ?

Бхуд  
Рим клубининг  
башаратлари ҳусусида

Кейинги йилларда кундалик турмуш юмушлари билан ўралашиб атроф-муҳитда – табиат бағрида руи бераётган кескин ва хатарли ўзгаришлар назаримиздан чегда қолмастандек. Инсоний тамаддунийнинг неча минг йиллик ривожини жарафнида эришилган ютуқ ва кашфиётлар натижасида юзага келган айрим салбий оқибатлар бугун барчани ташвишлантирмоқчи керак.

АҚШдаги “Уорлд-уотч” институтининг маълумотларига қараганда, 1970-90 йиллар мобайнида дунё микёсида 200 миллион гектарга яқин майдондаги ўрмонзорлар яқсон бўлиб, чўлу биёбонлар ҳудуди тахминан 120 миллион гектар кўпайган; 180 миллиард тоннага тенг серхосил тупроқ эса бутунлай яроқсиз ҳолга келиб қолган. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари аҳолисининг тўхтовсиз ўсиши вазиятни янада мураккаблаштирмоқда. Шу давр мобайнида сайёрамиздаги аҳоли сони 1,6 миллиард кишига ошган. 2030 йилга бориб дунё аҳолиси 10 миллиардга, 2050 йилда эса 17 миллиардга етишини инobatга олсак, инсоннинг физиологиявий даражадаги яшаш тарзини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бугунгидан тўрт баробар, энергияни олти баробар кўп ишлаб чиқариш зарур бўлади.

Сайёрамизни йигирма марта йўқ қилиб юбориш қудратига эга бўлган ядровий, кимёвий ва биологиявий қуролнинг улкан захиралари; инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши туфайли иқлимнинг ўзгаргани, озон қобигининг кенгайгани; ҳаво, чучук сув ҳамда озик-овқат маҳсулотларининг радиоактивли ва кимёвий моддалар билан заҳарлангани оқибатида инсон саломатлигига путур етаётгани; аҳоли сони кескин ошиб бораётган вақтда ердаги хомашё манбаларининг туғаб бораётгани ва бошқа муаммолар ер юзида ҳаёт жараёнини сақлаб қолиш борасида жиддий бош қотиришни тақозо этади.

Рўйи заминда юз бераётган жараёнлар одатда икки хил ном билан аталади. Яъни умумбашарий аҳамият касб этаётган, бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган жараёнлар глобал жараён деб юритилади. Юқорида тилга олинган жараёнларнинг аксарияти шулар жумласидадир.

Ернинг маълум бир жуғрофий ҳудудлари билан чекланган жараён эса ҳудудий жараёнлар. Мисол учун Орол денгизи ва Оролбўйи минтақасидаги экологиявий офат асосан Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг хўжалик фаолияти ва соғлигига таъсир кўрсатмоқда. Ёки Африкадаги саҳролашув жараёнидан асосан Шимолий ҳамда Марказий Африка ҳудудида жойлашган мамлакатлар аҳолиси азият чекмоқда. Аммо вақтида чора кўрилмаса, ҳудудий жараёнлар глобал аҳамият касб этмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Масалан, сўнгги бир неча йил мобайнида Орол денгизининг ҳажми уч баробардан зиёд камайгани, сувдаги минераллар микдори тўрт баробар кўпайгани, шу давр мобайнида 2 миллион гектарли экинзор нобуд бўлгани Орол ва Орол минтақасида-

ги жараёнлар экологиявий, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан ХХ асрдаги энг катта фалокатлардан бирига айланган.

Хўш, инсониятнинг ўз имкониятидаги воситалар билан ушбу муаммоларни ҳал этишга қурби етадими?


ХХ асрнинг иккинчи ярмидан буён бу муаммолар жаҳондаги етакчи илмий марказларнинг диққат-эътиборида турибди. Глобал жараёнларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида кўпдан-кўп илмий ёндашувлар, юзлаб лойиҳалар кўриб чиқилди. Аммо, афсуски, ҳозирча салмоқли натижага эришилгани йўқ.

Глобал жараёнларни тадқиқ этиш ва уларнинг мақбул ечимини топиш вазифасини дастлаб илмий доираларда Рим клуби номи билан яхши таниш бўлган жамият ўз олдига қўйди. Ушбу жамиятга 1968 йилда италиялик бизнесмен ва инсонпарвар Аурелио Печчеи асос солган бўлиб, унда табиий ва гуманитар фанлар соҳасида тадқиқот юритувчи юздан зиёд илм ва маданият арбоблари тўпланган эди.

Бу соҳадаги илк тадқиқот Джей Форрестер фаолиятига мансуб бўлиб, унинг изланишлари жамият тараққиётининг асосий анъаналарини ифодаловчи “Форрестер модели” деб номланган тадқиқотида акс эттирилган. Рим клубининг Джей Форрестер модели асосида Д. Медоуз бошлиқ бир гуруҳ олимлар тайёрлаган “Усиш чегаралари” деб номланган лойиҳаси жаҳондаги иқтисодий, нуфусий ривожланиш ҳамда экологиявий ҳолатни таҳлил этиб, ўсишни меъёрлаштириш зарурлиги ҳақидаги фикрни илгари суради.

Муаллифларнинг тахминича, модомики, аҳоли сони ўсишининг ҳозирги суръатлари, саноатлаштириш даражаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, озик-овқат ишлаб чиқариш ва умумий захираларнинг камайиши давом этса, яқин юз йил ичида дунё ўсишнинг авж нуқтасига яқинлашади ва охир-оқибатда тараққиёт батамом тўхтаб, умумтамаддуний ҳалокат юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, башариятнинг ўсиш суръатларини меъёрлаштириш, ҳар бир одамнинг фақат энг зарур эҳтиёжларинигина қондириш асосида иқтисодий ҳамда экологиявий барқарорликка эришиш мумкин экан.

Замонавий технологиявий ечимлар наҳот глобал жараёнларнинг салбий оқибатларига тўсиқ бўлолмас? Наҳотки бугун ядро қувватидан оқилона фойдаланиш, табиий захираларни қайта тиклаш, ер қаърининг энг тубидаги хомашёларни қазиб олиш, атроф-муҳитни ифлосланттирувчи барча моддалардан тозалаш, далалардан



ҳаддан зиёд кўп ҳосил йиғиб олиш, ҳатто инсон ирсиятини ўзгартириш борасидаги мислсиз кашфиёт ва технологиявий ечимлар ҳам жаҳон тараққиётини таназзулдан, умумтамаддуний фалокатдан халос этолмаса?

60-70-йилларда дунё илмий жамоатчилиги орасида глобал тараққиёт муаммолари атрофида қизгин мунозаралар бошланишига Рим клубининг юқорида зикр этилган тушкун хулосалари сабаб бўлган эди. Бу мунозараларда Джей Форрестер ва Д. Медоунинг хулосалари етарли даражада асосланмагани, улар яратган модел даврининг технологиявий ва илмий ютуқларигагина суянгани, унда илмий-техникавий тараққиёт имкониятлари ҳисобга олинмагани, илмий башорат қилиш усуллари билан фойдаланилмагани асосли тарзда эътироф этилган эди.

Рим клубининг кейинги лойиҳаларида, жумладан, М. Месаревич ва Э. Пестелнинг "Инсоният синов бўсағасида", Нобель мукофоти совриндори Ян Тинбергенинг "Халқаро тартибни шакллантириш", инглиз физиги, Нобель мукофоти совриндори Д. Габорнинг "Исрофгарчилик асри чегарасида" деб номланган лойиҳаларида илмий жамоатчиликнинг Форрестер ва Медоуз хулосаларига нисбатан билдирилган эътирозлари маълум даражада инobatга олинган эди.

Ушбу лойиҳаларда глобал жараёнлар ва уларнинг салбий оқибатлари математик моделлаштириш ҳамда илмий башоратлар асосида тадқиқ этилиб, иқтисодий, нуфусий ва экологиявий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган бир талай амалий

дастурлар ҳам ишлаб чиқилиб, етакчи халқаро ташкилот ҳамда бир неча мамлакатлар раҳбарларига тақдим этилган эди.

Халқаро бошқарув институтининг директори Б. Гавриалишвилининг "Келажак уфқлари", Нобель мукофоти совриндори Ф. Перрунинг "Тараққиётнинг янги тамоийли" маърузалари Рим клуби фаолиятида янги бир даврни бошлаб берди. Рим клуби фаолият юрита бошлаганидан буён қилинган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, кейинги лойиҳалар ижтимоий тараққиёт муаммолари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти ва уларнинг жамият ривожига аҳамияти ва энг муҳими, инсоннинг ҳуқуқий манфаатлари, талаб-эҳтиёжлари ва турмуш даражасига алоҳида урғу берилгани билан ажралиб туради. Рим клубига кўп йил раҳбарлик ва ҳомийлик қилган А. Печчеининг "Инсоний фазилатлар" китобида глобал муаммоларга янгича ёндашув, хусусан, уларга инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қараш, инсонпарварликни бутун дунёда барқарор таъминлашга айлантириш ғоялари илгари сурилгани умуминсоний тараққиёт ва жаҳон халқлари манфаатларига тўлиқ мос келади.

Умуман олганда, глобал муаммолар табиат — жамият — инсон ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида юзага келгани сир эмас. Глобал жараёнларнинг ҳалокатли таъсирини бартараф этиш иқтисодий-ижтимоий фаолият жараёнида афроф-муҳитга келажак манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашишга, табиат гултожи бўлмиш инсоннинг онги, тафаккури ҳамда оқилона хатти-ҳаракатига боғлиқдир.



Мухаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ

Комиллик деган тушунчанинг хилма-хил талқинлари бор. Гап бу масалага қандай нуқтаи назардан ёндашишда. Дейлик, умуммавжудотга нисбатан инсон — комил зот. Зеро, табиатдаги бирорта мавжудотда бўлмаган жисмоний, ақлий, руҳий тугаллик унга хос. Аммо энг олий ҳақиқатга нисбатан одам боласи ҳам умуммавжудотнинг бир бўлаги — ожиз, ҳақир, тобе бир вужуд, холос. Бежиз эмаски, халқ “Беайб — Пар-

## КОМИЛЛИКНИНГ

вардигор”, дея комиллик тимсоли сифатида фақат Ҳақни назарда тутати.

Аммо, сир эмаски, комилликнинг ҳар бир даврга хос ижтимоий мезонлари ҳам бўлган. Бунинг боиси шундаки, одамизод ақлий, руҳий ва жисмоний иқтидори, истеъдоди, салоҳияти жиҳатидан мудом бир-биридан фарқ этиб келади. Бинобарин, уларни бир-биридан фарқлаш, миллий тараққиёт, ижтимоий юксалиш тақозосига кўра, бирини иккинчисига ёки бирини барчасига намуна қилиб кўрсатиш зарурати туғилади. Ва шунда аён бўладики, нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, танбалга нисбатан серғайрат, кўрқоққа нисбатан жўмард беҳроқдир. Лекин яхшилар ичида янада яхшироғи, бу яхшиларнинг эса саралари, сараларнинг эса энг сараси бор. Хуллас, комиллик, баркамол бўлишга интилиш — инсонга хос. Бу хусусият, айниқса, инсонлар жамоаси орасида ёрқин кўзга ташланади. Қадим замонларда халқимизнинг маърифатли зиёлилари орасида урф бўлган “пири комил”, “устоди комил”, “комил фазилатлар соҳиби” каби иборалар ҳам шундан далолат беради.

Дунё файласуфлари “Комилликнинг аниқ чегараси борми?”, “Инсоний комилликнинг сўнги нуқтаси қаерда?” деган масалалар атрофида азалдан бош қотириб келадилар. Бизнингча, бу хусусда баҳс юритганда инсоннинг реал, нақд имкониятларига асосланиб баҳс юритган маъкул. Оллоҳ одамни яратар экан, унинг зиммасига муайян мажбурият, вазифа юклаган ва шунга яраша жисмоний, руҳий салоҳият берган. Бинобарин, инсон фарзанди бу имконлар сарҳадидан ташқаридаги бирор нарсага эришиши қийин. Демак, инсон Оллоҳ ато этган имконлар доирасидагина баркамол бўла олади. У ўз зиммасидаги вазифа — миссиянигина адо этиши лозим. Бошқа катта-кичик муаммоларга бош суқишдан фойда йўқ. Уларнинг ечими — Оллоҳнинг инон-ихтиёрида.

Демак, инсон бўладиган ишнинг пайдидан юрсагина вақтини беҳудага совурмайди.

Ватанмиз истиқлолидан сўнг биз ҳам комил, баркамол авлодни вояга етказиш, баркамол жамият барпо этиш хусусида бош қотира бошладик. Умуман, бу масалалар озодлик йўлига, ўз миллий тараққиёт йўлига тушган ҳамма халқларни

Мухаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ. Тарих фанлари номзоди, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг докторанти.

ҳам ўилантиради. Ахир, оддий ота-она ҳам фарзандини энг яхши одам қилиб вояга етказишни орзу қилади-ку. Орзуга айб йўқ. Бироқ орзу орзулигича қолиб кетмаслиги керак-да!

Хўш, бизнинг жамиятимиз бағрида шаклланиши зарур бўлган комилликнинг бугунги ва келажак шартлари, мезонлари қандай? Қандай юртдошимизни комил инсон дейишимиз мумкин?

Маълумки, илмимиз ҳам, миллий мафкурамиз ҳам ҳали бу саволларга узил-кесил жавоб топгани йўқ.

Биз вояга етказишни орзу қилаётганимиз баркамол инсон ва баркамол жамият ҳақида фикр юритар эканмиз, Президент Ислом Каримовнинг нутқ, маъруза ва суҳбатларида ана шу баркамол инсон қиёфасини шакллантириш манбаи ва асоси бўладиган, ушбу қиёфанинг комиллик даражасини кўрсатадиган жиҳатлар қайд этилганига гувоҳ бўлдик. Биз қуйида уларнинг тўрттасига тўхталмоқчимиз. Уларни шартли равишда «комилликнинг тўрт жиҳати» десак ҳам бўлади. Албатта, бундан комилликнинг фақат тўртта шarti бор экан-да, деган хулоса

# ТҮРТ ЖИҲАТИ

чиқармаслик керак. Унинг шарт ва меъёрлари бисёр. Аммо биз бу ўринда мамлакатимизда янги инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган, шу боис Президентимизнинг келажаги буюк давлатга муносиб авлод ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида бот-бот такрорланган тўрт жиҳатга эътиборни қаратмоқчимиз.

**БИРИНЧИ ЖИҲАТ.** Ислом Каримов мамлакатимизнинг келажаги, бу келажак соҳиби бўладиган юсак маънавиятли, баркамол авлод ҳақида гапирар экан, мудом буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, уларнинг дунёни лол қолдирган ақл салоҳиятини фахр-ифтихор билан тилга олиб ўтади. Улар ҳар жиҳатдан комил зотлар бўлганини таъкидлайди. Демак, бизнинг муборак заминда инсоний комиллик — ўзига хос анъана. Бу анъана турли авлодлар ўртасидаги руҳий яқинликни мустаҳкамлайди, ёшлар қалбида ворислик туйғусини уйғотади. Бинобарин, комиллик биз учун, аввало, инсонийлик шarti ва буюк аждодларимизга ворислик тақозоси.

Буюк аждодларимиз комиллик йўлида энг эзгу ғоя ва ақидаларни шиор қилиб олганлар. Уларнинг барчасини мўъжазгина бир мақолада санаб ўтиш имконсиздир. Миллатимиз фахри, давлатчилигимиз тимсоли Соҳиб-қирон Амир Темур ҳазратларининг “Куч — адолатдадир” деган шиорини ёдга олайлик. Маълумки, жисмоний комиллик — кучлиликнинг ўзига хос жозибаси бор. Аммо у — баркамолликнинг бир жиҳати, холос. Адолат мезонига асосланган куч-қудратга таяниш — комил зотлар матлаби. Зеро, адолатнинг кучи, жозибасини ўзида акс эттирган инсонларгина турли хил камчилик ва нуқсонлардан холи бўла боради.

Бугунги кунда ҳам комиллик мезони бўлиб хизмат қиладиган буюк аждодларимизнинг бундай пурҳикмат ўғитлари, таъкидлаганимиздек, беҳисоб. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил — ба ёру, даст — ба кор”, Алишер Навоийнинг “Одамий эрсанг, демагил одаме, Ониким, йўқ халқ гамидин ғаме”, Бобур Мирзонинг “Бори элга яхшилик қилгилким, ондин яхши йўқ” сингари ҳикматларини дилига жо этиб, фаолият меъёрига айлантирган ёш авлод, шубҳасизки, аждодларга муносиб бўлиб вояга етади.

**ИККИНЧИ ЖИҲАТ.** Умрни буюк мақсад — Ватанга, миллатга хизмат этиш билан мазмундор қилиш, ҳаёт маъносини ўзи туғилган муборак замин, муқад-

дас маъвони кўз қорачиғидек асраш, унга борлигини бахшида этишда деб билиш — ватанпарварлик ва миллатпарварлик инсоний комиллик таълимотларида азалдан муҳим ўрин тутиб келган. Бугун ҳам шундай.

Тасааввур этинг, киши ақлан, жисмонан етук бўлса-ю, лекин унда юртига, элига, ота-она ва яқин қариндошларига меҳр-муҳаббат бўлмаса, уни мукамал одам деб бўладими? Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романидаги Собитжон образи ёдга тушади. У илмли, ақлли одам. Аммо унда ажодларга ҳурмат, миллий анъаналарга меҳр йўқ. У заминидан узилган зот. Шу боис нақадар илмли бўлмасин, уни том маънодаги инсон дейиш қийин. У — чала инсон. Бежиз ота-боболаримиз, эл-юрт дуосини олганлар кам бўлмайди, муродга етади, демаганлар. Собитжон сингарилар эса дуодан бенасиб қолган. Улардан ҳар хил маҳмаданачилик, бетгачопарлик чиқиши, улар манмансираб барчадан ўзини катта олиши мумкин. Лекин уларнинг қалбида жозиба йўқ. Қалблари ўлик.

Ислом Каримов инсон камолотида Ватан, халқ муҳаббати муҳим ўрин тутишини кўп бор такрорлайди. “Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир”, дейди у киши. Демак, ватанпарварлик инсонга куч-қувват бағишлайди, унинг жисмоний ва ақлий салоҳиятини тўлиқроқ юзага чиқаради.

Юртбошимизнинг “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак” деган даъваткор фикри ҳам ҳаёт мазмуни — умрни эл-юрт ташвиши учун бахшида этиб, унинг дуосини олишда эканидан далолат беради.

**УЧИНЧИ ЖИХАТ.** Биз халқни азалдан барча бойликларимизнинг асоси деб биламиз. Яъни халқимиз қадим-қадимдан то бугунгача маънавиятда соғлом турмуш тарзини юритишда баркамол бўлиб келган. Ҳатто собиқ шўролар тузуми даврида ҳам у ўзлигини йўқотмади, олий қадриятларини асраб қолди. Бугун ишонч билан айта олиш мумкинки, бу халқ ўтмишда минглаб комил зотларни вояга етказгани каби, келажакда ҳам шу ишга қодир бўлади. Шу боис Ислом Каримов: “Моддий неъматларнинг яратувчиси — халқ, маънавий бойликлар эгаси — халқ”, деб ёзади.

**ТЎРТИНЧИ ЖИХАТ.** Мамлакатимизда комил инсонларнинг вояга етиши учун бизда Президентимиз назарда тутган яна бир омил бор. Бу — инсон тарбияси азалдан жамият иши бўлиб келганидир. Бинобарин, халқимиз “Бир болага етти маҳалла-кўй тарбиячи” деган нақлга қатъий амал қилади. Бунинг устига, бизнинг мусулмончиликда оила тарбияси билан кўча, маҳалла тарбияси ўртасида тафовут йўқ. Бу эса шахснинг уйғун, бир маромда камол топишига қулай шароит яратади. Биламизки, шўро даврида уйдаги тарбия — бошқача, кўчадагиси — бошқача бўлар эди. Натижада бола унисига ҳам, бунисига ҳам ишонмай, аросатда қолиб ўсар эди. Энди бундай номаъқулчилик барҳам топди. Халқимиз ўзлигини таниди, руҳан уйғоқлашди. Руҳ уйғоқлиги эса — комиллик шартларидан биридир. “Халқимиз фақат жисмонан эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор, — деб таъкидлайди Ислом Каримов.— Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олим-зиёлилари — барча фарзандлари масъулдир”.

Президентимиз халқнинг буюк ўтмиши ва келажаги, юксак маънавий мероси, дунёни тутган шон-шухрати ҳақидаги ҳар бир мулоҳазасида комил инсон гоёяси, уни вояга етказишга доир жиҳатларга эътиборни қаратади. Биз уларни тўрт жиҳатга жамлаган ҳолда қисқача таҳлилдан ўтказдик, холос. Бу мавзу келажакда янада теранроқ талқин этишни талаб қилади. Аммо шу қисқа таҳлилдан ҳам намоён бўлмоқдаки, озод Ватанимиздаги барча ўзгаришларнинг моҳияти олий бир мақсадга — янги комил инсон тарбиясига қаратилган экан. Умид қиламизки, бу эзгу интилишлар муносиб самарасини беради — келажакда “нурдай пок, ишқдай безавол” (Абдулла Ориф таъбири) бир авлод вояга етади.

Зиёда ҒАФҒОРОВА

## АЛОҚАДОРЛИК

*И с л о м*

*фалсафаси дунёни яккаю  
ягона қодир куч — Оллоҳ таолога  
боғлаб тушунтиради. Бу оламнинг ибтидо-  
си ҳам, интиҳоси ҳам Оллоҳнинг қўлида. Шун-  
дай экан, ана шу ибтидою интиҳо орасида инсон-  
нинг мавқеи қандай? Оллоҳ инсонни нега яратди? Бун-  
дан кўзлаган мақсади нима?*

*Инсон-ку оламнинг сарвари экан, аммо шу сарварлар-  
нинг сарвари ким? Нега Муҳаммад алайҳиссалом жамийки  
пайғамбарларнинг азизу муътабари ҳисобланади? Утган 124  
минг пайғамбар орасида ул зоти шарифнинг бу қадар баланд  
мартаба билан яратилганига сабаб нима? Олам бунёд этилиши-  
нинг Муҳаммад пайғамбарга нима алоқаси бор?*

*Умуман, Оллоҳ, инсон ва Муҳаммад пайғамбар вобасталиги  
дегандан нимани тушуниш керак? Ана шу масала буюк аждоди-  
миз Алишер Навоий дунёқарашининг шаклланишида нечоғлиқ аҳамият касб этган?..*

*Албатта, Алишер Навоий ижоди — ҳадсиз-худудсиз бир уммон. Ушбу масалани шоир-  
нинг бутун ижоди мисолида ёритиш айрича аҳамиятга эга. Лекин биз уни ҳозирча  
шоирнинг ҳамд ва наът асарлари мисолидагина талқин этишни лозим топдик.*

*Ҳамд — Оллоҳни мақташга бағишланган асар (ё унинг муайян бўлаги); наът — Муҳам-  
мад пайғамбар таърифланадиган асар (ё унинг бир бўлаги). Мақолада гарчи шоир  
достонларидаги ҳамд ва наътлар ҳам таҳлилга тортилса-да, асосан ҳамд ва наът ғазал-  
ларга эътибор қаратилди.*

### Олам олдин бунёд этилганми, одамми?

Юзакироқ қаралса, аввал — олам, кейин — одам бунёд этилгандек туюлади. Чунки Одам Отани Тангри тупроқдан яратди. Бинобарин, Одам Ота яратилаётган фурсатда олам мавжуд эди.

Алишер Навоийнинг ҳамд ва наътлари моҳиятини ҳис эта борганимиз сари исломда бу масала бошқачароқ талқин этилганининг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, “Хамса” достонлари ҳамда “Лисон ут-тайр”даги ҳамдларнинг мағз-мағзига оламини яратишдан асл мақсад одамни яратиш экани сингдирилган. Гоявий жиҳатдан, яъни фикран Оллоҳ аввал инсонни яратди. Олам эса уни яратишга восита ўлароқ бунёд этилди. Шунинг ўзидаёқ ав-

вал — одам, кейин — олам деган тушунча ҳосил бўлди.

Ҳўш, Оллоҳ оламни не боис бундай шаклда яратди?

Худо ўз жамолини кўргиси келди. Бунинг учун унга бир кўзгу керак эди. Бундай кўзгу фақат инсондагина бор. Бу — унинг кўнгли. Кўнгил эса оламдаги бошқа жонзотда йўқ.

Кетма-кетлиги жиҳатидан олам — биринчи, одам — иккинчи барпо бўлди. Лекин мантиқан оламни яратишдан кўзланган бош мақсад одамни яратиш эди. Одам — мақсад, олам — восита эди.

Одамнинг оламдан олдин яратилганини исботловчи бошқа бир асос ҳам бор.

## Нур — дастлабки махлук

Алишер Навоийнинг Муҳаммад алайҳиссалом тасвирларидаги сатрларида бот-бот “Нур” деган тушунчага дуч келамиз.

Хуш, “Нур” ўзи нима? Унинг пайгамбаримизга қандай алоқаси бор? Шоир унинг тасвири воситасида расулуллоҳнинг қандай хусусияту хислатларини таъкидламоқчи бўлади?

Модомики, “Олам олдин яратилганми, одамми?” деган масала юзасидан баҳс кетар экан, Одам Отадан олдин фаришталар яратилганини ҳам эслатиб ўтиш керак. Чунки кимнинг олдин яратилгани масаласида фаришта — Жабройил алайҳиссалом билан Муҳаммад пайгамбар ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтадики, унинг моҳиятини тушуниш учун ҳам фаришталарнинг зоҳиран Одам Отадан илгари яратилганини билиш зарур бўлади.

XII аср адиби Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” китобида ҳикоя қилинишича, бир куни Муҳаммад пайгамбар Жабройил алайҳиссаломдан: “Ё ахий, Жабройил, сенму ёшга улугсен ё менму?” деб сўрабдилар. Шунда Жабройил мана бундай деб жавоб берибдилар: “Ё расулуллоҳ, мана кенду ёшимни (ўз ёшимни) тажриба қилишим йўқ, аммо бир юлдуз бор — Нашрдамук отлиғ, ўтуз минг йилда бир тугар. Анинг ўтуз минг йўли тугганин кўрубмен” (*“Қисаси Рабғузий”, иккинчи китоб, 102-бет*).

Демак, Жабройил алайҳиссалом расулуллоҳ давригача ўттиз минг йилда бир кўринадиган Нашрдамук деган юлдузнинг ўттиз минг марта пайдо бўлганига гувоҳлик қилган, яъни ул зот шунча даврдан бўён умр суриб келар эканлар.

Шунда расулуллоҳ ўзининг Жабройилдан олдин яратилганини айтибдилар.

Буни қандай тушуниш керак: ахир, Муҳаммад алайҳиссалом мелодий VI асрда тутилганлар-ку?

Муҳаммад — инсон фарзанди, яъни Одам алайҳиссалом авлоди. Жабройил эса ана шу илк инсон — Одам Отадан илгари ҳам мавжуд эди. Шундай экан, Муҳаммад пайгамбар нечук Жабройилдан олдин яратилган бўлсин? Расулуллоҳ буни Жабройилга мана бундай исботлайдилар: “Менинг ёшим сандин улуг эрмиш, анинг учунким, қамуғдин (ҳаммадан) бурунроқ манинг нуримни Мав-

лоно таоло яратти” (*уша китоб, уша бет*).

Яна савол туғилади: хуш, қандай қилиб Тангри таоло фаришталардан ҳам бурун Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини яратди?

Яна “Қисаси Рабғузий”га мурожаат этайлик. Унинг Одам Ота ҳақидаги фаслида ҳикоя қилинишича, Одам яралганидан кейин етти кун ўтгач, уни кийинтирдилар. Шунда Муҳаммад Мустафонинг нури гўё бир ойдек бўлиб Одамнинг қошида порлаб турар эди: “Одам ул нурнинг ёруқлуқин кўруб, бу нурни ман бир курсам, теб кўсади эрса, Изи (Худо) азза ва жалла ёрлиқи бирла ул нур Одамнинг олдидин унг янгокинга инди, Яна эгнига инди, андин Одам қўлингга. Илкини ул нурга кутуру берди. Нур андин иниб, шаҳодат эрнакининг учинда туруқди. Одам эрнакин юқори кутуриб, анинг кўркун кўруб, тонглаб: “Ла илоҳа иллалоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ”, теди. Аввал эрнакни кутуриб, шаҳодат калимасини аймоқ Одам ўғлонларига суннат қолди” (*биринчи китоб, 18-бет*).

Демак, англашиляптики, Оллоҳ инсонни яратишни мақсад қилганидан кейин даставвал нурни, кейин оламни, ундан сунггина Одам Отани яратди. Жаҳонда энг олдин пайдо бўлган нарса — нур.

Бу ҳақиқат Алишер Навоийнинг ҳамд ва наът асарларида ҳам талқинини топган. Хусусан, “Ҳайрат ул-аброр”даги ҳамдда бундай дейилади:

*Нурунга тоб икки жаҳондин бурун,  
Ҳар не йўқ андин бурун, андин  
бурун.*

Бундай талқинлар шоирнинг ҳамд ва наът ғазалларида ҳам учрайди. Айтиш мумкинки, нур Алишер Навоий тасвирларида Муҳаммад пайгамбарни таърифловчи бир муҳим сифат — ўзига хос рамзга айланган. Айниқса, меърож тасвирларида кўпинча олам ёритгичларининг бари бевосита пайгамбардан нур олгани таърифланади. Мана, бир мисол:

*Жамол аро мутажалли юзунгда партави  
зот,  
Камол аро муталоло ўзунгда нури жуд.  
("Бадойи ул-васат", 114-ғазал, 88-бет).*

Бир қарашда буни фақат меърож билан боғлиқ тасвир деб ҳисоблаш ҳам мумкин.



Лекин оламини яратишдан мақсад Муҳаммад пайгамбарни яратиш бўлгани ва нур бу оламдаги дастлабки махлук бўлса, қуёшу

ою юлдузларнинг айнан Муҳаммад пайгамбар нуридан шуъла олгани мантиқан жуда асослидир.

## Илк инсон ким?

Модомики, нур бу дунёдаги энг биринчи махлук Муҳаммад пайгамбарнинг нури бўлса, уни куриб инсониятнинг илк пайгамбари — Одам Ота ҳам айнан Муҳаммад алайҳиссаломга умматликни қабул қилиб, калимайи шаҳодатни зикр этган бўлсалар, ким олдин яралган: Одам Отами ё Муҳаммад пайгамбарми?

Алишер Навоий фалсафаси моҳиятини англаш учун бу саволга жавоб топишнинг айрича аҳамияти бор. Ушбу саволнинг жавоби шоир ҳамд ва наътларининг замирида пинҳондир.

Гапни узокроқдан бошлашга тўғри келади.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида тасвирланишича, Оллоҳ Одам Отани яратиш учун Жабройил алайҳиссаломга ҳозирги Маккаи мукарамга жойлашган ердан бир миқдор тупроқ олиб келишни амр қилди. Жабройил тупроқ оламан деб Ерга тушди. Шунда Ер Жабройилга: “Тупроқни мендан олма!” деб онт берди. «Чунки, — деди Ер, — бу тупроқдан шундай махлук вужудга келадик, у кўп номаъқул ишлар қилади, мен гуноҳкор бўлиб қоламан”.

Жабройил Оллоҳ олдига қайтиб бориб, бўлган воқеани арз қилди. Шунда Тангри таоло иккинчи фаришта — Мекойил алайҳиссаломга тупроқ олиб келишни буюрди. Мекойил ҳам Ернинг бояги арзини эшитиб, қуруқ қайтди. Худо учинчи фаришта — Исрофилга буюрди, Исрофил ҳам Ернинг илтижосини рад қилмай, бўш қўл билан қайтиб келди. Шунда Тангри таоло тўртинчи фаришта — Азройилга тупроқ келтиришни амр этди. Азройил: “Ҳақ субҳона ва таолонинг амри сенинг онтингдин юқоридур”, деди-да, ерни сидириб, бир ҳовуч тупроқ олиб, Ҳақ таолонинг амри билан жаннатга кирди. Шу ўринда муҳим бир нуқтага аҳамият берайлик. Бу — Одам Отанинг тупроғи Маккадан олингани. Кейинчалик эса Муҳаммад пайгамбар ана шу заминда туғилдилар.

Алишер Навоий бу ерда яна бир зарур

нуқтага китобхон диққатини жалб этади: ҳали Одам Ота яратилган эмас. Ҳали унга жон ҳам ато қилинмаган. Ҳали Муҳаммад алайҳиссаломнинг дунёга келишига қарн-қарнлару аср-асрлар бор. Лекин Одамни яратиш учун келтирилган бояги бир ҳовуч тупроқ жаннатга олиб кирилгандаёқ Муҳаммад пайгамбарни дунёга келтириш олий мақсади мавжуд эди. Алишер Навоий бундай ёзади: “Бир овуч тупроқ ер юзидин олиб, Ҳақ таолонинг амри била беҳиштга киюриб, Муҳаммад алайҳи ва салламнинг тийнати тасним суйи била юғуруб, борча малойикага арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офариниши мунинг (яъни *Муҳаммад пайгамбарнинг — 3. Ғ.*) хилқатидур, охир уз-замон пайгамбари бўлғусидур” (*Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 15-жилд. Тошкент, 1968 йил, 189-бет*).

Аён бўлмоқдаки, Оллоҳнинг илк инсон — Одамни яратишдан кўзлаган мақсади охир-оқибат Муҳаммад пайгамбарни дунёга келтириш эди.

Биламизки, Одам Ота билан Момо Ҳаво гуноҳлари учун жаннатдан қувилдилар. Иккиси ҳам бир-бирдан беҳабар Ҳиндистон ҳудудига келиб тушадилар. Йиллар ўтиб, улар ҳозирги Макка жойлашган ердаги Арафот тоғида учрашадилар. Шунинг учун, дейди Алишер Навоий, бу тоққа Арафот номи берилди.

Демак, Одам Ота билан Момо Ҳавонинг Маккада учрашгани бежиз эмас. Аср-асрлар ўтиб худди шу шаҳарда Муҳаммад пайгамбар туғилдилар.

Ана шу тасвирлардан билиб оламизки, гарчи шаклан Одам Ота олдин яратилган бўлса ҳам, моҳиятан, нур сифатида Муҳаммад пайгамбарни Худо ҳаммасидан илгари яратди. Шу боис Алишер Навоий ғазалларида сувратда Одам Ота Муҳаммадга ота бўлса ҳам, сийратда, яъни моҳиятда Одам Ота Муҳаммад пайгамбарга фарзанд маъносидаги тасвирларга кўп дуч келамиз.

Мана, улардан айримлари:

Одамки, башар насли силкига эрур  
 пайванд,  
 Сувратда санга волид, маънода санга  
 фарзанд.  
 ("Гаройиб ул-васат", 114-ғазал, 110-бет)  
 Турфа буқим, Бул Башар келди  
 атоларга ато,  
 Лек Бул Қосим деди фарзанд ани  
 бевахму бийм.  
 («Бадойи ул-васат», 393-ғазал, 279-бет)

Бу ўринда "Бул Башар" — Одам Отанинг, "Бул Қосим" — Муҳаммад пайгамбарнинг лақаби.

"Хайрат ул-аброр"дан олинган мана бу байтда эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг Одам Отадан бурун борлиги айтилади:

Улки Одамдин бурун ул бор эди,  
 Ҳам наби, ҳам соҳиби асрор эди.

## Дунёнинг ибтидоси ва интиҳоси

Оламни ҳам, одамни ҳам яратишдан кўзланган мақсад — Муҳаммад алайҳиссалом эканини тушуниб олдик. Лекин олам Муҳаммад пайгамбар туғилгани билан тугаб қўяқолгани йўқ. Дунёнинг охири — қиёмат. Муҳаммадгача туғилган одамларнинг бари у зот туфайли дунёга келгани каби, Муҳаммад пайгамбардан кейин то қиёмат кунигача туғилган ва туғиладиган одамлар ҳам бевоҳида ана шу охир замон пайгамбари туфайли яратилади. Демак, нур масаласида дунёнинг ибтидоси шу зоти шариф билан боғлиқлигини кўрдикми, энди дунёнинг интиҳоси ҳам расулulloҳ номи билан боғлиқлигига ҳам эътиборни қаратайлик. Бу боғлиқлик фақат одамларнинг туғилиши билан белгиланмайди. Қиёмат куни Муҳаммад пайгамбар умматлари жонига ора кирадилар.

Хўш, қандай қилиб?

Ислому таълимотидан биламизки, пайгамбаримизга Оллоҳ бошқа 124 минг пайгамбарга насиб этмаган мўъжизаларини кўрсатди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг буюк мўъжизаси эса — меърож. Меърож пайгамбаримизнинг Жабройил алайҳиссалом кўмагида Буроқ лақабли учар отда аввал Маккадан Қуддусга, у ердан эса осмонга — Оллоҳ хузурига парвозлари.

Тўққизинчи осмонда ул зот Оллоҳга яқинлашдилар. Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асарида ёзилишича, ана шу ёвуқлашиш маҳали Оллоҳ билан унинг суюкли пайгамбари хос суҳбат курадилар. Шунда Тангри Муҳаммад алайҳиссаломга: "Сен манинг буюрган амрларимни битурғил, мен ҳам сенинг ти-

лагингни берайин. Сен дуо қилгил, мен ижобат қилайин. Сен қўлгил, мен ҳам берайин. Сен шафоат қилгил, мен бағишлайин. Бу кун мен сендин хушнудман. Ёрин ёзуқларингни сенинг шафоатинг бирла бағишлайин, сен ҳам умматдин хушнуд бўлгил", дейди ("Қисаси Рабғузий", 151-бет).

"Шафоат" — восита бўлиш маъносини англатади. Демак, Оллоҳ пайгамбарга умматларнинг гуноҳларини кечиш учун орада восита бўлгил, мен уларнинг гуноҳини кечирай, деб савоҳат қилган.

Шундан кейин Оллоҳ пайгамбарга уч бор: "Тила тилагингни!" дебди. Уч марта ҳам Муҳаммад алайҳиссалом умматлари гуноҳидан ўтишни сўрадилар. Биринчи сўровда Оллоҳ етмиш минг гуноҳорнинг гуноҳидан ўтганини айтди. Иккинчи тилакда учдан икки мусулмоннинг гуноҳидан ўтилди. Учинчи тилакда эса олтидан беш улуш умматнинг гуноҳидан кечилди.

Хўш, нега бирийула барча мусулмонларнинг гуноҳидан ўтиб қўяқолинмади экан?

Тасаввуфда бу масала хусусида кўп баҳс қилинган. Ҳатто Мансур Халлож пайгамбаримиз барча умматлар, яъни мусулмонлар эмас, жамийки одамларнинг гуноҳидан ўтишни сўрасалар ҳам бўлар эди, деган.

"Қисаси Рабғузий"да эса Оллоҳ нега олтидан бир улуш мусулмоннинг гуноҳидан ўтмади деган масалага аниқлик киритилди. "Агар бир улушни бағишласам, — дейди Худо пайгамбарга, — тонгла маҳшар ку-



нида халойиқ йигилмишда сенинг шафоатинг, менинг раҳматим қайда билургай? Бир улуши турсун. Тонгла сен тилагил, мен берайин. Дуо қилгил, мен ижобат қилайин. Шафоат қилгил, мен бағишлайин. Қамуг оламлиглар сенинг шафоатинг, менинг раҳматимни мушоҳада қилсунлар” (2-китоб, 152-бет).

Демак, биринчидан, пайгамбарнинг шафоати туфайли Оллоҳ олтидан беш мусулмоннинг гуноҳидан ўтди, иккинчидан, қолган бир улуш масаласи эса рузи маҳшар, яъни қиёмат куни ҳал бўлади: ушанда пайгамбар кимнинг гуноҳидан ўтишни Оллоҳдан сураса, Оллоҳ бу илтимосни бажаради.

Ана шу нуқтада шоирларни наът ёзишга, пайгамбар руҳидан шафоат тилашга ундовчи бир илинж бор: зора, ҳар биримиз

ана шу олтидан бешнинг ичида бўлсак, лоақал қиёмат куни пайгамбарнинг кузи биз осий бандаларга ҳам тушса!

Алишер Навоийнинг ҳамд ва наът газалларида шафоат масаласи шу тариха муҳим масалалардан бири сифатида қузга ташланади. Ҳамд газалларда шафоат Оллоҳга, наът газалларда эса пайгамбарга боғлаб талқин этилади.

Алишер Навоий — узбек тилида энг кўп ҳамд ва наът битган шоир. Бу ҳамд ва наътларни ул зот шунчаки анъана учун яратган эмас. Аввало, улуғ мутафаккир фалсафасида Оллоҳ ва пайгамбар масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Шоир қаламига мансуб ҳамд ва наътлар моҳиятини англамасдан Алишер Навоийнинг олам, одам ва Оллоҳ ҳақидаги қарашларини тушуниб етиш сира мумкин эмас.

## ЭНГ КОМИЛ ИНСОН

Афтидан, таҳлиллардан келиб чиқадиган хулосалар анча оидинлашди.

Биринчидан, Алишер Навоий шунчаки шоир, шунчаки аллома, шунчаки давлат арбоби эмас, балки замонасининг буюк мутафаккири, улуғ файласуф эди. Бинобарин, барча буюклар каби, ул зотни ҳам Оллоҳ ва одам масаласи ўйлантириши табиий эди. Шоир бу масалада умумислом ақидасида турган. Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор. Алишер Навоий бу масалани наинки илмий таҳлил этган, балки бадиий асарлари мағз-мағзига сингдириб ёритган ҳам.

Ҳамд ва наътлар шундан далолат беради.

Алишер Навоий фалсафасида Оллоҳ, инсон ва Муҳаммад пайгамбар тушунчалари шу қадар бир-бирига уйғунлашиб кетганки, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш амримаҳол. Шоир бу вобасталикдан бадиий мақсадлари учун гоят ўринли фойдаланган. Хусусан, комил инсон гоёси талқинида.

Сир эмас, оламини ҳам, одамни ҳам Оллоҳ яратган, лекин мақсад комил инсонни бунёд этиш эди, комил инсон эса — Муҳаммад пайгамбар!

Ислом олами бу ҳақиқатни тулиқ тан олади, албатта. Бироқ бугун Ғарб дунёси ҳам бу масалага жиддий қизиқяпти.

Бир йилча бурун “Чулпон” нашриётида чоп этилган «Илоҳий мўъжизалар» китобида “Энг буюк инсон” деган фасл бор. Унда ёзилишича, америкалик Майк Харт исмли олим инсоният тарихида ҳозиргача маълум буюк зотларнинг қобилиятлари, қурашлари, аъмоллари, татбиқот ва муваффақиятлари ҳақидаги маълумотларни компьютер хофизасига жойлади. Кейин математикавий усулда уларнинг энг қудратлисини аниқлади. Сўнги бор тугмача босилганида экранда муборак зот — Муҳаммад саллолоҳу алайҳи ва саллам ҳазратларининг номи пайдо бўлди.

“Бу тадқиқот олимнинг мутаассиб ўртоқларига ёқмайди, — дея ҳикоя қилинади китобда, — ва у қаттиқ қаршиликка учрайди. Лекин Харт, натижа менга боғлиқ эмас, дегандай елкасини қисиб, компьютерни кўрсатиш билан кифояланади. Ўзи ҳам бошқача натижадан умид қилибми, тадқиқотни қайта-қайта такрорлайди ва текшириб чиқади. Шунга қарамай, экрандаги исм барибир ўзгармайди”.

Демак, ўзини инсон деб билганларнинг барчаси Муҳаммад пайгамбарга ҳавас қилиши, ул зоти шариф йўлидан юриши керак. Чунки Оллоҳнинг асл мақсади шу — инсонларни комил кўриш!

Инсоният комилликка интилиб яшаганина ёвузликлар барҳам топиши мумкин...

ҲАҚҚУЛ  
ҲАҚҚУЛ  
ҲАҚҚУЛ



Бундан минг йилларча муқаддам қадим Хитой қишлоқларидан бирида халта кўтарган фақир одам пайдо бўлибди. Қишлоқ аҳли ундан: “Елкангда нимани кўтариб юрибсан?” деб сўраса, у: “Бутун дунёни”— дея жавоб берибди. Ци-Ци исмли бу до-нишманд назарда тутган “бутун дунё” ҳақиқат бўлиб, у ҳақиқатга зор ва ундан йироқ одамларга уни таништириш ва тар-ғиб қилиш билан машғул бўлган экан. Шарқда туғилиб, камол топган улуғ шоир ва ёзувчиларнинг аксарияти елкасида халта кўтарган ана шу фақирга ўхшайди. Зеро, улар ҳам дунёнинг дунёлигини ҳақиқатда кўрганлар, ҳақиқат учун туғилиб, бутун умр ва фаолиятини унинг истиқболлига бағиш-лаганлар.

Ҳақиқат турғун фикр ва тушунчалар бир-лигидангина иборат эмас, албатта. Ҳақиқат янгилиниш, доимий равишда илгарилаб, юксалиб бориш билан қудратли ва умид-бахшдир. Шунинг учун қачонки ҳақиқат баланд мақомларга кутарилса, олам ва одам тақдирида ижобий ўзгаришлар юзага келаверади. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳақсизликлар, қисман бўлса-да, барҳам топади. Ва ўз-ўзидан бу ҳол одамларнинг ҳақиқатга ишонч ҳиссини кучайтиради. Шу тариқа юксак ахлоқий туйғулар уйғонади.

Аммо Жалолиддин Румий бадиий ижод оламига кириб келган замонда аҳвол бутунлай бошқача эди.

Тарихдан маълумки, Румий яшаб ижод этган давр ер юзининг каттагина қисмини ёвуз мўғул тўфони қуршаб олган, кўп халқларнинг қалбида қўрқув ва таҳликалар кучайган машъум бир давр эди. Эрон олими Абул Ҳасан Надавийнинг қайд этишича, Мавлоно Румий “инсоннинг инсонлигини рад қилган ва бу оламдаги қадр-қиммати-ни таҳқирлаган замон фарзанди улароқ майдонга чиққанлар. Ва Мавлоно шундай замон, шундай жамиятда ўзининг оламшумул шеърляти билан умидсиз адабиёт харобалари ичида қолган ҳамда таназулга юз тутган шеър ила кўмилган инсон кароматини ҳаракатлантира олганлар”.

Румийнинг бетакрор шеърляти ва санъ-аткор сифатидаги тарихий хизматларидан

фикр юритар экан, Надавий эътиборга молик яна бундай фикрларни ёзади: “Мавлоно Румий порлоқ ва гузал бир тил, иймон ва балоғат билан инсоннинг кароматини ва инсонлик фазилатини улуғлади. Ниҳоят, жамиятда жонланиш бошланди. Инсон ўзининг шарафи ва қадр-қимматини теран англаш йўлига тушди. Ислом адабиёти ҳам бу жозибали қувват ва улуғворлик билан илгарилади. Мусулмон шоирлари шу тамойилда шеърлар ёзиб, диққатни унга қаратдилар. Тасаввуф оламида ҳам янги ҳаракат юз очди. Буларнинг ҳаммасини бир ибора билан-инсонликдан фахр айламоқ дейиш мумкин” (“*Туйғу ва тушунчада тозалик туплами; Кунё, 1986 йил нашри, 120-121-саҳифалар*).

Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий инсониятнинг фикр ва туйғу тарихида узига хос юксак босқич яратган, Шарқ шеърлятида руҳоният завқи ва сирларини кашф этишда беллашиб бўлмас натижаларга эришган шоир эди. Румийнинг инсон кароматини улуғлаши зоҳирий бир мақсад эмасди. Бунда у ўзининг ботиний салоҳияти ва сузининг таъсир қувватига ҳам инонган ҳамда тўлиқ ишонч ила одам табиатида туб ўзгаришлар пайдо қилишдан баҳс этган. Чунончи, шоир бир газалида бундай деб ёзган эди:

*Ман гуссаро шоди кунам, гумроҳро ҳоди кунам.*

*Ман гургро Юсуф кунам, ман захрро шакар кунам.*

Яъни: мен гуссани шодлик этай, гумроҳни тўғри йўл бошловчи қилай, мен бўрини Юсуф этай, мен захарни шакар қилай.

Яна бир шеърда ҳасад аҳлини ғамдан озод айлаб, “эшаклар тўдаси”га шодлик бағишлаганидан сузлаган:

*Ҳасудонро зи ғам озод кардам,  
Дили галап харонро шод кардам.*

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” аса-рида шоирларни бир неча табақага ажратиб, аввалги жамоанинг “ишлари маоний хазинасидан маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак”, дейди.

Алишер Навоий таснифи бўйича, Жало-

лиддин Румий ушбу гуруҳга мансуб шоирлардан: “...Яна қойили маснавий маънавий, ғаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдурки, мақсадлари назмдан асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаҳоний имлосидан узга йуқтур”. Навоий Румийни “ғаввоси баҳри яқин” деганида, албатта, яқин илмидаги ғаввослигини назарга олган.

“Яқин” — очиқ-ойдин, аниқ ва шубҳагумондан бутунлай холи илм демак. Имом Ғаззолийнинг ҳукмига кўра, “дин сарватининг бутун сармоясини яқин илмидир. Яқин — илмнинг бошланғичи бўлиб, унга эришилгач, қалб учун барча нарсани фаҳмламоқ, англамоқ имконлари очилар экан. Мутасаввуфлар тушунчасида “қай замонки нафс бирор нарсани тасдиқлашга тарафдор бўлиб, уша нарса нафсдан ғолиб келиб исталган шаклда нафсни тасарруф айлай олса, унга яқин номи берилур”.

Яқин учун уч мақом белгиланган: илмал яқин — ўқиш ва ақлий далилларга асосланиб эришиладиган илм. Айнал яқин — муқошафа йўли ила ҳосил этиладиган ботиний, яъни ҳол сирларини очувчи илм. Ҳаққал яқин эса — илм, мушоҳада ва ҳол босқичларини кечиб Ҳаққа фоний бўлмоқ. Чунончи, фақат илм билан эмас, кўриш, ҳол ва сир мақомларида яшаб ҳақиқатни билиш ва шу ҳолатда давом этиш. Бу — яқин даражаларининг охири ва энг юксакки. Чунки унда илм ва мушоҳададан кечиб, асл моҳият ичида яшаш ҳақиқати кўлга киритилади. Айрим олимлар ҳаққал яқин — ошиқнинг ҳам илм, ҳам ҳол, ҳам мушоҳада соҳиби ўлароқ Ҳақ васлига етишиши, деган фикрни илгари сурганлар. Алишер Навоий худди шу жиҳатлардан Мавлоно Румийни “ғаввоси баҳри яқин” деб билган ва ибрат қилиб кўрсатган. Навоийнинг бир рубоийсидаги “Шукр айлаки, Ҳақ аҳли яқин қилди сени” деган сатрлари ҳам Румийнинг хизматларини теранроқ англашга ёрдам беради.

Тасаввуф адабиёти илми ҳол, илми ботин, илми ҳақиқат деб аталмиш тасаввуф илми билан алоқадорликда тараққий топиб борган. Шунинг учун бу илм ўртага қўйган асосий тушунчалар, ботиний томондан таъвил ва талқин қилиниши лозим бўлган фикр-қарашларни инobatга олмасдан ижоди тасаввуф таълимотига боғланган ҳеч бир шоир ёки ёзувчи асарлари

ҳақида тўғри хулоса чиқариб бўлмайдди. Шунинг учун шоир ва мутафаккир сифатида дунёга донг таратган Гётенинг ақл-идроки ҳам Румий шеърятининг туб моҳиятини билиш, завқ мақомларини топишда ожизлик қилган. Акс ҳолда бу улуғ санъаткор “Ғарбу Шарқ девони”да: “Жалолиддин Румий воқеликнинг шубҳали заминида ўзини унғайсиз ҳис этади. У ҳодисаларнинг ички ва ташқи жумбоқларини зукколик ила соф руҳий, ҳаёлий зайлда ҳал қилишга уринади. Аммо охир-оқибатда у яратган асарларнинг ўзи янги талқин ва шарҳларга муҳтож жумбоққа айланади...” дея шарҳ битмаган бўлурди.



Жалолиддин Румий тасвирларидаги маъно ва туйғуларнинг замини ҳам, миқёси ҳам жуда кенг. Бу — тасодифий эмас, албатта. Унинг асарлари ўзидан олдинги маданиятларни мукамал ўзлаштирган илмда ёритилган. Румий ижодиёти юнон, Эрон, Миср, Ҳинд мифологияси билан алоқадор булган, араб, юнон адабиёти тажрибалари билан боғланган. Ислом дини, айниқса, Қуръони карим унинг шаклланишида ҳам, ривожланишида ҳам зур таъсир кўрсатганки, буни шоирнинг ўзи ҳам қайта-қайта эътироф этган. Мана, у бир рубоийсида нима дейди:

*Ман бандаи Қуръонам, агар жон дорам,  
Ман хоки роҳи Муҳаммади мухторам.  
Гар нақл кунад жуз ин кас гуфторам,  
Безорам аз ўву, з-он суҳан безорам.*

Яъни: агар жоним бор экан, мен Қуръоннинг бандасиман. Мен Соҳиби ихтиёр Муҳаммад йулининг тупроғиман. Биров сўзимни бундан бошқача нақл қилса, ундан ҳам, уша сўздан ҳам безорман.

Мавлоно Румий ислом ва тасаввуф маърифати бирлигига асосланган форсий шеърятнинг муҳиби ва беназир билимдони эди. Буюк шоир учун Фаридуддин Аттор — руҳ, Санойӣ — кўз мавқеида бўлиб, у ўзини шу икки санъаткорга издош деб билган:

*Аттор руҳ буду Санойӣ ду чашми ў,  
Мо аз паи Санойӣ Аттор омадем.*

Алишер Навоӣ “Насоим ул-муҳаббат” асариди Румийнинг Фаридуддин Аттор билан учрашуви ҳақида бундай дейди: “Мақкага борурда Нишопурда Шайх Фаридуд-

дин Аттор суҳбатида Шайх “Асрорнома” китобин аларга берган экандур. Доим ўзлари билан асрор экандурлар. Алар дер эрмишларки, мен бу жисм эмасменки, ошиқлар назарида манзурмен, балки ул завқ ва хушлукменки, муридлар ботинида менинг каломимдин бош урар. Олло-олло, чун ул дамни топсанг ва ул завқни топсанг, ганимат тут ва шукр қилки, мен улдурмен”.

Ҳа, Румий завқ муқтадоси эди. Уни завқ руҳоният шоирига айлантирган эди. У илоҳий гўзаллик нурларидан завқланар, кўнгли завқ-шавққа тўлгани сайин дунёни унутар, шу завқ уни оламнинг оқу қароси, яхшилигию ёмонлиги, тубанлигию юксаклиги устидан том бир ғолибликка етказар эди. Шундай хурлик ҳолатлари шоирнинг куйидаги сингари сатрларида аксини топган:

*Маро гуяд яке мушфиқ, галат гуянд  
бадгўён,  
Наугурову бадгуро намедонам,  
намедонам.  
Замин чун зан, фалак чи шў, хурад  
фарзанду чун гурба,  
Ман ин занрову ин шуро намедонам,  
намедонам.*

Яъни: мени биров мушфиқ деса, бадгўйлар ёмон деса, яхши дегувчисини ҳам билмайман, билмайман. Замин гўё хотин, фалак бир эр, йиртқичга ўхшаб фарзандини еса, мен бу эру хотинни билмайман, билмайман.

Мавлоно Румий ўзлигини ишқ ва завқла топгани учун ҳам, “ул завқни топсанг, ганимат тут ва шукр қилки, мен улдурмен”, деган. Шоир қалбида оташин ҳиссиётларни тоширган висол завқи эди. Шу маънода Румийни на Аттор, на Санойӣ ортидан эргаштира олмаган. Шу боис Мавлоно: “Санойӣ ва Аттор кўп улуғ эрлардир, аммо ҳижрон ва айрилиқдан куп баҳс этурлар. Бизнинг сузларимиз висолга оиддир”, деганлар.

Чиндан ҳам, Санойӣ ва Атторнинг ғоявий-бадий талқинларида инсон комилликка қанча интилса интилсин, дунёда не қадар юксалса юксалсин, унинг вужуди четга сурилмас бир пардадури, инсон то ўлмагунича ҳақиқатга эриша олмас, деган фалсафий қараш ҳокимдир. Румийда бунинг акси: унинг нуқтаи назарида ҳақиқат олами — тириклик ва инсонлик олами. Улим — ҳақ,

эртадир, кечдир одам ўлади. Бироқ одамлар бир-бирига жон бўлиши, бир-бирининг ишқи билан ўлиши керак.

Инсон — илоҳлик маҳзари. Илоҳни ҳам у ўзидан ахтармоғи шарт. Ундан ташқарида илоҳий исм ҳам, калом ҳам йўқ. Жибрилу амин, набию расул ҳам унинг ўзи:

*Онҳо, ки талабгори худоед, худоед!  
Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед!  
Чизе ки накардед гум, аз баҳри чи жуед,  
В-андан талаби гумшуда аз баҳри*

*чароед?*

*Исмеду хуруфеду каломеду китобед,  
Жибрили хуруфеду каломеду китобед...*

Бундай фикрлар инсонлик моҳияти замирида мавжуд ва яшириниб ётган илоҳий фазилатларни билиш ва теран идрок этишга хизмат қилгани шубҳасиз, албатта.



Жалолиддин Румий шеърятини диний-тасаввуфий ишончлар таъсирида шаклланган. Тасаввуфий маъно ва ҳиссиётлар Румий газалиётини бир-бирини такрорламайдиган оҳангларда тасвирланган. Тадқиқотчиларнинг эътирофларига қура, Шарқдаги бошқа мутасаввуф шоирларнинг рубоийларидан фарқли ўлароқ, Румийнинг аксари рубоийлари само мажлисларида яралган. Само эса, Румий тушунчасида, ўзига хос бир уйғониш ва сурур мажлиси эди. Шоир уни тирикликнинг ороми, жоннинг жони дея таърифлаган:

*Само ороми жони зиндагонаст,  
Каси донадки уро жони жонаст.*

Академик А. Кримский: “Ҳеч муболағасиз, “Маснавий” тупламини тасаввуфнинг шеърини қомуси дея аташ мумкинлигини, унингсиз тасаввуфни англаш душвордир”, дея Румий шеърятига ҳаққоний баҳо берган эди (С. Кримский, «История Персии, его литературы и дервишеской теософии», 3-том, Москва, 1914-1915 годы, стр. 276).

Бундай эътирофлар Мавлоно Румийнинг маънодаги суфий шоир қиёфасида тасаввур қилиш ҳамда ижодиётини суфийлик маслагининг маҳсули дея таърифлашга тўлиқ асос бўлади. Аммо бу асосдан хориждаги бир талай тадқиқотчилар ва шўро даври адабиётшунослиги ўзича фойдаланиб, Румийни суфийлик дунёсидан четга чиқа олмаган шоирлар даврасига қўшган

лар. Ҳолбуки, Румийнинг дунёқараши, ҳақиқатга эришиш йўли, ишқдан кўзда тутилган мақсади, руҳоний юксалиш босқичлари том маънодаги суфий ижодкорлар — Санойи ва Аторниқидан фарқланган. Чунки Румий, биринчидан, расман ҳеч қайси тариқатни қабул қилмаган. У танлаган комиллик йўли — ишқ, мушқ, мушқ ва само йўли эди. Шунингдек, Румий тариқат асосчиси ҳам бўлмаган. Улкан румийшунос Абдулбоқи Гулпинорнинг ёзишича, Румийга издош ўлароқ майдонга чиққан мавлавийлар “бир тариқатни тамсил этмасдилар. Улар ишқ йўлининг содиқ йўлчилари бўлган Шуттор тоифаси эди ва тариқат аҳли ҳолида эмас, бир зумра ҳолида эдилар. Мавлавийлик Мавлонодан анча кейин қурилди ва мавлоноликни тамомила унуттирди” (“Мавлоно Жалолиддин” асари, Истанбул, 1985 йил нашри, 224-саҳифа).

Ушбу фикрларни ўқиган кишида “Мавлонолик нима?” деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, мавлонолик, энг аввало, Румийнинг буюк ва мислсиз шахсияти, шахсий фазилатлари, комил ахлоқи, инсоният тафаккурини юксакликка кўтарган фикрқарашлари ва руҳоний маърифати. Бироқ булар бир қадар умумий гапдай туюлиши мумкин. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ал-унс” асаридаги бир маълумот эса масалани “хусусий” томондан ёритишга йўл очади. Чунонди, Жомий бир ўринда бундай деб ёзди: “Бир жамоат Мавлонодан имомат қилишни илтимос этдилар ва ўша жамоа орасида Шайх Садриддин Кўнявий ҳам ҳозир эди. Шунда Мавлоно дедилар:— «Биз мардуми абдолдурмиз, ҳар жойгаки етурмиз, ўтирурмиз, турурмиз. Имомликка тасаввуф ва тамкин арбоблари лойиқдурлар» (Осор, жилди 8, Душанбе, соли 1990, саҳифаи 89).

Демак, Румий суфийлик маслагидан абдоллик маслагини устун қўйган, ўзини тасаввуф арбоби ёки суфий эмас, абдоллар вакили деб ҳисоблаган.

“Абдол” сўзи тасаввуф истилоҳи тарзида эътиборан фаол татбиқ этилган. Аммо унганча ҳам халқ оғзаки ижодиёти намуналарида “абдол” калимаси мавжуд бўлиб, абдоллар тўғрисида баҳс юритилган. Фақат, улар дунёнинг маънавий низоми муҳофазасини акс эттирувчи рижозул ғайб назарияси билан алоқадор қилиб кўрсатилган.

Муҳаммад Фуод Куприлизода абдолга хос сифатларни "оз сўз сўзламоқ, оз ухламоқ, оз емоқ, авомдин айру яшамоқ, мададга муҳтож ва лойиқ бўлганларга ёрдам бермоқ, мамлакатга келадиған фалокатларга қарши турмоқ, ёмғир ёғдирмоқ, ганимларга қарши бош кўтарганларга ёрдамлашмоқ" деб таърифлайди (*"Адабиёт тадқиқотлари" тўплами, 2-жилд, Истанбул, 1989 йил, 367-саҳифа*).

Буларнинг барчаси инсоний ҳаракат, фаолият, ҳиммат, кўпчиликка гамхўрлик, ҳаттоки миллий журъат ва жасоратни намойиш айлайдиган сифатлардир.

Ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам қаҳрни — меҳрга, жоҳилликни — маърифатга, нафсни — фаросатга таслим этиш абдолликнинг ахлоқий мажбуриятлари эди. "Нафаҳот ал-унс"да ҳеч бир жониворга озор етказмаслик ва ҳеч бир жониворни ўлдирмаслик "абдоллик мазҳаби" экани таъкидланган.

Румий шахсиятидан баҳс этилган бир талай ҳикоят ва ривоятлар ҳаётда ҳам унинг абдоллик одобига тулиқ риоя қилганидан далолат беради. Нақл қилинишича, Мавлоно бир куни кетаётиб йўлақда узала тушиб ётган итга дуч келибди. Ва итнинг оромини бузиб қўймаслик учун уйғонишини кутибди. Шу орада таниш бир киши келибди-да, итни қувиб йўлни очибди. Мавлоно бу ҳолдан жуда хафа бўлиб унга: "Итга азият етказдинг", дея танбеҳ берибди.

Ҳақиқий абдолларга ўхшаб, Мавлонода ҳам амирлар, султонлар билан учрашиш ёки уларга яқинлашиш истаги бўлмаган. Бир гал амирлардан бири унинг зиёратига бора олмаганидан узр сўрабди. Шунда Мавлоно: "Узр тиламакка ҳожат йўқдир. Бизни қурмаслик — қўришдан кўп қарра қувончбахшдур", деган экан (*"Туйғу ва тушунчада тозалик" тўплами, 69-саҳифа*).

Румийнинг эътиқодига қўра, "Кўнгли ойдин бир мардга қўл бўлмоқ — шоҳларнинг бошларида тож бўлишдан кўп қарра афзал".<sup>1</sup> Аммо бойлик, хонлик, амалдорлик ҳирси бу ҳикматни билишга йўл қўймайди. Натижада "ҳалқ мақом ва мартаба учун тўбанликларга бардош берар. Ярамас ҳолларга тушар, юксаклик умиди ила хорлик-

дан лаззат олар, хўрланишдан хушланар" эди.

Одам на амал, на мол, на зар билан чинакам хўрликка эриша олади. Чунки булар — вужуднинг мақсадлари. Ақлан, руҳан озод яшаш эса — дил касби ва шу касб ила кенг маънодаги дўстликни камол топтирмақдир:

*Мол асту зар асту — мақсади тан,  
Касби дил — дўсти фузудан...*

Муҳаммад Фуод Куприлизода «абдол» сўзи энг узоғи билан XII асрда «дарвеш» атамасига муқобил ўлароқ қўллана бошлаганини таъкидлайди. Румий шеърлятида абдолга хос баъзи етакчи хусусият ва фазилятларнинг дарвеш ҳамда фақир образида мужассамланганига, эҳтимол, ана шу муқобиллик сабаб бўлгандир.



Жалолиддин Румийнинг бир рубоийсида "Мени она тўлмаган, ишқ туққан. Шу волидага минг-минг раҳмату офарин" деган сатр бор. Румийнинг қарийб эллик минг байтдан иборат девони, йигирма олти минг байтдан зиёд "Маснавий"си — ишқ фарзандининг кўнгил ва ҳақиқат китобидир. Мавлононинг шеърляти — халққа ишқ шодликларини етказувчи ва айни пайтда шодликнинг додини берувчи шеърлят:

*Ишқ он бошад, ки халқро дорад шод,  
Ишқ он бошад, ки доди шодиҳо дод.*

Маълумки, тасаввуф таълимотида ишқ икки турга — мажозий ва ҳақиқий ишққа ажратилган. Мажозий (ёки башарий) ишқ — инсоннинг инсонга ва борлиқ оламга бўлган севгисидир. Бу ишқ ҳам инсоннинг руҳий ва ақлий қувватига таянади. Энг юксак ҳиссиёт ила борлиқ гузалликларини севиш ва ардоқлашни талаб этади. Чунки у — илоҳий ишққа етишмоқ йўлидаги бир босқич. Ҳамма гап бу босқичда баҳимлий, яъни ҳайвоний майл ва сифатларга қўл бўлиб қолмасликда. Зеро, гузалликдан тугилган ишқ руҳоний туйғуларга кенг йўл очиши, борлиқ-оламда акс этган гузалликнинг илоҳий сирларини теран идрок айлашга чорлаши муқаррардир. Акс тарзда Мавлоно "Ишқ хоҳ мажозий бўлсин, хоҳ

<sup>1</sup>Мавлоно, "Маснавий", туркча таржима, 3-жилд, Истанбул, 1990 йил нашри, 84-саҳифа. Бундан кейин "Маснавий"дан келтирилган парчалар ана шу манбадан олинди, қавсда китобнинг жилди ва саҳифаси курсатлади (*муаллиф*).



ҳақиқий, охир-оқибатда инсонни ҳақиқатга етказур” демаган булурди (1-жилд, 9-саҳифа). Тугри, Румий ишқни “Тангри сирларининг устурлоби” деб билган. Илоҳий ишқни мажозий севгидан устун курган. Аксарият шеърларида, “Маснавий”сида шу ишқдан баҳс юритган. Лекин уларнинг бирини иккинчисидан юқори қўймаган. Балки, «киши қанотсиз бир қушга ўхшар, унинг ҳолига вой ва ёзуқлар бўлсун” деган (1-жилд, 30-31-саҳифалар).

Шу ўринда озроқ чекиниш қилмоқчимиз. Литва олими И.Н.Калинаускас “Наедине с миром” номли китобида машхур рус ёзувчиси ва файласуфи Д.С. Мережковскийнинг мана бу фикрини келтиради: “Шу пайтгача бировлар кўп билган, аммо кам севган, бошқаларда ишқ кўп бўлган, бироқ билим жуда камлик қилган. Фақат кўп билиб, кўп севишга қодир кишигина инсоният учун ҳақиқатда гўзал ва буюк недир бир ишни амалга оширмоғи мумкин”. Ибротли гап. Бугун инсоният керакли-кераксиз илмни эгаллашда олдинги асрларга нисбатан илгарилаб кетгани рост. Бироқ у ишқий ҳиссиётларни юксалтира олгани йўқ. Шу боис дунёда ишқнинг эмас, шаҳватнинг қуллари кўп. Севги-муҳаббат кучига таянувчиларга қараганда гафлат ва жаҳолатта мутеларнинг сони минг чандон зиёд. Мавлоно шаҳват ила ишқ орасидаги масофанинг жуда йироқлигини, “Аз шаҳват то ишқ роҳи бисёр аст”, дея таъкидлар экан, таҳсил билан ҳосил этилган илм ва ишқ ўртасида ҳам катта фарқ борлигини айтди:

*Он илм, ки дар мадраса ҳосил карданд,  
Коре дигар асту ишқ коре дигар аст.*

Бу хулоса шоирнинг шахсий тақдири ва ҳаёт тажрибалари билан ҳам боғлиқ эди. Мадрасада ўқиган чоғларида ҳам, Кунёда мударрислик қилган йилларида ҳам ул зот бошқа киши, яъни чин ошиқ эмас, ақл ва мантиқ ҳукмларига тобе олим ва аллома эдилар.

1244 йилда, Румий ўттиз етти ёшларда экан, фикр ва маънавий ҳаётида туб ўзгариш пайдо қилган бир учрашув бўлган. Ушанда дарвешларнинг султони Шамсиддин Табризий Кунёга ташриф буюрган. Нақл қилинишича, бу пайтда Мавлоно от устида, ортидан шогирдларини эргаштириб виқор ва салобат ила мадрасадан уйига

қайтаётган экан. Шамс унинг қаршисида пайдо бўлибди. Ва отнинг жиловидан тугтиб, Мавлонодан сўрабди:

— Эй Муллои Рум, ҳазрати пайгамбар буюкми, Боязидми?

— Бу қандай савол? Албатта, ҳазрати Муҳаммад буюк-да, — дебди Румий.

Шамс:

— Яхши, аммо Расули Оллоҳ, қалбим зангланур, шунинг учун Раббимга кунда етмиш карра истиғфор этармен, демиш. Ҳолбуки, Боязид, ўзимни ёмон хислатлардан покларман, зуҳурим нақадар буюк, деюр. Жасадим ичида Тангримдан бошқа бир борлиқ йўқ, дея даъво этмиш. Бунга не дерсан?

Мавлоно:

— Муҳаммад алайҳиссалом кунда етмиш мақом ошардилар. Ҳар мақом ва ҳар мартабага етганларида аввалги мақом ва мартабадан истиғфор этардилар. Боязид эса етишажак мақомининг улуглигидан ўзидан кечди ва ул сўзни сўзлади.

Устозу шогирд орасидаги яқинлик, Мавлононинг Шамсга ишқи ана шундай тарзда бошланган эди. Шундан сўнг улар хилватга чекиниб олти ой сўхбат қурдилар. (“Мавлоно гулдастаси” асари, Кунё, 1991 йил, 39-40-саҳифалар). Бу сўхбатлар нафс ва ахлоқ, қалб ва рух, тафаккур ва маърифат, ишқ ва ҳақиқат сирларидан баҳс этувчи маърифий сўхбатлар эди. Шамс ақидапарастликдан тамоман йироқ, хурфикрли комил инсон эди. Унинг учун тоат-ибодатдан мурод зоҳирий русум ва одатларни адо айлаш эмас, қалб ҳузурига эришмоқ эди. У завқ ва ҳузурда риё бўлмас; ибодат — кўнгил ибодати; қуллик — қалб қуллиги; булар ҳузурсиз ижро этилган зоҳирий ибодатлардан кўп карра устун ҳамда афзал деб ҳисоблар эди. Хуллас, Шамс билан учрашувдан сўнг Мавлононинг қалбидаги ишқ ва ҳурлик учқунлари алангаланиб ёна бошлаган эди. Бу ҳолатлар унинг шеърларида ҳам тасвирири топган:

*То дар дили ман ишқи ту афрўхта шуд,  
Жуз ишқи ту, ҳарчи доштам, сўхта шуд.  
Ақлу сабақу китоб бар тоқ ниҳод,  
Шеъру газалу дубайти ошўхта шуд.*

Айрим олимлар Шамсиддин Табризий то Кунё уфқида зуҳур этмагунича Румийнинг шеъру шоирлик билан иши йўқ эди деган

фикрни айтганлар. Бу гапга қўшилиб бўлмади. Мавлоно Шамсий билан учраш-гунга қадар ҳам шеърлар ёзган. Аммо кейин уларни ёқиб юборган экан. Турк тадқиқотчиси А. Гулпинорли куйдирилган ўша шеърларни шоир “хаётининг илк даврларида ёзилганини” тахмин этади.

“Ишқ шариати, барча динлардан айри-дир. Ошиқларнинг миллати ҳам, мазҳаби ҳам Оллоҳдир” (2-жилд, 135-саҳифа). Румий шеърятининг лирик қаҳрамони худди шу маслак ва маҳзабдаги кишиларнинг вакили. Мавлоно ижодиётида талқин қилинган ҳақиқий ишқ, комил инсонга муҳаббат ёки комиллик сирларини унда кашф айлашдики, бу — ишқу орифлик, гўзаллик, виждон завқи ва кўнгил ҳаловатининг энг олий мужассамидир. Мавлоно шеърятда инсонни ҳусни мутлақдан ажратадиган фикрий бир тўсиқ йўқ.

Маълумки, аҳли ҳол тушунчасида ишқ — севгининг энг охириги даражаси ва мукамал шакли. Ишқ мақомига кўтарилгунга қадар ошиқ яна етти даражада қалб ва руҳни камолга етказиши керак. Булар: дўстлик; савдо — кўзёш тўкмак; севгидан сармастлик; муҳаббат — ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқ ила севгилисига яқинлашмоқ; ишгоф — қалбни пора этиб оташга ёққан севги; жунун, яъни маъшуканинг қулгига айланмоқ; севги шаробидан маст бўлиб ўздин кечмоқ.

Севгининг ушбу даражалари ва уларни босқичма-босқич кечиб ўтган ошиқнинг аҳвол-руҳиясини Румий фавқулудда санъаткорлик билан тасвирлаб берган. Бунда шоирни илҳомлантирган гўзаллик ва латофат илоҳаси, биринчи навбатда, аёл бўлганки, буни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, албатта. “Аёл — Ҳақ нуридир, севгили эмас... айна яратувчидир, яратилмиш эмас”, дейди Мавлоно (1-жилд, 195-саҳифа). Шунинг учун ҳам Румий тасвиридаги фикру туйғулар ниҳоятда жонли, ҳаётий, самимий ва завқбахшидир.



Шарқ шеърятини ҳамма давр ва шароитда ҳам бир хилда ривожланиб бормаган, неча бор тургунлик ва бўҳрон ҳолатларини бошдан кечирган. Лекин уни руҳий тургунлик, фикрий яқинлик офатларидан ҳар гал ҳақиқий истеъдодлар халос айлаган. Жалолоддин Румий ҳам худди шундай буюк

санъаткорлардан эди. Одамлар “чин шеър ва санъат очуни”дан узоқлашган замонда Мавлоно шеърятга янги руҳ, янги қувват бағишлади. Унинг учун Суз фақат инсон қалбини эмас, балки икки жаҳонни ҳам янгилайдиган мўъжиза эди. Мавлоно бошқалардан ҳам мўъжиза яратишни талаб қилган:

*Ҳин, сухани тоза бигуи то ду жаҳон тоза шавад...*

Мавлоно шеърни севган, ундан тинимсиз завқланган. Бироқ қофиябозликка тоқат қилолмаган. Шеърни вазн ва қофияга тобе билиш унга мутлақо ёт бўлган. Унинг, Эй шоҳи султони азал, бу байту ғазалдан халос бўлдим, муфтаиллун, муфтаиллун, муфтаиллун ўлдирди мени, деган сатрларида шеърятдаги шаклбозликка қарши исён бор:

*Ростам а зин байту ғазал, Эй шоҳи султони азал, Муфтаиллун, муфтаиллун, муфтаиллун куст маро.*

Мавлоно ижоди билан Шарқ шеърятини янги фасл бошланди. Бу — эскининг янгига таслим бўлиши ва шеърятда янгиликнинг тантана қилиш фасли эди. Шунинг учун эскирган фикр жаллобларининг даври ўтди, биз янгилик сотувчисимиз, бу — бизнинг бозоримиздир, деган Мавлоно:

*Навбати кўҳнафурушон даргузашт, Нав фуружониму ин бозори мост.*

Румий шеърятини ҳам руҳоний, ҳам маърифий янгилиги ва тасвир усуллариининг бағоят гўзал ҳамда хилма-хиллиги билан ўзбек адабиёти тараққиётига кучли таъсир ўтказгандир. Бундай таъсир аломатлари Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоҳёр каби унлаб ижодкорларимиз асарларида аниқ кўзга ташланиб туради. Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун бу уринда Алишер Навоий шеърятини айрим далилларга эътиборни тортмоқчимиз.

Ҳар нарсанинг яхшилик ва камолга томон боришига инонган Жалолоддин Румий ёмонликнинг юзага келишини ҳам бошқача тушунтиради. “Нуқсонлар камол сифатларининг ойинасидир, — дейди Мавлоно, — у хурлик, юксаклик ва улугликка кўзгу эзур... Ким нуқсонини кўриб англа-

са, тасарруфида тўққиз от бўлса-да, уларни комиллик йўлида елдирар.

Ўзини комил деган улуглик соҳиби Тангри йўлида парвоз эта билмас.

Эй мағрур ва худпараст кимса! Жонингда ўзингни комил англашдан баттар иллат йўқдур” (1-жилд, 257-258- саҳифа).

Энди Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги мана бу сатрларнинг маънисига диққат қилинг:

*Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,  
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.  
Ўз камолидин демас аҳли камол,  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.  
Сен нуқсон ичра комилсан баса,  
Олим ойтиб ўзни, жоҳилсан баса...  
Ким ўзин комил кўрар — ноқисдур ул,  
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.*

Демак, Навоий ҳам Мавлонога ўхшаб нуқсонни инсондаги камол сифатининг ойинаси билган. Ва нуқсонларни билиш (“Комил улким, нуқсин исбот айлагай”) орқали комилликка етишиш муқаррарлигини таъкидлаган. Жалолитдин Румий ва Алишер Навоий адабий меросини тарихий-қиёсий йўналишда ўрганиш Навоий шеъриятининг ботиний олами мукамал билиш, ундаги бир талай мураккаб тушунча ва ҳақиқатларнинг моҳиятини тўғри талқин қилишга йўл очади. Масалан, Алишер Навоийнинг “Кўнглум ичра бут ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ, Аҳли дин оллинда боргунча бу исломим била” сингари сатрларидаги маъноларни Румий ижодиётидан ажратиб талқин этиш мумкин эмас.

“Куфр” сўзининг луғавий маъноси маълум: инкор этувчи, ислом динини тан олмаган, шак келтирувчи, яъни кофир дегани. Тасаввуф истилоҳи ўлароқ, куфр мутлақо бошқа мазмунни ифодалайди. Ва куфрнинг моҳият эътибори ила иймонга ихтилофи йўқ. Шунинг учун “Маснавий”да, “Куфр ҳам, иймон ҳам ул улуглик соҳиби тангрига ошиқдир”, дейилган (1-жилд, 196-саҳифа).

Тасаввуф таълимотида “куфр”— мақом, ҳол, йўл ва ҳақиқат тарзида қабул этилган. “Куфри ҳақиқий” дея номланган мақомни ҳозирги кун нуқтаи назари билан шижоат ва холислик мақоми деб таърифлаш мумкин. Аҳли Ҳақ ишончлари бўйича, инсондаги таҳлика, ваҳм ва уларнинг ҳосиласи бўлмиш истак йўқдан бор бўлмаган. Улар-

ни ҳам Тангри яратган. Ҳақиқат ва мутлақ борлиққа қовушган киши кўнглида эса таҳлика ва ваҳми яратган Тангрини инкор айлаш туйғуси бош кўтарган. Куфр ҳоли мана шудир.

Ҳақиқати куфрда умуминсоний бир мазмун яширинган. Чунончи, бутун борлиқни Ҳақ ва ҳақиқат маҳзарлари деб билган орифлар бошқа дин ва мазҳабдаги кишиларнинг илоҳий ишончларига ҳам тўлиқ ҳурмат билан қараганлар ҳамда инсон қавмининг ҳар бир жамоасида Ҳақни кўрганлар. Аммо куфр шиори билан илгари сурилган бу ҳақиқат икки маънода пинҳон тутилган. Биринчиси — диннинг зоҳирини муҳофаза айлаш; иккинчиси — ўзни жаҳолат, нодонлик ва мутаассиблик хуружларидан асраш учун.

Куфри тариқатда эса барча динлар ва мазҳабларнинг вакилларига бир назар билан қараш, ҳеч кимни ранжитмаслик ва бировлар ранжитганда ҳам ранжимаслик бир қоида этиб белгиланган.

Бутун ҳаёти мобайнида Мавлононинг шу қоидадан чекинмаганини тасдиқловчи ҳикоят ва ривоятлар кўп. Бироқ улардан энг эътиборлиси Алишер Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат” асаридан урин олган: “Мавлоно Сирожиддин Қазвиний ул вақтининг бузурги эрмиш. Аммо алар билан (яъни Мавлоно билан — И. Ҳ.) хуш эрмас эрмиш, анинг қошида дебтуларки, мен етмиш уч мазҳаб била бирдурмен. Тиладики, аларни ранжида қилгай ва беҳурмат этгай. Бировни уз яқинларидинки, донишманд эрди ва сафиҳ эрди ва йибордики, жамъ аросида Мавлонодин сўргилки, сен мундоқ дебсен. Агар иқрор қилса, сафоҳат қил ва оғзингдин келгунча сўк ва ранжида қил. Ул киши келди. Дерлар: савол қилди. Алар дедилар: айтибмен. У киши муқаррар қилгон дастур била беқоида айтиб, сафоҳат қила киришти. Алар табассум қилиб дедиларки, булар била ҳам бирмен. Ул киши бағоят хижил бўлди ва қайтти”.

Мана, куфр тариқининг хосияти ва кучқудрати. Бунини инобатга олмасдан Румийнинг куйидаги каби фикрларининг мағзини чақиб бўлмайди:

*Иймон чун куфр, куфр иймон нашавад,  
Як бандаи Ҳақ баҳақ мусулмон  
нашавад.*

Яъни: иймон — куфрга, куфр — иймон-

га айланмагунича, Ҳақнинг бирор бандаси чин мусулмон бўлмас.

Алишер Навоийнинг “куфр” парастлик шавқи ва эътиқоди билан битилган ўнлаб байтларида ушбу гоё ўзига хос шаклларда давом эттирилган ва уларда амалий бир ворислик туйғуси ҳоким. Балки шунинг учун ҳам ул зот очиқ-ойдин: “Дин нақдини куфри била савдо қилдим, Ким қилди бу ишким, мене расво қилдим”, деганлар.

Азиз журналхон, сиз агар Алишер Навоийнинг “Насоим ул-муҳаббат”идаги Румийга бағишланган саҳифаларни кўздан кечирган бўлсангиз, табиийки, бир ҳодиса хотирагизда нақшланиб қолган. Келинг, гаройиб ул ҳодисани яна бир эслайлик.

Ўшанда Жалолоддин олти ёшда бўлган. Одина куни у бир гуруҳ тенгдошлари билан томда ўйнаб, томдан-томга сакрар ва қувнар эди. Шунда ўртоқларидан бири унга: “Келинг, бу томдан яна бир томга сакраймиз”, дейди. “Бу — ит ва мушукларнинг иши. Агар сизнинг жонингизда қуввате бўлса, осмон томига секрели...” дебди Жалолоддин. Ва зум ўтмай болаларни қичқиртириб, йиғлатган воқеа юз берибди: ит-тифоқ, у кўздан ғойиб бўлибди-да, бир фурсатдан сунг яна ўша томга тушиб тенгқурларига дебди: “Ул соатки сизга ул сўзни айтур эрдим, кўрдумки, яшил кисватлилар мени сизнинг орангиздин сирмадилар ва кўтариб осмонга элттилар ва малакут ажойибин менга кўргуздилар. Чун сизларнинг фиғон ва фарёдингиз чиқти, яна бу ерга тушурдилар”.

Бу — бўлажак улуғ шоирнинг илк руҳий парвози эди. Бу — қалби бир умр самовий хислардан завқланган илоҳпараст санъаткорнинг келажагига ишорат эди. Бу — Каъба Инсон қалби эканига заррача шубҳаланмаган ва: “Эй қавми ба ҳажи рафта кужоед, кужоед, Маъшуқ дар инжост, биёед, биёед”, дея Тангри сирлари инсон кўнглида тажалли этишидан баҳс юритган ҳақшуноснинг малакут ажойиботларидан илк бор ҳайратланиши эди. Эҳтимол, ана ўша самовий юксалиш туфайли ҳам кейин-

чалик Мавлоно тил ила ифода этилмайдиган сирларга соҳиб бўлганнинг руҳ тилини урганишга ташвиқ айлаб: “Агар тотса, агар руму агар турк, Забони бе забонуро биомуз”, дегандир. Ул зот тасавурида, “Рух илм ва ақл ила йўлдошдир, дустандир. Рухнинг арабча билан, туркча билан не иши бор?” (2-жилд, 5-саҳифа).

Мавлоно маъно тилини билгани, руҳ тилида сўзлашгани учун Фарбу Шарқнинг меҳрини қозонган. Жалолоддин Румий бир газалида “Аз марг чаро тарсам, к-ў оби ҳаёт омад”, деган. Дарҳақиқат, шоир умрининг энг сунги дақиқаларида ҳам шу фикридан қайтмасдан, ўлимни таҳликасиз қаршилай олган.

Умрининг охириги куни дусти Шайх Садриддин Кўнявий касаллиги оғирлашган шоирни кўргани келади. Ва Оллоҳ шифо бериб, Мавлононинг тезда тузалишини тилайди. Шунда шоир унга дейди: “Мундан сунгра “шифокаллоҳ” сизда бўлсин. Ҳамоники, ошиқ ва маъшуқ аросида бир кўнглақдин ортиқ қолмайдир, тиламассизки, нур нурга қўшилур”.

Нур нурга қўшилган ўша кун 1273 йилнинг 17 декабри эди. Мавлононинг жасади солинган тобут эртаси куни уйдан чиқарилди. Жанозага ҳаддан зиёд кўп халқ тўпланади. “Олимлар, сўфийлар, ахийлар, футувват эрлари, риндлар, ҳукумат арбоблари... Насронийлар, яҳудийлар — бутун инсонлик Мавлонони бош устида кўтариб борарди. Яҳудийлар — Тавротдан, насронийлар — Инжилдан оятлар тиловат қилардилар. Гайридинларнинг дафн маросимини тарк этишини кимдир талаб қилган чоқда улар фарёд-ла бундай демишлар: “У бизнинг масиҳимиз эди, у бизнинг Исомиз эди. Мусонинг, Исонинг сирини биз унда кўрдик, ундан билдик. У кўёш эди. Кўёш эса бир жойни эмас, бутун дунёни ёритур...” (”Мавлоно Жалолоддин” рисо-ласи, 129-саҳифа.)


Дарҳақиқат, Мавлоно фикр ва маърифат, руҳ ва ҳақиқат кўёши эди. Мавлоно “олам аҳлининг жони” эди.

Убайдулла УВАТОВ

Буюк ватандошимиз Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (*мелодий 810-870 йилларда яшаб ўтганлар*) ҳадис илмининг султони сифатида бутун оламга машҳурдир. Бундан қарийб ўн икки аср муқаддам Бухорои шарифда дунёга келган аллома қаламига мансуб йигирмадан зиёд асар ичида, айниқса, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари жам этилган “Саҳийҳ ал-Бухорий” шоҳ асари ислом динининг асоси — Куръони каримдан кейинги энг ишончли манба ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Ватанимиз мустақиллигидан сўнг аллома аждодларимизнинг ижодини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. Бу борада муайян хайрли ишлар амалга оширилди. Бироқ булар ҳали уммондан қатра, ҳолос.

Шу ўринда бир масалага тўхталиш лозим. Ҳар хил сабабларга кўра дунёнинг турли бурчакларига тўзиб кетган бебаҳо ҳазиналаримиз — ёзма ёдгорликларни излаб топиб, тегишли тадқиқотлар билан дунё илм-фан жамоатчилигига тақдим этишда бугунги кунда хорижий мамлакатларда яшаётган, асли туркистонлик бўлган олимлар ҳам талай хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Мақолаларимизнинг бирида Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошимиз, иқтидорли арабшунос Назар Муҳаммад ал-Фарёбий Насаф (*ҳозирги Қарши*) шаҳрида туғилиб, сўнгра узоқ муддат Самарқандда яшаган Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али Луқмон ан-Насафийнинг (*баъзи ўринларда ас-Самарқандий*) “Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” (*Самарқанд олимлари ҳақида қанддек (ширин) китоб*) асари юзасидан тадқиқот юритгани хусусида фикр-мулоҳаза билдирган эдик. Араб тилида яратилган ушбу асарда ўрта асрларда Самарқандда ижод этган мингдан зиёд фикҳ олими, ҳадис ровийлари ва бошқа соҳаларда



Ал-  
Бухорий

авъз

билган

зотлар

калам тебратган илм ахллари ҳақида бир талай аниқ маълумотлар берилган. Бироқ ушбу қимматли манбаининг қўлёзма нусхалари бизгача етиб келмаган деб ҳисобланар, фақат XII асрда яшаган олим ан-Насафийнинг шогирди Абу Фазл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдулмалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий форсчага ўйрган мухтасар таржимаси маълум эди. Бу таржима “Қанд”, “Қандия” (*Тошкентдаги Шарқшунослик институтида сақланаётган бир қўлёзмаси “Қандия хурд” — кичик қандия деб номланган*) номи билан аталади. Бироқ асарнинг Туркиядаги “Турхон волидаси” кутубхонасида сақланаётган яқкаю ягона қўлёзмаси асосида олим Назар Муҳаммад ал-Фарёбий тайёрлаган мукаммал нашри эса асарнинг аслияти мавжуд эканлигини кўрсатди.

Ушбу мақоламизнинг асосий мавзу бўлган “Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари” номли асарни тадқиқ қилган олим ҳам айнан шу ватандошимиз Назар Муҳаммад ал-Фарёбий эканини қайд этиш керак. Асарнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур манба имом ал-Бухорийнинг устозларига бағишланган бўлиб, буюк ватандошимизга бўлган эътибор, аллома яшаган даврда ҳам, ундан кейин ҳам катта бўлганига далолатдир. Чунончи, Имом ал-Бухорийдан юз йилча сўнграқ яшаган олим Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфохоний (922-1005 йилларда яшаб ўтганлар) яратган “Асоми машойих ал-имом ал-Бухорий” (*“Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари”*) номли асар ушбу фикримизга ёрқин далилдир. Тадқиқотчи Назар Муҳаммад ал-Фарёбий жамоатчиликка тақдим этган ушбу мўъжазгина нашр 1991 йилда Саудия Арабистонидаги “Мактабат ул-Кавсар” матбаасида чоп этилган.

Дастлаб “Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари” асарининг муаллифи ҳақида бир оз маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Ул зотнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал-Исфохоний бўлиб, ҳижрий 310 (*баъзи манбаларда келтирилишича, 309, мелодий 922*) йилда Исфохонда таваллуд

топган. Йигирма ёшларидан бошлаб Нишопур, Ал-Искандария (*Александрия*), Басра, Ҳирот, Сижжистон, Озарбойжонда бўлган, сўнг Шошга (*буғунги Тошкент*) рихлат қилган. Ушбу сафаридан қайтганида, манбаларда кўрсатилишича, ўзи билан қирқ ҳамл (*яъни қирқ туяга юк бўладиган*) хилма-хил китоблар келтирган. Яна таъкидланишича, Куръони карим хофизларидан биронтасига ҳам Ал-Исфохоний эшитган маълумотларни (*ёки хабарларни*) эшитиш ва у жам қилган маънавий бойликларни жамлаш насиб этмаган экан. Ал-Исфохонийнинг ўзи доимо: “Мен Шарқни ҳам, Фарбни ҳам икки марта тавоф қилиб айланиб чиққанман. Ўз ақидавий фикрида собит турмай бекарорлик кўрсатиб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа оғадиганлардан узоқда бўлиб, ҳақиқий дин аҳкомларига хилоф иш тутиб, бидъат ва хурофотга амал қиладиганлардан биронта ҳам ҳадис эшитмаганман”, деб таъкидлар эканлар.

Ал-Исфохоний ҳақида ёзган ўрта аср тарихчиларининг аксарияти уни кўп таснифларнинг муаллифи (*“соҳиб ат-тасонийф”*) деб таърифлаганлар. Тадқиқотчи Назар Муҳаммад ал-Фарёбий эса унинг қаламига мансуб йигирмага яқин асар борлигини таъкидлаб, барчасини номма-ном келтиради. Ушбу асарлардан ўндан зиёда ҳадис ва унинг турли илмларига бағишланган. Улардан “Ҳадис”, “Ал-Амолий”, “Ал-Фавоид”, “Маърифат ас-саҳоба”, “Фатҳ ал-боб фи куна ва-л-алқаб”, “Шурут ал-аимма”, “Китоб ат-тарих”, “Китоб асмои ас-соҳиба” кабилари ғоят эътиборлидир.


Ал-Ақидага оид тақлифлар ҳам талай асарларни ташкил қилади. Улардан “Китоб ур-радд аъло-л-жаҳмиия”, “Китоб ас-сифот”, “Китоб ан-нафс в-ар-рух”, “Ан-Носих ва-л-мансук” кабиларни қайд этиш мумкин. Исҳоқ ибн Манда ал-Исфохоний 395 ҳижрий (1005 мелодий) йилнинг зул-қаъда ойида вафот этган бўлиб, Исфохондаги Дуккабоз қабристонига дафн қилинган.

Муаллифнинг “Имом ал-Бухорий устозларининг исмлари” асари ҳажм жиҳатидан унча катта эмас (*атиғи 16 ва-*

рақдан иборат). Қўлёзма чиройлик насх хатида ёзилган, ҳар бир саҳифа 17 сатрдан иборат. Уни бағдодлик хаттот Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Иброҳим 632 ҳижрий йилнинг (1235 мелодий) ўн тўққизинчи шавволи, жума кунда Дамашқ Жоме масжидида кўчирган. Илмий жиҳатдан ғоят қимматлидир. Ушбу китобда Имом ал-Бухорий шоҳ асари “Саҳийҳ ал-Бухорий”да қайд этган уч юз олтита ҳадис ровийларининг исми шарифлари алифбо тартибида тўлиқ ҳолда зикр қилинади. Уларнинг асли қайси шаҳарлик бўлгани, лақаби ёки куняси, аксариятининг эса қайси шаҳарда ва қачон вафот этгани ҳақида аниқ маълумотлар келтирилади. Куйида асардан бир неча мисоллар келтирамиз:

“Аюб ибн Сулаймон ибн Билол Мавли Абдуллоҳ ибн Аби Атийқ — асли Мадина шаҳридан, 224 ҳижрий йилда вафот этган; Иброҳим ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ аз-Зубайр ибн ал-Авон аз-Зубайрий — ҳижрий 230 санада Мадинада вафот этган бўлиб, кўпинча Абу Исҳоқ куняси билан аталарди; Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Ҳусайн, Абу Исҳоқ ас-Суллабий — ас-Сурморий номи билан танилган бўлиб, Бухоро қишлоғидан эди; Аҳмад ибн Абу Ража — асл исми Абдуллоҳ ибн Аюб ал-Ҳаравий Абу ал-Валийд, Имом ал-Бухорий ҳадисларни ундан Бухорода юрган пайтида ёзиб олган; Аҳмад ибн Манийъ ибн Абдурахмон, Абу Жаъфар ал-Бағавий — Бағдодда яшаган. У Ҳусайндан ривоят қилади. Уни ал-Қаббоний деб атардилар. Имом ал-Бухорий ундан атиги битта ҳадис ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ибн Исо ал-Ҳумайдий — Абу Бакр куняси билан танилган бўлиб, Макка аҳлидан. Вафоти икки юз ўн тўққизинчи ҳижрий йил; Муҳаммад ибн Юсуф Абу Аҳмад ал-Бухорий — Пайканд аҳлидан».

Ушбу китобда Имом ал-Бухорий ҳадис эшитган 306 ровий ҳақида мана шу тариқа маълумот келтирилади. Бу адад, албатта, буюк аллома ҳадис эшитган ровийларнинг бир қисми, холос. Аслида ул зот жуда кўп ровийлардан ҳадис ёзиб олганлар. Лекин у киши доимо: “Мен фақат иймон-эйти-



қодга ҳам сўзда, ҳам амалда риоя қилган кишилардангина ривоят қилдим”, деб таъкидлаганлар. Умуман, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг ибратомуз ҳаёти ва бой илмий меросини ўрганар эканмиз, ул зотнинг дунёқарашини ғоятда кенг қамровли ва ҳар қандай давр учун ҳам муҳим аҳамият касб этар даражада бўлганини кўрамиз.

Ул зотнинг устозлари ва шогирдлари орасида турли миллат ва элат вакиллари бўлган. Имом ал-Бухорий ҳаёти ва илмий фаолиятига хос яна бир муҳим жиҳат шундаки, буюк аллома бундан қарийб 12 аср олдин ҳам диний мутаасибликка, тор ақидавийлик доираларида маҳдудлашишга, бидъат ва хурфотга нисбатан мурасиз бўлганлар. Хуллас, буюк ватандошимизнинг ёрқин ҳаёти ва кўп қиррали бой фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш маънавий баркамол инсонларни яратишдек буюк ва олижаноб вазифага хизмат қилиши шубҳасиздир.





# Tafakkur



Аҳмаджон ЧОРИЕВ

Ҳадемай адогига етадиган XX асрнинг биринчи чораги — Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим из қолдирган бағоят мураккаб, ҳали чинакам талқинини топмаган даврдир. Октябрь тўнтаришидан сўнг давлат ҳокимиятини эгаллаган большевиклар хилма-хил ҳудуд ва минтақаларда турлича сиёсат юритган монархиядан фарқли ўлароқ, бутун Россия империясини ҳарбий давлат бошқаруви измига ташлади. Шу боис мустамлака сиёсатини юритувчи миллат билан мазлум халқларнинг тарихий имконияти муайян маънода тенглашди.

Туркистон большевикларнинг мутлақ ҳарбий бошқаруви даврида ўзига хос қиёфа касб эта бошлади. Бу даврда халқнинг илғор зиёлилари — жадидларнинг миллий истиқлол йўлидаги ҳаракатлари қаттиқ зарбага учрагач, улар мурсо ҳам истиқлол сари элтувчи йўл эканини эътироф этиб, ҳаракат тактикасини ўзгартдилар — ҳукмрон тузум билан ҳамкорлик қила бошладилар.

Таъкидлаш жоизки, янги тузум бағрида ташкил этилган дунёвий мактаблар, таълим борасида уртага ташланган ғоялар дастлаб ғоят жозибали бўлиб кўринган эди. Оммани мактабга жалб этишга жадал киришган янги тузум ҳам аслида феодал қолоқлик заминидаги таълим тизими мақсадларига нисбатан бирмунча мос бўлиб, фақат якка шахс камоли ва, табиийки, хусусий мулкни тан олмас эди. Хасис ва жоҳил, миллатга қайишмайдиган, топган-тутганини хотинбозлиғу беҳуда айш-ишратга сарф этишдан бошқа “савоб”ни тан олмайдиган мулкдорлар — бойу боёнлардан зада бўлган айрим жадидлар учун хусусий мулкнинг қораланиши бир жиҳатдан адолатли бўлиб ҳам кўринар эди. Шу боис улар янги мактабларда сидқидилдан хизмат қилгандилар. Қолаверса, жадидлар давлат социализмига ҳос хусусиятларни ҳали тўлиқ англаб етмаган эди. Уларнинг назарида янги ишлаб чиқариш воситалари инсоннинг инсон томонидан камситилишига йўл қўймас, давлат

қарамоғи ва назоратида бўлган мактаб ўзи ҳам мустақил тизимга айлана бошлаган эди. Аммо давлат ҳамма нарсанинг устидан якка ҳукмрон бўлиб бораётганини улар унчалик тушунолмас эдилар. Лекин тузум ётнинг боласи ёр бўлмас, деган нақл бўйича иш тутди — 20-йилларда яратилган дарсликлар жадидчилик ғоялари руҳида эканини англаб, жадид зиёлиларини турли баҳоналар билан йўқота борди. Лекин муроса йўлида ўзлигини сақлаб қолишга аҳд этган, бинобарин, буткул таслим бўлмайдиган халқ руҳидаги миллий маърифат туйғусини ўлдиролмади. Айнан ана шу туйғу халқ фарзандларини, ҳарчанд таъқибу тазйиқлар бўлмасин, озодлик ва истиқлол сари чорлаб тураверди. Демак, маърифат халқ дилида истиқлол руҳини сақлаб қолишнинг ягона шакли эди. Буюк боболаримизнинг озодликка ташна руҳлари айнан ана шу шаклда эркин соғинган вужудларни безовта қилди.

Совет маорифи, иқтисодиётидан фарқли ўлароқ, озми-кўпми, замониға қараб бот-бот ислоҳ этиб борилган (албатта, аксари ҳолларда улар кутилган натижани бермас, чала-ярим ҳолда барбод бўлар эди). Чунки у барибир дунё ҳақидаги билимларни, тескари талқин билан бўлса-да, халққа етказишга уринарди. Дунёдан хабардор шахс эса, табиийки, ўзлигини, ўз эркини ҳис этиб яшайди. Совет педагогикаси, тузум мафкураси каби, мунофиқлик асосига қурилган эди. У ёшларни ёлғон ғоялар асосида тарбияламоқчи бўлар, ўзи ҳам ёлғонга зўр берарди. 20-йилларда мактабларда мутлақо баҳо қўйилмас, 70-йилларда эса “2” баҳо қўйиш

норасмий равишда ман этилган эди. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик бу борада ҳам юз кўрсата бошлаган эди.

Бироқ, боя айтганимиздек, 20—30-йиллар таълим тизими муроса педагогикаси эди. У тузумга қуллуқ қилувчилар билан бирга юксак билим ва маданиятли шахсларни ҳам вояға етказди. Бундай зотлар икки марта имло ўзгариши, дарсликлар етишмаслиги, мактабларнинг моддий аҳволи огирлиги, маъмурий буйруқбозлик тузумининг мактаб ишиға бўлар-бўлмас аралашаверишиға қарамай, миллий маърифат руҳини авайлаб асрадилар. Ана шундай халқ фарзандлари 60-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистон фани ва маданиятини янги босқичға кўтардилар. Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев ва бошқа олимлар шулар жумласидандир. Бундай ҳол мактаб ҳар қандай шароитда ҳам истиқлол йўлида, халқ озодлиги йўлида хизмат қилиб келганини кўрсатади. Кейинчалик адабиётимизда халқ ботинидаги истиқлол руҳини ифода этган бутун бир авлод вояға етди. Уларнинг истиқлолдан олдин яратилган асарлари ҳам истиқлол руҳида. Буларнинг барчаси мактаб, маърифат истиқлол сарчашмаси эканидан далолат беради. Буларнинг барчаси асримиз бошида бошланган жадидчилик ҳаракати энг қийин замонларда ҳам турли шаклларда ривожланиб келганини кўрсатади.

Ҳа, бизға озодлик маърифат нури билан келди. Энди уни асрамоқ учун янада маърифатлироқ бўлмоғимиз зарур. Зеро, маърифат — энг қудратли кучдир.

лиги бир нигоҳ ташлашда кишини ром этар даражада тенгсиз булмаган. Лекин унинг латофат уфуриб турган муомаласи, камданкам кишиларгагина муяссар бўладиган таъсирчан нутқи, ҳар бир сўз ва ҳаракатида балқиб турувчи ишваю назокати чеҳра ҳолатига мутаносиб равишда қалбларни алғовдалғов қилган.

# КЛЕОПАТРА

Тарих ҳудудсиз бир уммонга ўхшайди. Қанчадан қанча ажойиб кишилар, доврўғи етти иқлимни тутган шаҳарлар ва ҳатто ўлкалар даврлар ўтиши билан бу ўлка уммон бағрига ғарқ бўлиб кетади. Уларнинг ўрнига янгилари майдонга келади. Аммо улар ҳам ёшларини яшаб, ошларини ошаб дунёдан ўтади. Аксарияти гуё бу фоний ҳаётга келмагандек унут ҳам бўлади. Фақат айрим бахтли кишилар ва қўтлуг шаҳарларгина тангрининг инояти билан тарих қатида абадий муҳрланиб қолади.

Абадиятга дахлдор бундай кишилар орасида бундан икки минг йил муқаддам яшаб ўтган Клеопатра исмли малика ҳам бор. Таъкидлаш жоизки, бу кўҳна дунёда клеопатралар оз бўлмаган. Қадимги давр тарихчиларининг далолат беришича, улардан энг машҳури Египтинчи Клеопатра бўлиб, эраמידан аввалги 69-30 йилларда яшаган; 51-30 йилларда эса Миср маликаси бўлган.

Клеопатранинг бизга қадар етиб келган мармар тасвирлари унинг кампирдахан, эгрибурун аёл бўлганидан шаҳодат беради. Агар унинг образини Рим тарихчилари қасддан бузиб тасвирлаганини инобатга олсак, бу тасвирларда Миср маликасининг асл қиёфаси холисанлило акс эттирилганига шубҳа туғилади. Аммо шуниси аниқки, Клеопатра даврининг энг олд гузали бўлган. Шунга қарамай, у ҳусни жамоли билан машҳур замондошларининг кўнглини ром этган.

Клеопатрадан юз йил кейин яшаб ўтган Плутарх “Ҳаётнома” асарида малика тўғрисида бундай деб ёзган: “Бу аёлнинг гузал-

Агар унинг овозидан юзиб чиққан товушлар қўлоққа хуш ёққан бўлса, тили бамисоли турли-туман пардаларга — турфа лаҳжаларга осон созланувчи кўп торли мусиқа асбоби эдиким, у баъзи бир ёввойилар билангина таржимон орқали сўзлашар, аксар ҳолларда эса четдан келган ҳабашлар, троглодитлар (*Қизил денгиз бўйларида яшаган қабилалар — Н. К.*), яҳудийлар, араблар, сурияликлар, мидияликлар, парфиёналиклар билан яқна ўзи муомала қилар эди... Айтишларича, унга қадар яшаган подшолар ҳатто Миср тилини билмагани, айримлари эса Македония тилини унутгани ҳолда у кўпгина бошқа тилларни ҳам ўзлаштирган эди».

Демак, Клеопатра ҳаддан зиёд соҳибжамол аёллар тоифасидан булмасда, дилбар товуши билан, нафис қиёқларию ҳаракатлари билан манман деган баҳодирларнинг қалб торларини сайратиб юбориш қудратига эга, ҳар томонлама истеъдодли, сеҳр ва жоду соҳибаси бўлган. Унинг ажабтовур воқеаларга бой ҳаёти, замонасининг энг машҳур саркардалари ва давлат арбобларини бир умрга сеҳрлаган аёллик латофати неча асрлардан буён ёзувчи, драматург, шоир, рассом ва бастакорларни илҳомлантириб келади. Уильям Шекспирнинг “Антоний ва Клеопатра”, Бернард Шоунинг “Цезарь ва Клеопатра” сингари трагедияларида эса Миср маликаси яна бир қарра абадиятини топган.

## Шарқ маликаси

Эрамиздан аввалги 323 йилда Александр Македонский вафот этгач, ундан мерос қолган мулклар тақсим бўлганида марҳум фотиҳнинг саркардаларидан бири Птолемейга Миср ҳукмдорлиги насиб этди. Ва у Мисрда уч аср давомида ҳукмронлик қилган птолемейлар сулоласига асос солди. Клеопатранинг отаси ана шу сулоланинг охириги вакилларида бири бўлиб, подшоликда қабул қилинган удумга кўра, Ун иккинчи Птолемей деб аталди. Аммо у бу ном билангина қаноатланиб қолмай, исмига яна уч унвонни ҳам қўшиб олди. Шу унвонлардан биринчиси Теос Филлипатор бўлиб, отасини севувчи тангри маъносини англатган. Клеопатра ана шу отадан туғилгани учун Еттинчи Клеопатра Филопатра деб юритилди. Модомики, Мисрда подшолик қилган птолемейлар сулоласининг тарих саҳнасида пайдо бўлиши Александр Македонский номи билан боғлиқ экан, Клеопатранинг севги ва эҳтирос билан тўлиқ қалбида ҳам жаҳонгирга хос қоннинг жўш ургани ажабланарли эмас. Гап шундаки, машҳур фотиҳ эрамизгача бўлган 331 йилда, Турон ва Эронни босиб олган замонда забт этилган ўлкалардаги фуқарода хайрихоҳлик ва руҳий яқинлик уйғотиш мақсадида Учинчи Доронинг қизи Равшанакка уйланган. Александр Македонскийнинг айрим лашкарбошилари ҳам подшоҳдан ибрат олганлар. Шу тарзда македониялик фотиҳларнинг кейинги авлодлари вужудда Шарқ аёлларининг қони ҳам мавж ура бошлаган.

Айрим тарихий манбаларда айтилишича, Клеопатранинг қалбида ҳам ана шу

Шарқ қизларининг қони тошиб-кўпириб турган. Хусусан, Абу Райҳон Беруний ҳикоямиз қаҳрамонининг шарқона илдиздан кўкарган ниҳол эканини айтиб, унинг исмини Клубатра тарзида тилга олган.

Ун иккинчи Птолемей давлат ишларидан кўра кўпроқ мусиқага ихлос қўйган, ўзи ҳам сибизга чалишни севган. Шу сабабли Миср аҳолиси уни орқаваротдан Сибизгачи Авлет деб атаган. Птолемей Авлет, шароит тақозосига кўра, Миср тақдирини Рим савдогарлари қўлига бериб қўйган эди. Александрияликлар нақадар бағрикенг кишилар бўлмасин, бунга тоқат қилолмай, золим ва ношуд подшошни қувиб, ўрнига тўнғич қизи Береникани тахтга ўтқаздилар. Рим савдогарлари туфайли тахтдан жудо бўлган Птолемей мадад сўраб Римга мурожаат этади. Аммо Сибизгачи ун минг талант олтин ваъда қилганига қарамай, Рим саркардаларидан бирортаси унга ёрдам беришни истамайди. Птолемейнинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал этилаётган бир маҳалда Юлий Цезарнинг бўлажак сафдоши ва суюкли шогирди, навқирон лашкарбоши Марк Антоний қувғинди подшога ёрдамга келади: ҳали ўттиз ёшга кирмаган шухратгалаб лашкарбоши бу пайтда ўзини қандай кўрсатишни билмай юрар эди. У жасур жангчи ва тажрибали лашкарбоши сифатида Александрия тупроғига қадам қўйиб, Птолемейга Миср тахтини қайтариб беради. Ёр-дўстлари қанчалик ёлвормасин, Сибизгачи подшо пуштикамаридан дунёга келган қизи Береникани қатл этишга фармон беради.

Шу тарзда Клеопатра оилада тўнғич фарзанд ўрнини эгаллаб, отаси вафотидан ке-





йин Юқори ва Қуйи Мисрни укаси билан бирга идора этиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу пайтда у эндигина ўн тўрт ёшни қоралаган бир қизча эди.

Қадимги баъзи бир тарихчиларнинг маълумотига кўра, малика ҳали ғоят ёш бўлишига қарамай, ўттиз ёшлар чамасидаги Антонийни доғда қолдирган. Аммо Сурияда кутарилган галаён Антонийнинг Александрияни тарк этишига сабаб бўлган. Орадан кўп ўтмай, эрамизгача бўлган 51 йилнинг майида Ўн иккинчи Птолемей вафот этган. Унинг васиятига кўра, Ўн учинчи Птолемей опаси Клеопатра билан биргаликда марҳумдан мерос бўлиб қолган давлатни бошқариши лозим эди. Птолемейлар сулоласида жорий этилган аънанага мувофиқ ука ва опа никоҳдан ўтибгина Миср тахтини эгаллашлари мумкин эди.

Хуллас, ўн саккиз яшар Клеопатра ўн яшар биродари — Ўн учинчи Птолемейга турмушга чиқиб, мамлакатни бошқаришга киришади. У ёш бўлишига қарамай, муайян тажрибага эга, ҳар жиҳатдан билимдон ва истеъдодли қиз эди. Бироқ давлат ишларидан беҳабар ва ҳатто бундай ишлар билан шуғулланишни орзу ҳам қилмаган Ўн учинчи Птолемейнинг орқасида Потин исми ақлли, айёр, зукко бир ахта ҳам бор эдики, у ўн яшар болакай номидан давлатни якка ўзи идора этиш иштиёқида юрарди.

Потин Клеопатрага қарши ошкора қураш йўлини танлаб, ундан норози бўлган кишиларни атрофига тўплаб бошлайди. Клеопатра эса, ундан фарқли ўлароқ, отаси изидан бориб, Рим легионларига кўпроқ умид боғлайди. У ўз ниятини амалга ошириш истагида Помпейнинг ўғли Гнейдан мадад сўраб, уни Александрияга таклиф этади ва унга висол онларини бахшида этади. Ишқ лаззатидан сармаст бўлган Гней


лашкарини зудлик билан Александрияга киритиб, Клеопатрани ҳимоя этишга ваъда беради. Лекин иттифоқо Римда рўй берган воқеалар Клеопатранинг режаларини чиппакка чиқариб юборади.

### Цезарь ва Клеопатра

Римда содир бўлган воқеалар оқибатида Юлий Цезарь рақибларини енгиб, салтанат тепасига чиқиб олади. Энди Рим легионларини Мисрга олиб келиш масаласини ота-бола Помпейлар эмас, балки Цезарь ҳал қилар эди. У 49 йилнинг кузида Италиядан чиқиб, Шимолий Юнонистондаги жангда Помпей қўшинларини мағлуб этади. Вазиятдан усталик билан фойдаланган Потин, римликлар Мисрга бостириб келмоқда, деган мишмиш тарқатиб, тарафдорларини жипслаштириб олишга эришади. Мисрда шу тарзда бошланган фуқаролар уруши натижасида Потин таъсиридаги Ўн учинчи Птолемей опаси ва хотинини мамлакатдан бадарга қилади. Клеопатра Фаластинга қочишга мажбур бўлади.

Фуқаролар уруши Мисрда эндигина учкун олган пайтда Италияда ҳам қиргин жанг бошланиб, Римни ва муқаддас империяни энди ким бошқаради, деган масала устида баҳс қизиқ кетган эди. Юлий Цезарь қўшинлари таъқибидан қочган Помпей эҳтиётсизлик қилиб Мисрга нажот излаб келади. Аммо вазиятни идора қилаётган Потин Цезарга хушомадгўйлик юзасидан Помпейни қатл қилдириб, мумиёланган бошини унга ҳада этади.

Ғолиб саркарда Потиннинг бу хушомаддини нафақат ноўрин, балки ваҳшийлик деб топиб, Помпейнинг қотилларидан ранжигандек бўлади. Помпейнинг даҳшатли ўлиmidан сўнг бошқа бирорта душман унга нисбатан қаршилиқ курсатмаслигига амин бўлган саркарда узоқ вақт мобайнида Мисрда яшайди. У халққа хироҷ солиб, пул



тўплаб, Птолемей билан Клеопатра ўрта-сида пайдо бўлган низони бартараф эт-моқчи бўлади.

Фаластиндан бошпана топган малика эса қувғин кунларини беҳуда ўтказмай, Птоле-мей ва Потинга қарши курашиш учун кўшин тўплайди. Айни пайтда Цезарь билан хил-ватда учрашиш чораларини ахтаради. Дион Кассий “Рим тарихи” китобида мана бу қим-матли маълумотни қайд этган: у дастлаб воситачилар орқали Цезардан ўзини қабул қилишини сўради. Кейин, унинг аёллар ла-тофатига ўчлигини билиб, унга ўзи илти-мос билан мурожаат этади:

— Дўст-ёрлар менинг ишим хусусида тўғри маълумот беришлари қийин. Шунинг учун ҳам биз шахсан учрашишимиз лозим кўринади.

У гузаллик ва ёшлик жозибаси билан товланар эди. Унинг ажиб овози бўлиб, ҳамма билан бир хилда ёқимтой гаплаша олар эди. Унга қараш ҳам, унинг сўзлари-ни тинглаш ҳам ҳузурбахш эди. У хоҳла-ган кишини, ҳатто ёши ўтган ва муҳаббат майига тўйиб бўлган эркакни ҳам осон-гар-ров маҳв эта биларди.

Диктатор (*Римда жорий этилган юксак мартабали давлат лавозими — Н. К.*) билан учрашувига ижозат берилганида у шун-дай тараддуд қуриб, жуда диққат-эътибор билан либос танлайдики, натижада ҳам мав-қеига яраша иззат-икромини сақлайди, ҳам қувғинди ҳолатига ачиниш ҳиссини уйғо-тади. У Птолемей ва унинг тарафдорлари-дан яшириниб шаҳарга ва саройга ярим тунда пинҳона кириб келади. Цезарь уни кўриши ва товушини эшитиши биланоқ мафтун бўлади-қолади. У шу заҳоти, тонг отишини кутмаёқ, Птолемейга одам юбо-ради. Цезарь ука билан опани яраштириш-га уринади; куни кеча Клеопатрани ер билан битта қилган ҳакам уни ҳимоя қилиш-га тушади. Аммо навқирон йигитча жазав-га тушиб, “Мени сотдилар”, дея қичқирга-нича сарой аҳли сари югуради, бошидаги подшолик тожини ечиб, ерга улоқтириб юборади.

Ҳамма саросимада қолади. Цезарнинг одамлари подшога нисбатан куч ишлати-шади, мисрликлар орасида эса галаён бош-ланади. Улар қуруқлик ва денгиздан туриб саройга ҳужум қилдилар. Агар Цезарь сўнгги дақиқада қўрққанидан ҳужумга утган мисрликларга пешвоз чиқмаганида, эҳти-мол, уларнинг саройни эгаллаб олишлари ҳеч гап эмас эди. Зеро, римликлар узла-рини мудофаа қилиш учун етарли даража-да катта кучга эга эмас эди. Цезарь хавф-хатардан холи бир жойга чиқиб, уларнинг барча талабларини бажаражаги ҳақида ба-қариб ваъда беради.

Кейинроқ диктатор Александрия аҳли олдида сўзга чиқади. Айни пайтда марҳум шоҳ отанинг васиятини ўқиб эшиттиради-лар. Бу васиятда, Миср урф-одатига кўра, ука билан опанинг бирга яшаши ва Рим аҳлининг оталиги остида салтанатни баҳам-жиҳат бошқариши лозимлиги қайд этил-ган эди. Шундан кейин Цезарь бундай дейди:

— Мен диктатор сифатида Рим аҳли но-мидан иш кўраман. Ука билан опа падари бузургворининг хоши-иродасини бажариш — менинг бурчимдир.

Шундай қилиб, у салтанат ворислари-нинг ҳар иккаласини тахтга ўтқзади. Ун иккинчи Птолемейнинг кенжа фарзанд-лари — малика Арсиноя ва шахзода Птолемейга у Кипр оролини тақдим эта-ди. У уша лаҳзада нотинч бўлиб тургани учун Мисрга қарашли мулкдан бирортаси-ни олмайди, аксинча, Римга мансуб бўл-ган ерларни ҳам бу мулкка қушиб юборо-ди.

Юлий Цезарнинг бундай оқилона тад-бирларидан кейин Мисрда тинчлик урна-тилгандек, меросхўрлар орасидан низо ба-лоси аригандек бўлади. Аммо маккор Пот-тин мамлакатдаги вазият секин-аста Клео-патра қўлига ўтишини сезиб ва Цезарнинг жанговар қисмларига қарши етарли кучни тўплаши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиб, Миср осмонида эндигина парвоз қила бош-лаган тинчлик кабутарларини яна тўзгитиб юборади.



## Муҳаббат ришталари

Дион Кассийнинг китобида келтирилган боғи иқтибосни хийла шарҳлаш ва юқорида зикр этилган воқеаларга қайта муружат этиш лозимга ўхшайди.

Шундай қилиб, Мисрдаги вазиятни фақат Цезарь эмас, балки Потин ҳам идора этаётган эди. Диктаторнинг сўнгги қароридан огоҳ бўлган Потин Клеопатранинг Цезарь билан учрашишга халал бериш учун барча чораларни кўради: унинг одамлари Клеопатра келиши мумкин бўлган барча денгиз ва қуруқлик йулларини эгаллаб олдилар.

Клеопатра вазиятнинг бундай тус олишини аёлларга хос сезги билан олдиндан ҳис этиб, Цезарь билан учрашиш учун пухта режа тузади. У хос маҳрамларидан фақат бирини — Аполлодор Сицилияликни ёнига олиб, фақирона либос кияди ва кичик бир кемада йўлга чиқади. Кема қош қорайган маҳалда манзилга етиб келади. Потиннинг кўз-қулоқ бўлиб турган одамлари кемада фақат бир киши — Аполлодор келаётганини кўриб, унга заррача эътибор қилмайдилар. Тўшакка ўраниб, қопга яширинган ҳолда келаётган Клеопатра ҳеч кимнинг кўзига ташланмайди. Кема Цезарнинг қароргоҳи сари яқинлашиб келгач, Аполлодор қопни кўтариб саройга осонгина киради. У Цезарь қошида қопни очганида, тўшак ёзилиб, Клеопатранинг Цезарни бир умрга мафтун этган ҳолати кўринади.

Бордию Клеопатра Потиннинг қўлига тушса, шу заҳотиёқ қатл этилиши тайин эди. Бор-йўги биттагина ҳамроҳ билан хавфли сафарга чиққан маликанинг ҳаёти қил устида турганини Цезарь ҳам биларди. Шунинг учун ҳам у бир томондан, Клеопатранинг жасоратидан, иккинчи томондан, у ўйлаб топган тadbирдан хайратга тушади.

Унинг тилидан бол каби томган латинча сўзлар Цезарнинг юрагида муҳаббат оловини алангалатади. У Мисрда эшитишни хаёлига ҳам келтирмаган латинча сўзлар мафтункор аёл овози билан янада равшанроқ нур таратганидан лол қолади.

Цезарни асир эта бошлаганини сезган малика ғалабани охирига етказмай қўймайди. У қадимги ибодатхоналарда ўргатганлари севги санъатини зур маҳорат билан ишга солади. Цезарь уша дақиқадаёқ унинг домига тушиб, инон-ихтиёрини унга батамом топширади.

Севги санъати тонгга қадар давом этади. Эрталаб висол тўшагидан ҳориб турган Цезарь қошига ёш Птолемей кириб келади. Цезарь унга опаси билан ярашиш ва у билан бирга давлатни идора қилиш ҳақида буйруқ беради. Опаси ва хотинининг хиёнатю Цезарь унинг домига тушганидан газабланган Ун учинчи Птолемей саройни тарк этар экан: "Хиёнат! Хиёнат! Қўлга қурол олингиз!" дея бақиради.

Цезарь, гарчанд вазиятни юмшатиш, асаби қинидан чиққан Птолемейни тинчлантириш учун барча чораларни кўрган бўлсада, ҳокимият ўз қўлидан чиқа бошлаганини сезган Потин Цезарга қарши фитна уюштиради. Томонларнинг ярашуви шарафига берилган зиёфат пайтида бу фитнадан хабар толган Цезарь легионерларга байрам дастурхони билан безалган зални қуршаб олишни буюради. Легионерлар қилич яланғочлаб фитна қатнашчиларини ураб олади. Оғир жароҳат олган Потин мрамор полга йиқилиб ҳалок бўлади.

Аммо фитна фош этилиб, Потиннинг ҳалок бўлиши билан вазият ўзгармайди. Клеопатранинг Цезарь билан яшаётгани, Птолемейнинг давлатни ношудлик билан бошқараётганидан газабланган қўшин гулгулага мойил халқ оммаси билан бирла-





## Клеопатранинг Рим сафари

шиб, Арсинояни тахтга ўтқазди. Тарихга Александрия уруши номи билан кирган қонли юриш шу тарзда бошланади. Ушбу уруш пайтида машхур Александрия кутубхонаси ёниб кул бўлади. Цезарь кемаларини қасддан ёндириб юборади. Бутун шаҳар ўт ичида қолади. Ортга қайтиш ва чекиниш имкониятидан марҳум бўлган римликлар ўзларидан бир неча бор кўп бўлган Миср лашкари билан қахрамонона жанг қилиб, уларнинг барча ҳужумларини даф этадилар. Ўн учинчи Птолемей Нил дарёсига кемаси билан ғарқ бўлади. Музаффар римлик мағлуб бўлган Мисрни Клеопатрага ўлжа сифатида армуғон этади.

Бу тарихий воқеа эрамызгача бўлган 47 йилнинг 27 мартада рўй берган эди.

Цезарь Мисрни Рим империясининг вилоятига айлантириши мумкин эди. Мағлуб мисрликлар ҳам ундан шуни кутган эдилар. Лекин у висол майини ичган кечаларда Клеопатранинг кулоғига айтган сўзларига амал қилади. У мисрликларнинг урф-одатларига ҳурмат билдириб, тахтни ёлғиз Клеопатранинг ўзига эмас, балки унинг Ўн учинчи Птолемейдан икки ёш кичик укасига ҳам топшириб, уларни никоҳдан ўтказди.

Александрия уруши гарчанд Цезарнинг ғалабаси билан тугаган бўлса-да, у аксар тарихчиларнинг фикрига кўра, Клеопатра учун олиб борилган. Миср маликасига муҳаббат ришталари билан боғланган Цезарь саккиз ой давом этган урушдан кейин ҳам Мисрни, Клеопатрани тарк этишни хоҳламайди. У ҳатто маъшуқаси билан Нил бўйлаб Миср эҳромлари ва обидаларини зиёрат этиш баҳонасида саёҳатга чиқади. Фақат Шарқдан келган даҳшатли хабарлар ва легионерларнинг норозилиги уни ишқ савдосидан бушаб, давлат ишлари билан шугулланишга даъват этади. У маккор душманларидан асрасин дея Клеопара ихтиёрига уч легионни қолдириб, Римга жўнайди.

Орадан икки ой ўтгач, Клеопатра фарзанд куриб, унга Птолемей-Цезарион деган ном беради.

Александрияни тарк этганидан кейин Цезарь талай ғалабаларни қўлга киритади. Рим ўзининг музаффар сардорини зўр тантана билан қарши олади. Бу ғалабалардан бири Миср билан боғлиқ бўлгани учун Цезарь Клеопатрани Римга тантаналардан кейин келишга таклиф этади.

Клеопатранинг Рим сафарида расмий мақсади икки давлат ўртасидаги шартномани имзолаш эди. Шунингдек, бир яшар Цезарионни ҳам олиб келган эди. Орадан бир оз фурсат ўтганига ва шу муддат ичида Мавритания подшосининг қизи Эвноя билан дон олишиб қолганига қарамай, Цезарь Клеопатрани зўр ҳурмат билан кутиб олади. Унинг назарида, Клеопатра ҳамон беназир аёл, ишқ ва висолнинг, аёллик жозибасининг буюк тимсоли эди.

Эски ривоятларга кўра, Цезарь юлийлар авлодига мансуб бўлиб, бу шажара насл-насаби севги ва муҳаббат илоҳаси билан боғлиқ эди. Шу боис Цезарь Помпей лашкарлари билан жангга киришиш арафасида Венера Уруғ бошлиғи ибодатхонасини барпо этиш ҳақида онт ичган ва Клеопатра Римга етиб келган кунларда шу ибодатхонанинг очилиш маросимини ўтказиш режалаштирилган эди. Аммо римликлар не кўз билан кўрсинларки, янги очилган ибодатхонада Венера ҳайкали билан ёнма-ён Клеопатранинг — бегона давлат бошлиғининг ҳам олтиндан ишланган ҳайкали турарди. Цезарь бу ишнини ватандошлари ғараз ва ғазаб билан кутиб олишини билгани ҳолда азбаройи Клеопатрани илоҳийлаштиргани ва Цезарионни ўғли сифатида эътироф этмоқчи бўлганидан шу қалтис ишга журъат этган эди.

Шу воқеадан кейин икки ой ўтгач, Цезарь янги ҳарбий сафарга — Испанияга жўнайди. Цезарнинг *veni-vidi-vici* деган шиорига кўниккан Клеопатра Испания урушининг тез орада ғалаба билан тугашига ишониб, юртига қайтмайди. Аммо Цезарга



қарши бош кўтарган Помпейнинг ўғиллари 46 йил кўкламига қадар қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. Цезарь душманларини мағлубиятга учратганига қарамай, Испанияда тартиб урнатиш ишлари билан банд бўлиб, 45 йилнинг сентябридагина Римга қайтиб келади. Ташқи ва ички душманлари устидан галабага эришган Цезарь энди келажак режалари устида бош қотира бошлайди. У давлатининг худудларини Атлантика уммонидан Ҳиндистонга қадар кенгайтириш ва нафақат Шарқ, балки Ғарб устидан ҳам ҳукмронлик қилиш ниятида бўлади. Унинг назарида, республика тузуми эскирган эди. Шунинг учун ҳам у Шарқ типигади, яққаҳоқимликка асосланган давлат тузумини тиклашга қарор қилади. Унинг фикрига қура, Клеопатра бўлажак қудратли салтанат соҳибининг қонуний рафиқаси бўлиши ва тахтни ўзи билан бирга идора этиши, уларнинг фарзанди Птолемей-Цезарион эса ҳар иккисининг ҳам вориси бўлиши лозим эди.

Афтидан, Клеопатра Цезарнинг бу оламшумул режасидан аввалдан хабардор бўлган. Шу сабабдан у узоқ вақт мобайнида мамлакатига қайтиш ва муаммолари тўлиб-тошиб турган юрт ташвишлари билан шуғулланишни хаёлига ҳам келтирмаган. Цезарь хаёлини банд этган режалар эса Клеопатрадек шухратталаб малика учун айни муддао эди.

Аммо Цезарнинг Шарқ типигадиги подшолик тузуми билан боғлиқ режалари, шакшубҳасизки, Римнинг бошқа қудратли арбобларига ёқмади. Улар 44 йилнинг 15 мартада сенатнинг мажлислар залида Цезарга уч бор қилич ва ханжар санчиб ўлдирдилар. Уларни қотилликка мажбур қилган асосий сабаб унинг Клеопатра билан ишқий муносабатлари эди. Узининг кибрли ҳатти-ҳаракати билан Римдаги Ци-

церон сингари аркони давлатларнинг қаҳрига учраган Клеопатрага бундан буён Цезарнинг ватанида яшаш ўта хатарли бўлиб қолади.

### Антоний ва Клеопатра

Клеопатра Мисрга қайтиши биланоқ фуқаронинг унга нисбатан совиған меҳрини қайта илтиш учун маҳаллий илоҳаларга бўлган майлини ошқора намойиш эта бошлайди ва бу ҳол самара бергандек бўлади. Бироқ вазият кундан-кунга мураккаблашиб боради. Бунинг асосий сабаби Римда кечаётган ошқора сиёсий кураш эди. Бу курашга жалб этилган кучларнинг ҳар бири Мисрдан, аниқроғи, Клеопатрадан мадад кутар эди. Бундай мададни ололмаган саркардалар учун Клеопатра душман ҳисобланар ва улар Миср маликасига нисбатан тиш қайрар эди.

Римда бошланган кураш оқибатида Цезарнинг қотиллари мағлубиятга учраб, унинг асранди ўғли Октавиан мамлакатнинг ички ишлари билан шуғулланиш учун Италияга қайтиб келади. Марк Антоний эса Шарққа юриш бошлайди. У Кичик Осиё бўйлаб қўшин сураар экан, ҳамма ерда таъзим ва тавозе билан қарши оладилар. У Клеопатрадан ҳам ана шундай муносабатни кутиб, унга бир неча бор элчилар юборади. Қуни кеча жаҳон маликаси тожини кийишни орзу қилиб юрган Клеопатра дастлаб унинг таклифларини рад этади. Аммо фурсат келиб Антонийнинг сўнгги элчиси — Квинт Деллий исми моҳир дипломатдан чиққан маслаҳат Клеопатрага купроқ маъқул кўринди.

Ривоят қилишларича, Троя уруши вақтида Зевс қамал қилинган шаҳарни ўз ҳомийлигига олган, унинг хотини Гера эса ахейликларга ёрдам кўрсатишни виждоний бурчи деб билган экан. Шунинг учун ҳам трояликлар душманларини сиқувга ола



бошлаши билан Гера айёрлик йўлини тугибди. У Ида тоғига чиқиб, эрида лаззат туйғусини уйғотмоқчи, сунг унга уйқу юбориб, ўзи ахеяликларга ёрдамга бормоқчи бўлибди. Ювиниб-тараниб, бутун баданига мушк-анбар сурибди, кейин ажойиб бир кўйлак кийиб, қулоқларига тилла зирак тақиб, сочлари устидан түр рўмол ташлабди. Бу билангина кифояланиб қолмай, Афродитанинг гаройиб бир санъат билан тўқилган белбоғини сўраб олибди. У оддий белбоғ эмас экан, унинг қатимлари илоҳанинг барча жодулари — севги, ҳирс, ширинсуханлик ва бошқаларни ўзида муҳассам қилган экан. Ва бу жодулар қаршида энг оқил ва зариф кишилар ҳам эс-ҳушини йўқотиб қўяр экан.

Квинт Деллий Клеопатрага ана шу Герадан ибрат олиш ва Миср сари ошиққан «Зевс»ни ўз жодулари билан сеҳрлашни маслаҳат беради. Бу маслаҳат ҳар қандай романтик хаёлларга ҳам жонли ҳаёт нафасини пуркаб юборувчи Клеопатрага манзур бўлмай қолмайди. У Марк Антоний билан учрашувга тараддуд кўрар экан, унинг барча ишқий саргузаштларини ўрганиб чиқади. Бир неча бор уйланган ва аёллар туфайли талайгина жанжалли воқеаларни бошдан кечирган Антонийни қандай кутиб олиш ва уни қармоғига қандай илинтириш режаси Клеопатрада бир зумда пайдо бўлади.

У Квинт Деллийнинг маслаҳати билан Антонийни қарши олиш учун Тарс шаҳрига бурун тарафи тилла билан товланган, елканлари эса алвон матодан ишланган кемада йўл олади. Кумуш рангли эшаклар сибизгалар ва кифаралар таратган мусиқага ҳамоҳанг ҳолда сувга урилар эди. Афродита либосини кийган малика тилларанг чодир ичида ўтирар, унинг ҳар икки томонида эса улкан рангин елпиғичлар билан уни елпиб кетаётган болалар севги ва муҳаббат маъбудасининг мулозимлари орасидаги эротларни эслатар эди. Кема саҳнида рақс тушаётган гўзал хонимчалар антик давр мифларидаги турли-туман парилар кийимини кийиб, Афродитанинг хоҳиш-иродасини бажарар эди.

Кема Тарс шаҳрига яқинлашиши билан унинг шов-шуви чор тарафни тутиб, шаҳар аҳолиси дарё қирғоқлари сари отилади, ҳатто бозор-ўчарлар ҳам бўм-бўш бўлиб қолади. Антоний Клеопатранинг бундай дабдаба билан келишини кутмаган эди. Клеопатра эса, худди денгиз тўлқинларидан чиқиб келган Афродита сингари, ўзининг тантанавор қиёфаси ва кемаси билан Антонийни — Шарқ истилочисини ларзга келтиради.

Бу гаройиб воқеа тафсилотини тарих саҳифаларига нақш этган муаррих яна қуйидагиларни ёзади: Антоний бозор майдонидаги тепаликда якка ўзи қолади. Шаҳар аҳолиси Афродита сузиб келаётган кемага кўриш учун қирғоқ сари талпинади. Ҳаммаёқда «Афродита Осиёнинг бахт-саодати учун Дионис сари бормоқда» деган овозлар тарқалади. Антоний Клеопатрани зийфатга таклиф этади. Клеопатра эса, аксинча, унинг ўзи кемага ташриф буюришини сўрайди.

Антоний кемага миниб, кўз ўнгида намён бўлган манзарадан лол қолади. Ҳаммасидан ҳам уни машъалаларнинг қуплиги ва уларнинг нуридан ҳосил бўлган шамалоқ (шуълалар рақси) ром этади.


Муаррих давом этиб ёзади: «Ҳамма идиш-товоқлар олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган эди. Зал деворлари тилла ва алвон иплар билан тўқилган гиламларга тўлган. Малика базм қўриши учун ун икки катни тайёрлашни буюради ва Антонийни дўстлари билан бу катларга ўтиришга таклиф этади. Бундай гаройиботни кўрган Антоний хайратга тушганидан таққа тўхтаб қолади. Малика бўлса, кулиб туриб, бундай дейди:

— Бу ерда нимаики бўлса, ҳаммаси сеники!

Малика шу куннинг эртасига уни яна дўстлари ва лашкарбошилари билан кемага таклиф қилади. Бу кунги қабул маросимининг олдида кечаги дабдаба хира тортган эди. Малика яна ҳамма нарсани меҳмонга ҳадя этади. У яна ҳар бир лашкарбошидан дастурхонидаги энг яхши идиш-товоқни ва

Naim KARIMOV

Kлеопатра



базм курган катларни олиб кетишни сўрайди. Римнинг манман деган кишилари зални тарк этганида ҳар бирининг ёнида замбил тутган юк ташувчилар пайдо бўлади. Антонийнинг баъзи бир дўстлари эса совғага кумуш эгар-жабдуқли отлар оладилар...”

Шундай қилиб, Клеопатрага ҳарбий ва моддий мадад кўрсатмагани учун сабоқ беришга келган Антоний унинг асирига айланади. У Клеопатранинг хоши-истакларини бажаришга киришиб, Артемида ибодатхонасида яшаётган синглиз Архинояни қатл этади, ўғли Цезарни Миср тахтининг вориси деб эълон қилади. Клеопатра билан Александрияга бориб, бахт ва муҳаббат майини беармон симиради.

### Қуёш билан Ой


Шоҳона ҳашамат, гўзал аёл назокати ва умуман, афсонавий Цезарнинг мумтоз маъшуқаси билан мулоқот Антонийни довдиратиб кўяди. Клеопатра билан дўстлик ва иттифоқда яшашнинг бошқа жозибали жиҳатлари ҳам оз эмас эди. Антоний уруш-жанжалсиз Мисрдек бой мамлакатнинг моддий захиралари ва сармояларидан истаганича фойдаланиши мумкин эди. Клеопатранинг дабдабали зиёфатлари эса мамлакат хазинасининг тубсиз-адоқсиз эканидан далолат берарди.

Ҳуш, нима учун Клеопатрадек оқила, шухратталаб, зийнатталаб ва тахтталаб малика Антоний ва унинг лашкарбошилари фойдасига мамлакат хазинасини шу қадар сахийлик билан елга совурди? Хазинани совурибгина қолмай, ҳали Цезардан олган бўсаларининг тафти кетмасдан гул яноқларини бошқа бир римликка ҳада этди? Умуман, унинг учун тахтми ё аёллик — қай бири қимматли эди?

Клеопатра севги ва айш-ишрат учун туғилган малика эди. У қадимги дунё ахлоқи

асосида тарбияланган ва бу ахлоқ (ахлоқсизлик — таҳририят) Марказий Осиёда асрлар мобайнида шаклланган одоб қоидаларидан кескин фарқ қилган. Римда ҳам, Мисрда ҳам аёлларнинг бир неча эрга тегиб-чиқиши ёки жуфти ҳалоли бўлгани ҳолда бошқа эркакларнинг оний ҳирсларини қаноатлантириши айб ҳисобланмаган. Шу маънода Клеопатра учун аввало тахт, ҳокимият қимматли эди. У ана шу тахтни, ҳокимиятни сақлаш ё мустаҳкамлаш учун ўзининг аёллик латофати ва ор-номусини ҳам гаровга қўйишга тайёр эди. У ўзини дастлаб Цезарга, сунгра Антонийга бағишлаганида, аввало, мамлакатининг мустақиллигини сақлаб қолиш, отамерос давлатнинг парчаланиб кетиши ё Рим империясининг хилват гушаларидан бири бўлиб қолишига йўл қўймасликни уйлайди. Ва ана шу олиғ мақсадни амалга оширишда аёллик латофати ва макридан қурол сифатида фойдаланди. У даставвал Цезарни, кейин эса Антонийни севги домига туширишидан уларнинг шунчаки маъшуқаси ёки ўйнашига айланиб қолишни мақсад қилиб олмаган эди, балки қонуний хотинлари мақомига кириб, улар билан биргаликда қудратли салтанатни идора этиш ва улардан туғилган фарзандлари отамерос шахзодалар бўлишини кўзлаган эди.

Клеопатра Антоний ва унинг лашкарбошилари қаршида бойликларини сочибгина қолмай, балки улар ёрдамида мамлакат хазинасини тўлдириш “илм”ини ҳам яхши билган. Клеопатрага замондош бўлган иудей ёзувчиси Иосиф Флавий Миср маликасининг Иерусалимда бўлишига оид битикларида у қаерда пулга муҳтож бўлса, ўша ерда ибодатхоналар ва мақбараларни талагани, унинг дастидан на меҳроблар, на бошқа муқаддас жойлар қолганини айтган. Демак, у ўзидан қудратли саркардаларга мамлакат бойлик-



ларини эҳсон этар экан, сўнг улар кўмагида хазинани тўлдириб ҳам борган.

Хуллас, Клеопатранинг севги жодуларига асир бўлган Антонийни на хотини Фулвиянинг тақдири, на Римда рўй бераётган воқеалар ташвишлантиради. Ҳолбуки, Цезарнинг асранди фарзанди Октавиан аста-секин унинг кушандасига айланиб бораётган, парфияликлар эса Римнинг шарқий вилоятларига таҳдид солаётган эди. У шундай кўнгилсиз хабарларни эшитганидан кейингина муҳаббат тўшагини тарк этиб, Италия сари йўлга тушади. Орадан бир неча ой ўтгач, 40 йили Клеопатра эгизак фарзанд кўради. Уларнинг отаси эса Октавиан билан бир битимга келиб, Италиянинг шарқий вилоятларини эгаллайди. Яна шу битимга кўра, у Октавианнинг синглиси Октавияга уйланади. Ва тўрт йил мобайнида Клеопатрадан олисда яшайди. Октавия ана шу муддат ичида Антоний энди мисрлик маъшуқасини унутди деб ширин хаёлларга берилади.

Аммо Антонийнинг Клеопатрани унутиши, унинг базми жамшидлари, кўнғироқдек овози, эркалашлари ва фақат унга хос ишрат санъатини қўсмамаслиги мумкин эмас эди. Чунончи, мана бу каби воқеани унутиб бўладими?

Кунларнинг бирида Антоний Клеопатра уюштирган базмлардан бири ҳақида: “Бошқа бирорта базм бунга тенг кела олмайди”, дея ҳайратини ифода этади. Клеопатра эса унга эътироз билдириб, дейди:

— Шу ҳам зиёфат бўлди! Мен сен билан гаров уйнашга тайёрман, азизим, эртага шундай базм бераманки, у ўн миллион сестирцийга арзийдиган бўлади!

Антоний гаров уйнашга рози бўлади. Эртасига берилган базм чиндан ҳам дабдабали эди. Аммо унинг аввалги кундагисидан фарқини кўрмаган саркарда бундай дейди:

— Шароб тангриси билан қасам ичаманки, бу ерда ўн миллион сестирцийнинг ҳиди ҳам сезилмайди!

— Биламан, — дея эътироф этади Клеопатра. — Аммо дастурхондаги бор нарсалар ҳали хамир учидан патир. Менинг бир


ўзим ўн миллион сестирцийни ичиб қўйшим мумкин.

У шу сўзлардан кейин сўл қулоғидаги каттагина гавҳар зиракни олиб, сирка солинган олтин жомга ташлайди. Гавҳар эриганидан кейин эса жомни аста-секин ичиб бўшатади. Шундан кейин у ўнг қулоғидаги зиракни ҳам олмоқчи бўлганида гаров қозиси Клеопатрани голиб деб эълон қилади.

Октавия билан бир маромда сокин турмуш кечирар экан, Антоний Клеопатра оғушида кечган дақиқаларини худди тушда кўрган каби эслаб юради. “Клеопатрага муҳаббат, — деб ёзади Плутарх, — кўп вақт мудраган ва ниҳоят, соғлом ақл туфайли ухлагандек бўлиб туюлган даҳшатли бир офат эдиким, Антоний Сурияга яқинлашгани сайин яна учқун бериб, тобора оловлана бошлайди. У шу ерда — Сурияда туриб Клеопатрага одам жўнатади. У келиши биланоқ Антоний унга Финикия, Келесирия ва Кипрни, Кликиянинг каттагина қисмини, Иудеянинг малҳам берувчи вилояти ва Набетей Арабистоннинг ярмини ҳада этиб юборади. У Клеопатра дунёга келтирган эгизаклар — Александр билан Клеопатрани ўз фарзандлари сифатида ошкора эътироф этади”.

Антонийнинг Клеопатра билан Мисрда эмас, Сурияда учрашмоқчи бўлганининг боиси Октавиянинг кўнглига озор бермаслик эди. Буни пайқаган Клеопатра Сурияга Антонийдан туғилган гўдакларни ҳам олиб бориб, уни қайта мафтун этишга эришади. Антоний Клеопатранинг эгизакларини қўлига олиб баланд кўтаради. Рим удумларига кўра, бу ҳол унинг эгизакларни расмий тан олишини англатар эди. Худди шу кун улар ўгилни Александр Гелиос, яъни Қуёш, қизини эса Клеопатра Селина, яъни Ой деб атадилар.

Клеопатрадан туғилган фарзандларини ота сифатида эътироф этган Антонийнинг энди бу фарзандларнинг онаси — Миср маликасини қонуний хотини деб эълон қилмаслиги ғайритабиий эди ва у шу тариқа Клеопатрани жуфти ҳалоло сифатида расман тан олди.



## Бахт қуёшининг ботиши

Антонийнинг жанговар ҳаёти, худди Цезарники сингари, иккинчи палласи томон оға бошлаган эди. Аммо буюк Цезарь жанг майдонидан сира мағлубият аламини татиб чиқмаган бўлса, Антонийнинг пешонасига мағлуб бўлиш қисмати ёзилган экан. Парфияга сафари муваффақиятсизлик билан тугагач, бир томондан Клеопатра, иккинчи томондан Октавиан унга мадад қилини чўзади. Октавианинг катта қарвон билан келаётганидан хабар топган Клеопатра минг хил найранг билан Антонийни қўлдан чиқармаслик чорасини кўради. Натижада Антоний рафиқаси билан ҳатто учрашишни ҳам истамайди.

34 йилнинг бошларида Антоний бундан икки йил муқаддам дакки егани Арманистон подшосини ҳийла билан қўлга тушириб, унга тегишли музофотни ўз тасарруфига олади. Ўша йилнинг кузида катта тантана билан Мисрга қайтиб, Рим аънаналари руҳида зўр маросим ўтказади. У йигилганлар олдида сўзга чиқиб, Клеопатрани маликалар маликаси деб эълон қилади. Унинг хоҳишига кўра, Клеопатра Птолемей-Цезарион билан биргаликда Миср ва Кипрни; Александр Гелиос Арманистон, Мидия ва Парфияни; Птолемей Филадельф Сурия ва Клеопатра Селена эса Киренаику ва Ливияни идора этадиган бўлади.

Аммо бу тантанали маросим Клеопатра ва Антоний ҳаётининг сўнгги нурли саҳифаси эди. Клеопатра ўзини Изидга илоҳасига тенглаган ва Антоний билан бирга турли ҳайкалларда тасвир этилишига, ҳатто давлат тангаларида қиёфаси бўлишига эришган бўлса-да, унинг юлдузи зулмат кўйнига чўма бошлаган эди. Антоний ва Клеопатра учун бахт ва омад офтобининг сўнишига сабаб Римда Октавиан юлдузининг найзага чиқиши бўлади.


Антоний билан Октавиан ўртасидаги жанг, ҳар иккала томон орқага суриб келганига қарамай, 32 йилнинг кузида бошланади. Эллик ёшга кирган саркарда бўлажак жангда мағлубиятга учрашини сезади. У ҳатто Клеопатранинг фақат ғалабалардан башорат этувчи мунажжимларига ҳам ишонмайди.

31 йил 2 сентябрда бўлиб ўтган жангда Антонийга қарашли флот тор-мор этилади. Антоний билан Клеопатра омон қолган кемалар билан бирга Александрияга етиб келадилар. Октавиан чекинаётган саркардага сўнгги қақшатқич зарбани беришга шошилмайди. Такдирга тан берган Антоний билан Клеопатра эса яна базм ва ишратга берилди. Бунинг сабаби Антоний Октавианга қарши етарли кучга эга эмаслигини билганида эди. Клеопатра ҳам буни тушунган. Бундан ташқари, у агар Октавиан Миср тупроғига жанг билан киргудек бўлса, мамлакат вайронага айланиши ва унинг фарзандлари келажакда подшоҳлик ҳуқуқидан маҳрум бўлажagini билган. Шунинг учун ҳам у Антонийни Октавианга қарши сўнгги томчи қони қолгунча курашишга рағбатлантирмаган. 30 йилнинг 1 августида Октавиан Александрияга етиб келади ва шаҳарга таҳдид сола бошлайди. Мағлуб саркарда саройга қайтиб келганида чўриларидан бири, малика ўзи учун қурилган мақбарага яшириниб олди ва ўша ерда ўзини ўзи ўлдирди, дейди. Антоний бу мудҳиш хабарни эшитгач, садоқатли кули Эросдан қилич санчиб ўлдиришини сўрайди. Аммо Эрос ҳўжасига эмас, балки ўзига қилич қадайд.

— Сен бу ишни қандай қилиш лозимлиги ҳақида яхши сабоқ бердинг! — дейди Антоний ва ўзига қилич санчади. Аммо қорнидан қон шарқираб оқса-да, жони узилмай қолади. Шу пайт Клеопатранинг котиби Диамед маликанинг тирик эканидан хабар беради. Қўллари Антонийни арқонга

Naim KARIMOV

Kлеопатра



боглаб малика яширинган мақбара деразасидан юқорига — Клеопатранинг хузурига чиқариб юборадилар.

Клеопатра жароҳатланган саркардани тўшакка ётқизиб ярасини боғлар экан, зорзор йиглайди. Антоний эса у билан энг саодатли кунларни кечирганини айтиб, голиб римликдан енгилган римликка хос муносиб ўлим топганига шукроналар айтади.

Антонийнинг жони узилиши билан дастлаб Октавианнинг элчилари, сўнгра унинг ўзи етиб келиб, Клеопатрага шикаст етказмасликка ваъда беради. Бир неча кундан кейин Антонийни катта иззат-ҳурмат билан дафн этадилар. Орадан кўп вақт ўтмай, Клеопатрага римлик мухлислардан бири уни яқин кунларда фарзандлари билан бирга Римга олиб боражакларини маълум қилади. Голиб Октавиан, Римда жорий этилган одатга кўра, ғалаба шарафига ўтказилажак тантаналар пайтида Клеопатра ва унинг фарзандларини Рим кўчалари бўйлаб занжирбанд ҳолда сазойи қилдирмоқчи эди. Бундан хабар топган малика Антоний тириклигидаёқ режалаштирган қарорини бажаришга зудлик билан киришади. Малика ўша куни субҳидамда туриб, Октавианнинг ижозати билан Антонийнинг қабрини зиёрат этади. Сўнг мраммар ҳовузчага сув тўлдириб, ширин таом тайёрлашларини буюради. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, сарой дарвозасидан сават кутарган бир дехқон бош суқиб қарайди. Соқчилар унинг анжир олиб келаётганини кўриб, малика хузурига ўтказиб юборадилар.

Клеопатра нонуштадан кейин хат ёзиб, уни Октавианга беришларини сўрайди. Сўнг икки чўрисидан бошқа барча хизматчиларга жавоб беради. Октавиан хатни олиши биланоқ, навкарларига Клеопатранинг хобгоҳига зудлик билан боришни буюради. Улар етиб келганида хобгоҳнинг эшиги тақа-тақ беркилган эди. Навкарлар эшикни бузиб кирадилар. Уларнинг қаршисида даҳшатли манзара намён бўлади: Клеопатра шоҳона либосда бир оз наридаги олтин суви юритилган катда жонсиз

ётарди. Чурилардан бири — Ирада эса бекасининг оёқлари остида — ерда чўзилиб ётар, бошқаси — Хармеон эса, қандайдир сархуш бир ҳолатда маликанинг бошидаги шоҳона каллапўшни тузатар эди.

Шу пайт навкарлардан бири:

— Шу ишинг яхшими, Хармеон? — деб қичқиради.

Хармеон ўлим оғушига кирар экан, бутун хаёли маликанинг бош кийимида бўлгани учун бундай дейди:

— Ҳа, шуниси яхши, ахир у не-не подшоларнинг меросхўри эди!

У шу сўзларни айтиши билан ерга ағнаб тушади ва Клеопатранинг ўлими сирларини ўзи билан олиб кетади.


Клеопатранинг сўл елкасида илон чаққанга ўхшаш иккита яра изини топадилар. Кимдир сўнги кунларда унинг буйруғи билан махсус илонхона ташкил этилиб, уларнинг заҳарлаш кучи асирларда синаб кўрилганини айтади.

Клеопатра илон заҳридан ўлишни орзу қилган эди. Унинг назарида, бу — ҳам азобсиз, ҳам подшоларга хос ўлим бўлган. Бежиз эмаски, асрлар мобайнида фиръавнлар тожини илон тасвири безаб келган. Зеро, илон подшолик тимсоли эди. Қолаверса, қадимги Мисрда илон заҳри кишига абадият бағишлаб, уни худоларга яқинлаштиради деган тасаввур ҳам бўлган.

Клеопатрани, васиятига кура, Антонийнинг қабри ёнига кўмадилар. Дафн маросими Мисрни уч юз йил давомида идора қилган буюк сулоланинг сўнги вакиласига муносиб бўлади.

Эрамизгача бўлган даврнинг 69-30 йилларида яшаган Миср маликаси куплаб шоир ва ёзувчиларга илҳом бахш этиб, шоҳ асарлар яратилишига сабаб бўлди. Бундай анъанага ўзбек ёзувчилари ҳам ҳурмат билан қараганлар. Чунончи, Абдулҳамид Чўлпон 20-йиллардаёқ Миср маликасига бағишлаб бир мансура ва бир шеър ёзган.

Икки минг йилдан буён дунё халқлари хотирасида яшаб келаётган бу аёл сиймоси келажақда яна кўпдан-кўп бадий асарларга асос бўлиши шубҳасиз.



# ИҚРОРНОМА

Озод ОБИД таржимаси

*(Босилмаган асарга муқаддима)*

## IX

Ғалати зиддият. Ундан кутулишнинг фақат икки йўли бор: ё мен ақлга мувофиқ деб билган, оқилона нарса деб ҳисоблаганим мен ўйлаганча оқилона эмас, ё худ менга ноақлий бўлиб туюлган, ғайришуурий деб ҳисобланган нарса менга туюлган даражада ноақлий эмас. Шундан кейин мен оқилона билимим мулоҳазаларининг мантиқини текшира бошладим.

Оқилона билимим мулоҳазаларининг мантиқини текширар эканман, улар менга мутлақо тўғри бўлиб кўринди. Ҳаёт ҳеч нарса экани тўғрисидаги хулоса муқаррар эди, бироқ мен шу ўринда бир хатони кўрдим. Хато шунда эдики, менинг фикрлашим ўзим кўйган масалага мувофиқ эмас эди. Масала бундай эди: мен яшаб нима қиламан? Яъни менинг ўткинчи, бебақо, маҳв этилажак ҳаётимдан қандай чин нарса чиқади? Бу чексиз дунёда менинг чекланган ҳаётимдан қандай маъно чиқади? Бу саволларга жавоб бериш мақсадида мен ҳаётни ўргандим.

Кўйилиши мумкин бўлган ҳаёт масалаларининг барини ҳал қилсам-да, мени қаноатлантирмаслиги мумкин эди, чунки менинг саволим бошда қанчалик жўн

кўринмасин, чекланган нарсани чексиз нарса билан ва аксинча изоҳлаб бериш талабини ўз ичига олар эди.

“Ҳаётимнинг ғайризамоний, ғайри-сабабий ва ғайрифазовий қиммати қандай?” деб сўрардим мен. Ва шундай саволга жавоб ахтарардим: ҳаётимнинг замоний, сабабий ва фазовий қиммати қандай? Оқибат шу бўлдики, ақлимни ҳўп ишлатиб узоқ вақт бош қотирганимдан кейин “ҳеч қандай” деб жавоб бердим.

Яна шуни англадимки, дин томонидан бериладиган жавоблар ҳар қанча ақлга номувофиқ ва бедаво бўлмасин, бир афзалликка эга: уларда ҳар бир жавобга чекланган нарсанинг чексиз нарсага муносабати киритилган. Ахир, бусиз жавобнинг бўлиши мумкин эмас-да! Мен “Қандай яшамоғим керак?” деган саволни кўйишим билан “Худонинг қонунларига амал қилиб” деган жавобни оламан. “Менинг ҳаётимдан қандай бир чинакам нарса келиб чиқади?” деган сўроққа “Мангу азоб-укубат ёки мангу роҳат-фароғат” деган жавоб оламан. “Ҳаётимда ўлим маҳв этолмайдиган қандай маъно бор?” Жавоб: “Ҳақнинг жамолига эришиш, чексиз Худого кўшилиш, жаннат”...

*Охири. Бошланиши утган сонда.*



Оқилона билим мени ҳаётнинг маъносизлигини тан олишга олиб келди. Ҳаётим тўхтаб қолди ва ўзимни йўқ қилиш пайига тушдим. Теварак-атрофимдаги одамларга, бутун инсониятга ўгирилиб қараб кўрдимки, одамлар яшаш ва ҳаётнинг маъносини биламиз, демоқдалар. Ўзимга ўгирилиб қарайим: мен ҳаёт маъносини билганим даражада яшаган эканман. Бошқа одамлар қатори менга ҳам ҳаётнинг маъносини ва яшаш имконини берган нарса иймон экан.

Ундан нарига ўгирилиб, бошқа мамлакатларнинг менга замондош ва ўтиб кетган одамларига назар солиб ҳам яна ўша аҳволнинг ўзини кўрдим. Қаердаки ҳаёт мавжуд бўлса, ўша жойда инсоният пайдо бўлгандан бери унга яшаш имконини берадиган иймон бор. Ва иймоннинг асосий белгилари ҳамма жойда ва ҳаммиша бир хил.

Ҳар қандай иймон кимга бўлмасин ва қандай бўлмасин жавоб берган бўлса, иймоннинг ҳар қандай жавоби инсоннинг чекланган ҳаётига чекланмаган нарсанинг маъносини бахш этади ва бу маънони азоб-укубатлар, муҳтожлик, ўлим маҳв этолмайди. Бинобарин, фақат иймондагина ҳаётнинг маъносини ва яшаш имкониятини топиш мумкин. Шунда англадимки, сўзнинг энг муҳим маъносиди олиб қарасак, иймон “кўз илғамас буюмларни” ва ҳоказоларни фош қилишгина эмас, кароматгина эмас (бу иймоннинг сифатларидан бирининг тавсифи, холос), Инсоннинг Худога муносабатигина эмас (Худо орқали иймонни белгилаш керак эмас, аввал иймонни белгилаб олиб, сўнгра Худони белгилаш лозим), иймонни мана бундай тушун, деб одамга айтилган гапларга қўшилишгина эмас, балки иймон — инсон ҳаётининг маъносини билишдир; шу билим боис инсон ўз-ўзини маҳв этмайди, балки яшайди. Иймон — ҳаётнинг қудратидир. Инсон яшар экан, у бирор нарсага ишонади, иймон келтиради. Агар у нима учундир яшамоқ керак, деб бирон нарсага ишонмаса, иймон келтирмаса, бу ҳолда у яшамас эди. Агар у чекланган нарсани кўрмаса ва унинг ҳаёлий бир нарса эканини англамаса, у ана шу чекланган нарсага ишонарди; агар у чекланган нарсанинг ҳаёлий эканини англаса, у ҳолда шу чексиз нарсага

ишонмоқ керак. Иймонсиз яшаш бўлмайди.

Шунда мен дилимдан кечганларнинг ҳаммасини эслаб даҳшатга тушдим. Энди менга бир нарса аён эди — инсон яшай олмоғи учун у ё чексиз нарсани кўрмоғи керак ёки ҳаёт маъносини шундай тушунмоғи керакки, бунинг натижасида чекланган нарса чексиз нарсага тенг деб ҳисобланмоғи шарт. Онгимда шундай тушунча бор эди, бироқ мен чекланган нарсага ишонар эканман, унинг менга кераги йўқ эди. Шунда уни ақл тарозисиди текшира бошладим. Ақл тарозисига солиб кўришим билан аввалги изоҳларимнинг ҳаммаси тирқираб кетди. Аммо фурсати етиб, мен чекланган нарсага ишонмай қўйдим. Шунда мен оқилона асосларга таяниб, билганларимдан шундай изоҳ туза бошладимки, бу изоҳ ҳаётнинг маъносини уқтирмоғи керак эди. Аммо ҳеч нарсани тузиб бўлмади...

Мен нимадан ўзи? Чексиз нарсанинг бир қисмидан. Масаланинг бутун моҳияти ана шу икки сўзда ифодаланган. Наҳотки фақат кечаги кундан бошлабгина инсоният бу масалани ўз олдига кўндаланг қўйган бўлса? Наҳотки менга қадар ҳеч ким ана шу жўн саволни, ҳар бир ақлли болакай тилининг учиди турадиган шу саволни ўзига ўзи бермаган бўлса?

Ахир бу масала одамзод бино бўлган замонлардаёқ қўйилган, одамлар бино бўлган замонларданок англашилганки, бу масалани ҳал қилмоқ учун чекланган нарсани чекланган нарсага ва чексиз нарсани чексизга тенглаштирмоқ бирдай кифоя эмас ва одамлар бино бўлган замонлардаёқ чекланган нарса билан чексиз нарсанинг муносабатлари топилган ва ифодаланган.

Чекланган нарса чексиз нарсага тенглаштирилган ва бунинг оқибатида ҳаётнинг маъноси келиб чиқадиган тушунчаларни, Худо, эркинлик, яхшилик тушунчаларини биз мантиқан тадқиқ қиламиз. Унда бу тушунчалар ақл танқидига дош беролмайди. Биласизми, бу нимага ўхшайди? Биз бола каби ҳаддан ташқари ўзимизга ўзимиз мағрур бўлиб, ўзимиздан-ўзимиз мамнун бўлиб, соатни оламиз-да, бутун ичак-чавағини ағдариб кўрамиз, қўғирчоқдек уни хўп ўйнаймиз, кейин эса соат юрмай қолганидан роса ҳайратга тушамиз. Бу аҳвол жуда

дахшатли бўлмаганида ҳаддан зиёд кулгили бўларди.

Чекланган нарса билан чексиз нарса ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш ва ҳаёт саволига яшашга имкон берадиган жавобни топиш керак. Бу жуда қимматга тушади. Масаланинг ягона ечими бор. Бу ечим ҳамма вақт, ҳамма жойда ва ҳамма халқларда бўлган. Бу ечим замонлар қаъридан келиб чиқади, у шу қадар қийин ечимки, биз ўзимиз сира ҳам бундай ечимга кела олмаемиз. Ана шу ечимни ўзимиз кунпаякун қилаемиз, бундан мақсад ўша ҳаммага хос ва биз учун жавобсиз саволни яна қўйишдир.

Чексиз Худо тушунчаси, руҳнинг илоҳийлиги, одамзод қилмишларининг Худога боғлиқлиги, яхшилик ва ёмонлик, маънавият тушунчалари — инсоният ҳаётининг кўзларимиздан пинҳон олис қаърида ишлаб чиқилган тушунчалардир. Бу тушунчаларсиз ҳаётнинг бўлиши ҳам, менинг ўзимнинг бўлишим ҳам мумкин эмас. Мен бўлсам бутун инсоният бажарган бу ишни итқитиб ташлаб, ҳаммасини бошқатдан, ўз билганимча қилмоқчи бўлиб юрибман.

У пайтларда мен ҳали бундай деб ўйламас эдим, аммо бу фикрлар миямда уч бера бошлаган эди. Мен, биринчидан, шуни тушунардимки, ҳар қанча донолигимизга қарамай, биз Шопенгауэр ва Сулаймон пайгамбар учовимиз гоътада бемаъни аҳволга тушиб қолганмиз: биз ҳаётнинг ёвуз нарса эканини билаемиз, билаемиз-у, яшашда давом этаверамиз. Бу учига чиққан бемаънилик эмасми? Мен жамики оқилона нарсани ҳаддан зиёд яхши кўраман, бинобарин, ҳаёт бемаъни бўлса, уни маҳв этиш керак. Ўшанда уни инкор этадиган одам қолмайди. Иккинчидан, мен шуни тушунардимки, бизнинг ҳамма мулоҳазаларимиз беҳуда айланаётган гилдирақдай боши берк кўчага кириб қолган. Биз ҳар қанча яхши мулоҳаза юритмайлик, масалага жавоб ололмаймиз... Учунчидан, шуни тушуна бошладимки, иймон томонидан бериладиган жавобларда инсониятнинг жуда теран донолиги мавжуд, ақл асосида уларни инкор этишга мен ҳақли эмасман. Энг муҳими эса, фақат шулардагина ҳаёт саволларига жавоб мавжуд.

## X

Мен буни тушунардим, лекин бундан асло енгиллик топмадим.

Мен энди ҳар қандай иймонни қабул қилишга тайёр эдим, фақат у мендан ақлни бевосита инкор этишни талаб қилмаса, бас. Негаки, бундай қилинса, ёлгон бўларди. Шу тарзда мен китоблардан буддизмни ҳам, исломни ҳам ўргандим, ҳаммадан кўра кўпроқ ҳам китоблардан, ҳам атрофимни қуршаб олган одамларнинг ҳаётидан христианликни ўргандим.

Табийки, мен аввало ўз даврамга мансуб художўй одамларга, олим одамларга, православ диншуносларга, қари монахларга, янги йўналишдаги православ диншуносларга ва ҳатто тавбатазарру билан гуноҳлардан покланишни тарғиб қилувчи янги христиан деб аталмиш тоифадаги художўйларга мурожаат қилдим. Мен уларнинг этакларидан маҳкам ушлаб олиб, иймонлари қандай эканини, ҳаётнинг маъносини нимада кўришларини суриштирдим.

Тури-туман масалаларда уларга имкони борича ён берганимга, ҳар хил баҳсу мунозаралардан ўзимни тийганимга қарамасдан, мен бу одамларнинг иймонларини қабул қилолмас эдим, чунки кўриб турардимки, улар иймон деб атаётган нарса ҳаётнинг маъносини ойдинлаштирмас, аксинча хиралаштирар эди. Уларнинг иймонлари мустаҳкам бўлса-да, буни мени иймонга олиб келган ўша ҳаёт саволига жавоб бериш учун эмас, балки аллақандай бошқа, менга бегона мақсадлар йўлида қилишган эди.

Бу одамлар билан мулоқотга кираркан, қалбимда неча мартала умид чўғлари учкунланди. Шу умид чўғларидан кейин яна аввалги тушкунлик, иложсизлик ҳолатига қайтиш мен учун жуда ҳам изтиробли бўлди. Улар менга ўз диний эътиқодларини қанча кўпроқ ва батафсилроқ баён қилиб берсалар, мен уларнинг хатоларини шунча равшанроқ кўрар ва уларнинг иймонларида ҳаёт маъносининг изоҳини топаман деган умидларим чиппакка чиқаётганини ҳис қилардим.

Менинг ҳафсаламни пир қилган нарса бу одамларнинг ўз диний эътиқодларини баён қилиб беришаётганида мен учун

хамиша яқин бўлган христиан ҳақиқатларига жуда кераксиз ва ноақлий нарсаларни кўшиб юборганлари бўлмади, йўқ, хафсаламни пир қилган нарса бу эмас, мени бездирган нарса шу бўлдики, бу одамларнинг ҳаёти ҳам худди меникига ўхшаш эди. Фақат фарқи шундаки, уларнинг ҳаёти ўзлари диний эътиқодларини баён қилиб айтган қоидаларга мос келмасди. Мен шуни аниқ ҳис қилдимки, улар ўзларини ўзлари алдашяпти ва улар ҳам ўша мен билган ҳаёт маъносидан бошқа маънони билишмайди, яъни умринг ўтаётган экан, яшайвер, ҳаёт неъматларидан имконинг етганча истифода қилавер. Мен буни шунга қараб англадимки, агарда улар азоб-уқубатлар, муҳтожликлар ва ўлимдан кўрқишни маҳв этадиган маънони билганларида, булардан кўрқмаган бўлардилар. Ҳолбуки, улар, яъни менинг даврамга мансуб бўлган бу художўйлар худди менга ўхшаб тўқ ва фаровон турмуш кечиришар, шу фаровонликни кўпайтириш ва сақлаб қолиш ғамини ейишар, муҳтожликдан, изтироблардан, ўлимдан кўрқишар ҳамда динга ишонмайдиган бизларга ўхшаб энг ярамас нафсларининг райига кириб ҳаёт кечирадилар, биз — динга ишонмайдиганлардан кўра, улар кўпроқ гуноҳ ботқоғига ботиб кетган эдилар.

Ҳеч қандай мулоҳазалар мени уларнинг иймони чин эканига ишонтиролмасди. Мени ишонтириши мумкин бўлган биргина нарса бор эди — уларнинг хатти-ҳаракатлари шундан далолат берсаки, ҳаётнинг маъносини биладилар; бу билиш эса уларга мен учун кўрқинчли бўлган қашшоқлик, изтироб ва ўлимдан тап тортмасликка имкон беради. Бизнинг даврамизга мансуб бўлган турфа хил художўйлар орасида эса мен бундай хатти-ҳаракатни кўрмадим. Аксинча, бундай хатти-ҳаракатларни мен даврамизга мансуб бўлган динсиз одамлар орасида кўрдим, аммо даврамизга мансуб художўйлар орасида эса зинҳор-базинҳор учратмадим.

Шунда мен тушундим — бу одамларнинг иймони мен излаган иймон эмас, уларнинг иймони, умуман, иймон эмас, балки ҳаётдаги эпикурона таскинлардан бири, холос. Мен яна англадим, бу иймон балки

таскинликка ярамаса ҳам, ўлим тўшагида ётиб, жамики гуноҳлари учун тавба-тазарру қилаётган Сулаймон пайғамбарни жиндай хотиржам қилишга ярар, лекин у инсониятнинг аксарият кўпчилик қисми учун сира ярамайди, чунки бу одамларнинг зиммасида бошқаларнинг меҳнатларидан фойдаланиб кайф-сафо қилиш эмас, ҳаётни барпо этиш вазифаси ётади. Бутун инсоният ҳаётига маъно бахш этиб, тирикликни давом эттириш мақсадида яшамоғи учун, улар — ана шу миллиардлаб одамлар бошқа, чинакам иймонни билмоқликлари даркор. Ахир, иймоннинг мавжудлигига мени ишонтирган нарса — Сулаймон пайғамбар билан Шопенгауэр учовимизнинг ўзимизни ўзимиз ўлдирмаганимиз бўлгани йўқ, балки миллиардлаб одамларнинг ҳаёт кечириб келгани ва ҳамон яшаётгани, мен билан Сулаймон пайғамбарларни ўз ҳаёт тўлқинларида кўтариб келаётганлари бўлди.

Шунда мен қашшоқ, оддий, ўқимаган художўйлар билан, турли-туман дарвешлар, монахлар, мужиклар билан топиша бошладим. Халқдан чиққан бу одамлар ҳам, худди бизнинг даврага мансуб қалбаки художўйлар каби, христиан диний эътиқодига эга эдилар. Уларнинг христиан ақидаларига ҳам жуда кўп хурофот аралашган, бироқ фарқи шунда эдики, бизнинг даврамизга мансуб художўйларнинг хурофотлари уларнинг ўзига мутлақо керак эмас эди, уларнинг турмушига сира мос тушмасди, фақат ўзига хос бир ишратбозлик эрмаги эди, холос; меҳнаткаш халқдан чиққан художўйларнинг хурофотлари эса уларнинг турмуши билан шу қадар яқиндан боғланганки, бу хурофотларсиз уларнинг ҳаётини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу хурофотлар улар турмушининг зарурий шарты эди. Бизнинг даврага мансуб художўйларнинг бутун ҳаёти уларнинг иймонига бутунлай зид эди, меҳнаткаш халққа мансуб художўйларнинг бутун ҳаёти уларнинг иймони берган ҳаёт маъносини тўлиқ тасдиқлар эди. Шунда мен бу одамларнинг ҳаёти ва эътиқодларига синчиклаб қарай бошладим ва қараганим сари кўпроқ амин бўла бордимки, бу одамларнинг иймони — чин иймон, бу иймон улар учун жуда зарур ва ёлғиз шу иймонгина уларнинг ҳаётига

маъно бағишлайди ва яшаш имконини беради. Бизнинг даврамизда бейймон яшайверадиғанлар ҳам кўп, уларнинг орасида зўр-базўр мингтадан биттаси ўзини художўй деб тан олиши мумкин. Бунга қарама-қарши ўларок, уларнинг муҳитида мингтадан битта худога ишонмайдиган одам топиллиши амримаҳол. Бизнинг даврамиз одамларининг ҳаёти бекорчи эрмаклар билан ўтади ва улар яна ҳаммиша ҳаётдан норози бўлишади. Бу одамларнинг боши эса умр бўйи меҳнатдан чиқмайди ва улар бадавлат кимсаларга қараганда камроқ оҳ-воҳ қилишади. Бизнинг даврамизга мансуб одамлар муҳтожлик ва азоб-уқубатлар учун тақдирдан кўпроқ нолийдилар ва унга қаршилиқ кўрсатадилар. Бунга қарама-қарши ўларок, оддий одамлар хасталиклар ва ғам-ғуссаларни ҳеч бир норозиликсиз, қаршилиқ кўрсатмасдан, хотиржам қабул қиладилар. Улар қатъий ишонадиларки, буларнинг ҳаммаси худди шундай бўлмоғи керак, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, буларнинг бари — Худонинг буйруғи. Биз қанчалик ақлли бўлсак, ҳаётнинг маъносини шунчалик кам тушунамиз, ранжу алам ва қазои муаллақни алланечук ёвуз бир мазаҳ деб ҳисоблаймиз. Бунга қарама-қарши ўларок, оддий одамлар осойишта бир тарзда ҳаёт кечирадилар, сокинлик билан изтироблар чекадилар ва ўз қазолари сари хотиржам борадилар, ҳатто мамнуниятлари сезилиб туради.

Мен бу одамларни яхши кўриб қолдим. Мен тирик одамларнинг ҳаётига қанча кўп қириб борсам, китобларда ўқиган ва эшитганим инсонларнинг ўтиб кетган ҳаётларини қанчалик таҳлил этсам, уларни шунчалик яхши кўрдим ва яшаш ўзим учун ҳам шу қадар осон бўлиб қолди. Шу аҳволда икки йилча умр кечирдим ва қалбимда тўнтариш содир бўлди. Бу тўнтариш ҳаммиша кўнглимда эди. Рухимда шундай ўзгариш содир бўлдики, оқибатда даврамизнинг ҳаётини, бадавлат, олим одамларнинг ҳаётини жинимдан баттар ёмон кўриб қолдимгина эмас, бу ҳаёт мен учун буткул маъносини йўқотди. Бизнинг ҳамма хатти-ҳаракатларимиз, фикр юрийтишларимиз, илм, санъат — буларнинг бари менга бир эрмакдай, тантиқликдай кўриниб қолди. Англадимки, бундан маъно

излаб бўлмайди. Ҳаётни барпо қилувчи меҳнаткаш халқнинг хатти-ҳаракати эса диққатга арзийдиган ягона ҳақиқий моҳият бўлиб кўринди. Шунда англадимки, шу ҳаётга ато қилинган маъно — ҳақиқатдир. Ва мен бу ҳақиқатни қабул қилдим.

Ғалати бир манзара: одамлар диний эътиқодларига сифиниб, уларга зид тарзда ҳаёт кечирганларини кўрганимда бу эътиқодлардан безиб кетган эдим. Аммо одамлар айна шу эътиқодларининг ўзига амал қилиб яшаганларини кўрганимда улар менга ғоятда жозибадор ва оқилона кўринди. Шунда нега бир вақтлар бу эътиқодлардан безганимни, нега уларни маъносиз деб ҳисоблаганимни, эндиликда эса нима сабабдан уларни қабул қилганимни ва жуда маънодор деб ҳисоблаётганимни тушундим. Мен янглишганимни ва қай йўсин адашганимни англадим. Мен нотўғри фикр юритганим учун эмас, балки гуноҳкорона ҳаёт кечирганим учун адашган эканман. Англадимки, ҳақиқат ўзини мендан яширган нарса фикрларимдаги хатолик бўлмаган экан, аксинча, айшу ишрат авж олган шароитда, маишатпарастлик майлида, балои нафсни қондириш йўлида бой берилган ҳаётим бўлган экан. Яна шуни тушундимки, “Менинг хатоим нима?” деган саволим ва “Ёвузлик” деб берган жавобим мутлақо тўғри бўлган экан. Хатолик шунда бўлган эканки, фақат ўзимгагина тааллуқли жавобни бутун инсониятга нисбатан қўллабман. “Менинг ҳаётим нима?” деб ўз-ўзимдан сўраб, ёвузлик ва маъносизлик, деб жавоб олганман. Чиндан ҳам, менинг ҳаётим балои нафсни қондиришга қаратилган ва шунинг учун маъносиз ҳамда ёмон бўлган, шунинг учун ҳам ҳаёт маъносиз ва ёвуз нарса деган жавоб, умуман, одамлар ҳаётига эмас, ёлғиз менинг ҳаётимга тааллуқлидир. Мен кейинчалик Инжилда топганим ҳақиқатни англадим — унга кўра одамлар ёруғликдан кўра кўпроқ зулматни яхши кўрганлар, негаки улар ёвуз ишларни кўп қилишган. Сабабки, ёмон иш қиладиган одам ёруғликни жуда ёмон кўради ва қилмиши фош бўлишидан кўрқиб, ёруғлик сари бормади. Мен англадимки, ҳаётнинг маъносини тушунмоқ учун аввало ҳаётнинг ўзи маъносиз ва ёвуз бўлмаслиги керак, шундан кейингина уни

ақл-идрок билан тушуниб олса бўлади. Мен ўз-ўзидан аён ана шу ҳақиқат теграсида нима учун бу қадар ўралашиб қолганимнинг сабабини топдим — инсониятнинг ҳаёти тўғрисида ўйлаб сўз юритмоқчи бўлсанг, ҳаётдаги бир нечта текинхўрнинг эмас, инсониятнинг ҳаёти тўғрисида ўйлаш ва гапириш керак. Бу ҳақиқат  $2 \times 2 = 4$  га ўхшаш ҳамиша ҳақиқат бўлиб келган, лекин мен уни тан олган эмасман, чунки  $2 \times 2 = 4$  эканини тан олсам, мен ўзимнинг ярамас эканимни тан олмоғим керак эди. Ҳолбуки,  $2 \times 2 = 4$  лигидан кўра ўзимни яхши одам деб ҳис этиш мен учун муҳимроқ ва зарурроқ эди. Мен яхши одамларни севиб қолдим, ўзимдан ўзим нафратланиб кетдим. Энди менга ҳамма нарса равшан бўлди.

Мабодо бутун умри одамларнинг бошини олиш билан ўтган бир жаллод ёки бутун умрини қоронғи хонада кечирган, шу хонасини нажосатга тўлдириб, ифлос қилиб ташлаган ва бу ердан чиқсам муқаррар ҳалок бўламан, деган фикрни сингдириб олган бирор учига чиққан пиёниста ёхуд жинни ўз-ўзига: “Ҳаёт нима?” деб савол берса, нима бўлар эди? Ўз-ўзидан аёнки, “Ҳаёт нима?” деган саволга улар “Ҳаёт — энг катта ёвузликдир” деган жавобдан бошқа жавоб ола билмас эдилар. Бунда жиннинг жавоби мутлақо тўғри бўларди, бироқ фақат ўзи учунгина тўғри бўларди. Хўш, унда қандай бўлди — мен ҳам ўшанга ўхшаган бир телбаманми? Наҳотки бизнинг ҳаммамиз — бадавлат, ўқимишли одамлар шунга ўхшаш телба бўлсак?

Шунда англадим: ҳа, биз чиндан ҳам ана шундай телбалармиз. Ҳар ҳолда, мен муқаррар равишда ана шундай телбаман. Дарҳақиқат, қушнинг ҳаёт тарзи шундайки, у учмоғи, ин қурмоғи керак. Қуш шундай қилаётганини кўрсам, қушдан хурсанд бўламан. Эчки, қуён, бўри ҳам шундай ҳаёт кечириди, чунки улар қорин тўйғазиши, урчиши, боласини боқиши керак. Уларнинг шундай қилаётганларин кўрсам, қатъиян ишонаманки, улар бахтиёр ва уларнинг ҳаёти оқилона. Хўш, инсон нима қилмоғи керак? У ҳам худди жониворлар



қилган ишларни қилиб ҳаёт кечирмоғи керак, фарқ шундаки, бу ишларни инсон ёлғиз ўзи қилса, у муқаррар суратда ҳалок бўлади, у фақат ўзи учун эмас, ҳамма учун қилмоғи зарур. У бу ишларни барча учун қилаётганини кўрсам, қатъиян ишонаманки, у бахтиёр ва унинг ҳаёти оқилона. Хўш, мен ўзимнинг ўттиз йиллик онгли ҳаётимда нима қилдим? Мен нафақат ҳамма учун ҳаётни барпо этганим йўқ, мен лоақал ўзим учун ҳам тирикчилик арконларини тузмадим. Мен бир текинхўр каби ҳаёт кечирдим ва ўз-ўзимдан: “Нимага яшайман?” деб сўрадим-да, “Ҳеч нарсага” деб жавоб олдим. Агар инсон ҳаётининг маъноси тирикчилик арконларини барпо этишда бўлса, мен ўттиз йил мобайнида бу арконларни барпо этиш ўрнига ўзимда ҳам, бошқаларда ҳам уларни йўқ қилиш билан шуғулланган бўлсам, қандай қилиб “ҳаётим бемаъни ва ёвуз нарса” дегандан бошқа жавоб олишим мумкин? У ҳақиқатан ҳам бемаъни ва ёвуз бўлганда...

Борлиқ ҳаёт кимнингдир иродаси билан

содир бўлади — мана шу борлиқ ҳаёти ва бизнинг ҳаётимиз орқали кимдир ўзининг аллақандай ишини рўёбга чиқаради. Бу ироданинг маъносини англашга умидвор бўлмоқ учун даставвал уни бажармоқ керак, яъни биздан истаётган ишларини қилмоғимиз керак. Агар мендан истаётган ишларини қилмасам, мендан нима ишташларини ҳам ҳеч қачон билолмайман, бизнинг ҳаммамиздан ва бутун дунёдан нима ишташларини эса инчунун билолмайман.

Чорраҳадаги оч, яланғоч тиланчини бир иморат ичидаги ажойиб муассасага олиб келишса, қорнини тўйдириб, ичириб, аллақандай бир дастакни гоҳ юқорига кўтаришга, гоҳ паства туширишга мажбур этишса, ўз-ўзидан аёнки, тиланчини нега олиб келишганини, дастакни нега кўтариб тушириш кераклигини, бутун муассасанинг қурилиши ақлга мувофиқми, йўқми эканини таҳлил қилишдан аввал тиланчи дастакни ҳаракатга келтирмоғи зарур. Агар у дастакни ҳаракатга келтирса, бу дастак насосни ҳаракатга келтираётганини, насос сув ҳайдаётганини, сув эса жўякларга таралаётганини фаҳмлаб олади. Шундан кейин уни усти ёпиқ қудуқдан олиб чиқиб, бошқа ишга ўтказадилар — у меваларни тера бошлайди ва хўжайинни мамнун қилади. Жўн ишлардан ҳақорирок ишларга ўтар экан, у бу масаланинг тузилишини борган сари чуқурроқ англай боради ва унинг ишида иштирок этар экан, ўзининг бу ерда нима қилиб юрганини ҳеч қачон сўрамайди. Ҳар ҳолда, зинҳор-базинҳор хўжайинга таъна қилмайди. Худди шунга ўхшаб, хўжайиннинг иродасини бажо келтирувчи ўқимаган, оддий меҳнаткаш одамлар ҳам хўжайинларига таъна қилмайдилар. Ҳолбуки, биз уларни ҳайвон ўрнида кўрамыз-да, ўзимизни доно ҳисоблаймиз, хўжайиннинг тузини еймиз-у, хўжайин биздан истаган ишни бажо келтиришни хошламаймиз, унинг ўрнига давра олиб ўтириб оламиз-да, “Дастакни кўтариб туришнинг нима кераги бор? Жуда бемаъни иш-ку бу!” деб сафсата сотамиз. Шу тарзда бўладиганимиз бўлиб қолган. Бўладиганимиз бўлгани шуки, хўжайинни тентак ҳисоблаймиз, бўлмагани ҳам тузук эди деб биламиз, ўзимизни доно санаймиз, лекин ҳеч нарсага ярамаслигимизни ҳис қиламиз ва бир амаллаб

ўзимизни ўзимиздан халос этиш пайида юрамыз.

Оқилона билимлар хатолигини англаш беҳуда мулоҳазабозлик васвасасидан халос бўлишимга ёрдам беради. Ҳақиқат ҳақидаги билимни фақат ҳаёт орқалигина топиш мумкинлигига қатъий ишонч мени ўз ҳаётимнинг тўғрилигига шубҳа қилишга ундади. Бироқ ўзимнинг фавқуллодда одамлигим ҳақидаги тасаввур чангалидан қутулишга улғурдим ва оддий меҳнаткаш халқнинг чинакам ҳаётини кўриб, ҳақиқий ҳаёт ана шу эканига иймон келтирдим. Шу нарса мени қутқариб қолди. Англадимки, агар мен ҳаётни ва унинг маъносини англамоқчи бўлсам, текинхўрга хос ҳаёт кечирмоғим керак эмас, балки чинакам ҳаёт кўйнида яшамоғим зарур, ҳақиқий инсоният бу ҳаётга қандай маъно бераётган бўлса, шу маънони қабул қилиб, шу ҳаётга сингиб кетмоғим ва уни текшириб кўрмоғим шарт.

Худди шу вақтларда мен яна бир нарсани ҳаёлдан кечирдим. Бутун бир йил мобайнида мен деярли ҳар дақиқада ўз-ўзимдан бўйнимга сиртмоқ солсаммикан ё бир ўқ билан бирёқли бўлсаммикан, деб иккиланиб юрган кезларим мен айтган ана шундай ўйлар ва кўнглимдан кечган кузатувлар билан ёнма-ён юрагим алланечук бир ҳисдан изтиробда эди. Бу ҳисни мен “Худо излаш” деган иборадан бошқа бирон сўз билан ифода эта олмайман.

Гапимга эътибор беринг: мен Худо излашни “ҳис” деяпман, “мулоҳаза” деяётганим йўқ. Сабабки, бу излашлар менинг мулоҳазаларим оқибатида келиб чиққани йўқ, қолаверса, у ҳатто мулоҳазаларимга буткул зид эди, бу излаш тўғридан-тўғри юракдан чиқиб келган эди. Бу туйғу жамки ёт, бегона нарсалар ўртасида кўрқув, ёлғизлик, кимсасизлик туйғуси ва кимнингдир ёрдамидан умидворлик туйғуси эди.

Худонинг мавжудлигини исбот қилиш мумкин эмаслигига тўлалигича ишончим комил эди. Кант буни менга исбот қилиб берган, мен Худонинг мавжудлигини исбот қилиб бўлмаслигини аниқ англаган эдим. Лекин шунга қарамасдан, мен Худони изладим, уни топишга умид боғладим ва эски одатимга кўра ўзим излаётган нарсага илтижолар қилдим, лекин тополмадим. Гоҳ мен дилимда Кант билан Шопенгауэрнинг

Худонинг мавжудлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги далилларини тафтишдан ўтказардим, гоҳ уларни рад этишга киришардим. Мен ўз-ўзимга дердим: сабабият макон ва замон каби тафаккур категориялари эмас. Агар мен мавжуд эканман, демак, бунинг сабаби бор ва сабабининг сабаби бор. Ана шу ҳамма нарсанинг сабаби, сабабларнинг сабаби — Худо деб аталмиш насади; мен шу фикр устида тўхтаб, бутун вужудим билан шу сабабнинг мавжудлигини англашга ҳаракат қилдим. Оламда бир куч бор эканини ва мен шу кучнинг ҳукида эканини англаган онимданоқ яшаш мумкин эканини идрок эта бошладим. Бироқ ўзимга ўзим тинимсиз савол берардим: “Нимадир, ахир, бу сабаб, бу қудрат? Мен унинг тўғрисида қандай ўйламоғим керак? Худо деб атаганимга қандай муносабатда бўлмоғим керак?” Бу саволларга фақат менга таниш жавобларгина кўндаланг бўларди: “У — яратувчи, барпо этувчи”. Бу жавоблар мени каноатлантормас, кўнглимда яшашим учун зарур нарса ғойиб бўлаётганини ҳис қилар эдим. Мен даҳшатга тушиб, излаганимга сиғиниб, ибодат қилиб, менга ёрдам беришини сўраб тавалло қилардим. Аммо ҳарчанд ибодат қилмай, у менинг таваллоларимни эшитмаётгани менга кўпроқ аён бўлар ва мен тавалло қилиш мумкин бўлган бирон зот йўқлигига амин бўлардим. Ва мен юрагимда Худо йўқлигини сезиб умидсизликка тушсам-да, “Эй Худо! Ўзинг раҳм қил! Ўзинг нажот бер! Эй Худо! Ўзинг мени тўғри йўлга сол!” дея илтижо қилишда давом этардим. Лекин ҳеч ким раҳм қўлини узатмас ва мен ҳаётим тўхтаб қолаётганини ҳис қилардим.

Аммо қайта-қайта ўша тўхтама келаверар эдим — ахир, мен ҳеч қандай баҳонаю сабабсиз, бирон-бир маъносиз дунёга келган бўлишим мумкин эмас-ку? Ахир, мен инидан бехос тушиб кетган бир полон эмасман-ку! Майли, полон ҳам бўлақолай, майли, баланд майсалар орасида чалқанча тушганча чийиллаб ётибман, дейлик. Бироқ чийиллашимнинг боиси шуки, мен биламан — мени очиб чиққан онам бор, у тафти билан мени иситган, боққан, суйиб-ардоқлаган. Қани ўша онам? Агар мени ташлаб кетган бўлсалар, ким ташлаб кетди? Кимдир мени яхши кўриб дунёга келтирганини ўз-

ўзимдан яшира олмайман. Хўш, ана шу “кимдир” ким? Яна Худо!

“У менинг изланишларимни, тушкунликларимни, курашимни кўриб турибди. У — бор”, дейман ўзимга ўзим. Бир лаҳзага буни эътироф этишим биланоқ вужудимда ҳаёт жўш ура бошлайди ва мен яшаш имкони борлигини кўраман, яшаш қувончини ҳис қиламан. Аммо Худонинг мавжудлигини эътироф этгандан кейин мен яна унга муносабатни излай бошлайман ва менга яна ўша Худо — яратганимиз, уч қиёфадаги халоскор Ўғлини юборган Худо намоён бўлади. Яна ўша дунёдан ташқаридаги, мена ташқаридаги Худо кўз ўнгимда муз парчасидек эриб битар ва ундан ҳеч нарса қолмас эди, яна ҳаёт булоғи қуриб қоларди ва мен қайтадан тушкунликка тушиб, ўзимни ўлдиршдан бошқа иложим қолмаганини ҳис қилардим. Энг ёмони шу эдики, бу ишни ҳам қилолмаслигимга кўзим етиб турарди.

Икки марта эмас, уч марта эмас, ўнлаб, юзлаб марталаб шу аҳволга тушдим — гоҳ шоду хуррам бўлиб қолар ва жон киргандай бўлар эдим, гоҳ эса яна яшаш имкони йўқлигини англаб, тушкунликка берилардим.

Эсимда бор, навбаҳор кезлари эди. Ёлғиз ўзим ўрмонда сайр қилиб юриб, ўрмон товушларини тинглардим. Ўрмон товушларини тинглардим-у, калламда ҳамон ўша ўй — сўнги уч йил мобайнида доимий равишда миямни банд қилиб келган ўй чарх урарди. Мен яна Худони излардим...

“Хўш, мен яна нимани изляяпман? — деб садо беради дилимдаги овоз. — Мана у. Усиз яшаб бўлмайди. Худони танимоқ ва яшамоқ — айнан бир нарса. Худо — ҳаётдир”.

“Яша, Худони излаб топ, шунда ҳаётинг Худосиз бўлмайди”. Шунда қалбимдаги ва атрофимдаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳар қачонгидан кучлироқ нурланиб кетди ва бу нур мени ортиқ тарк этмади.

Шу тариқа жонимга суиқасд қилишдан қутулиб қолдим. Мендаги бу ўзгариш қачон ва қандай содир бўлганини айтиб беролмайман. Вужудимдаги ҳаёт қудрати нечоғлиқ аста-секин, билинар-билимас маҳв қилина борган бўлса ва мен яшашнинг иложи йўқлигига, ҳаётимнинг тўхтаб

қолишига, ўз-ўзимни ўлдириш эҳтиёжига келган бўлсам, худди шу йўсин аста-секин, билинар-билинемас тарзда менга ҳаёт қуввати қайтиб келди. Ғалати жойи шунда эдики, менга қайтган ҳаёт қуввати янги эмас, жуда эски — ҳаётимнинг илк паллаларида мени ўзига жалб этган ўша қувват эди... Бошқача айтганда, мен Худога эътиқодга, маънавий камолот сари интилишга ва ҳаёт маъносини ўзида элтувчи ривоятга қайтдим. Фақат фарқи шунда эдики, бир замонлар буларнинг ҳаммаси онгсиз тарзда қабул қилинган эди, энди эса мен бусиз яшай олмаслигимни билар эдим.

Гўё мен бошимдан бундай воқеани кечиргандай эдим: эсимда йўқ — қачондир мени қайиққа ўтказдилар, аллақандай номаълум соҳилдан йўлга равона қилдилар, бошқа соҳилга томон йўналишни кўрсатишди, тажрибасиз қўлларимга эшакни тутқазишди-да, ўзимни ёлғиз қолдиришди. Билганимча эшак эшиб, сузиб кетдим. Аммо ўртага етганим сари оқим тезлаша борди; оқим мени манзилдан бошқа томонга судрарди. Йўлда эса оқим ихтиёрига тушиб менга ўхшаб сарсари сузаётган йўловчилар тобора кўпроқ учрай бошлади. Эшак эшишда давом этаётган ёлғиз йўловчилар ҳам бор эди. Эшаклари қўлидан тушган йўловчилар ҳам бор эди. Одам лиқ тўла катта қайиқлар, зўр кемалар ҳам бор эди — уларнинг баъзилари оқимга қарши курашар, баъзилари эса ихтиёрларини бутунлай оқимга топшириб қўйган эди. Оқимнинг қоқ ўртасида, қуйи томонга кетаётган кемалар ва қайиқлар қаторида мен йўналишни бутунлай йўқотиб қўйдим ва эшакларни ташладим. Теварагимдаги елканли ва эшакли қайиқларда йўлчилар шоду хуррам қийқиришиб, қуйи елиб боришар ва мени ҳам, бир-бирларини ҳам бошқа йўналишнинг бўлиши мумкин эмаслигига ишонтирмоқчи бўлишарди. Мен бунга ишондим ва улар билан сузиб кетдим. Сузиб кетаверибман, кетаверибман. Жуда олислаб кетибман. Шу қадар олиски, шовваларнинг овозини эшитдим. Бу шовваларда тошларга урилиб нобуд бўлишим муқаррар эди. Шовваларда дабдаласи чиққан қайиқларни кўрдим. Бирдан ҳушим жойига келди. Анча вақтгача менга нима бўлганини, қандай аҳволга

тушиб қолганимни пайқаймай турдим. Қаршимда ҳалокатдан ўзга нарсани кўрмас эдим. Мен шу ҳалокат сари елиб-югурибман, ундан жуда кўрқар эдим ва ҳеч қаерда ундан қутулиш чорасини кўрмасдим, нима қилишимни билмай қолган эдим. Аммо орқамга ўгирилиб қараб, ҳормай-толмай оқимни ёриб келаётган сон-саноксиз қайиқларни кўрдим, соҳил эсимга тушди, эшакларни, йўналишни эсладим ва орқага — оқимга қарши, соҳил томон суза бошладим.

Соҳил — Худо эди, йўналиш — ривоят эди, эшаклар — менга берилган эрк эди. Мен уларнинг ёрдамида соҳилга — Худонинг жамолига эришмоқ учун сузмоғим керак эди. Шундай қилиб, менда ҳаёт қудрати қайта тирилди ва яна яшай бошладим.

### XIII

Мен давримизнинг ҳаёти зоҳиран ҳаётга ўхшаса-да, аслида ҳаёт эмаслигини тан олиб, ундан юз ўгирдим. Биз яшаётган фаровонлик шароити бизни ҳаётни англаш имконидан маҳрум қилар эди. Ҳаётни англамоқ учун мен истиснолар ҳаётини, ўзимизнинг, яъни ҳаёт дарахтига ёпишиб олган текинхўрлар ҳаётини эмас, оддий меҳнаткаш халқ ҳаётини англамоғим, шу халқ ҳаётга берадиган маънони тушунмоғим лозим эди. Теварагимдаги оддий халқ рус халқи эди. Мен унга мурожаат қилдим, шу халқ ҳаётга берадиган маънога мурожаат қилдим. Бу маънони ифодалаш мумкин бўлса, у қуйидагича эди: ҳар бир одам бу дунёга Худонинг иродаси билан келади. Худо одамзодни шундай яратганки, ҳар бир одам ўз жонини нобуд қилиши ёки асраб қолиши мумкин. Одамнинг ҳаётдаги вазифаси — ўз жонини сақлаб қолишдир. Ўз жонини сақлаб қолиш учун Худонинг буюрганларига амал қилиб яшамоқ лозим. Худонинг буйруғига амал қилиб яшаш учун эса ҳаётнинг ҳою ҳавасларидан воз кечиш шарт, меҳнат қилиб, мутелик билан, сабр-қаноат билан, саховатли бўлиб яшамоқ керак. Бу маънони халқ ўзи сиғинадиган диний эътиқоддан топади; бу эътиқодларни эса уларга руҳоний бузруклар етказиб келган ва ҳозир ҳам етказиб турадилар. Шунингдек, бу эътиқодлар халқ ичида яшайдиган



ривоятларда, афсоналарда, мақолларда ва ҳикояларда ифодаланеди. Бу маъно менга жуда аён ва юрагимга яқин эди. Аммо халқ иймонининг ана шу маъноси билан халқимизда жуда кўп шундай нарсалар боғланиб кетадики, улар мени ўзидан узоқлаштиради. Мен уларга изоҳ тополмайман: турли-туман сеҳру жодулар, черков маросимлари, рўза тутишлар, авлиёларнинг суякларига ва сувратларига сажда қилишлар шулар жумласидандир. Халқ уларни бир-биридан ажрата олмайди, мен ҳам ажрата олмайман. Аммо халқ эътиқод қўйган нарсаларнинг кўпчилиги менга ҳар қанча галати туюлмасин, мен уларнинг ҳаммасини қабул қилдим, черковга қатнадим, эрталаб ва кечқурунлари ибодат қилдим, рўза тутдим, дастлабки пайтларда ақлим ҳеч нарсага қаршилиқ қилмади. Авваллари назаримда адо этишнинг сира иложи бўлмаган нарсалар эндиликда менда ҳеч қандай қаршилиқ уйғотмади.

Менинг иймонга аввалги муносабатим билан ҳозиргиси бир-биридан мутлақо фарқ қиларди. Авваллари менга ҳаётнинг ўзи маънога тўладай туюларди ва иймон менга мутлақо лузумсиз бўлган, ақл бовар қилмайдиган ва ҳаёт билан боғланмаган қоидаларнинг кўнгил тусаган бир тарздаги тасдигидай кўринарди. Ўша пайтларда ўзим ўзимдан бу қоидалар қандай маънога эга эканини сўраб ва уларнинг маъносиз эканига ишонч ҳосил қилиб, улардан юз ўгирганман. Энди эса бутунлай бунинг акси — қатъий биламанки, менинг ҳаётим ҳеч қандай маънога эга эмас ва эга бўлолмайди ҳам, шунинг учун иймон қоидалари менга нафақат лузумсиз кўрингани йўқ, балки мен чинакам тажриба орқали шундай тўхтамга келган эдимки, фақат иймоннинг ана шу қоидаларигина ҳаётга маъно беради. Авваллари мен уларга тишим ўтмайдиган мутлақо кераксиз ёзувларга қарагандек қарардим, энди эса, мабодо уларни тушунмасам, билардимки, уларнинг маъноси бор ва мен ўз-ўзимга уларни англамоқни ўрганиш керак, дердим.

Мен қуйидагича мулоҳаза юритар, ўз-ўзимга дердим: иймонни билиш ҳам, бутун инсоният ва унинг ақли каби, сирли бир ибтидодан келиб чиқади. Бу ибтидо Худодир, бу — инсон жисмининг ҳам,

ақлининг ҳам ибтидоси. Менинг жисмим менга Худодан ворислик йўли билан қандай етиб келган бўлса, менинг ақлим ва менинг ҳаётни танишим ҳам менга шундай етиб келган. Шунинг учун ҳаётни танишимнинг ҳамма ривожланиш босқичлари ёлғон бўлиши мумкин эмас. Одамлар чинакамига ишонган нимаики бўлса, у ҳақиқат бўлмоғи керак; у ҳар хил йўсинда ифодаланмоғи мумкин, бироқ у ёлғон бўлмоғи мумкин эмас, шунинг учун ҳам мабодо у менга ёлғон бўлиб туюлса, бунинг маъноси шундан иборатки, уни мен англамабман. Бундан ташқари, яна ўзимга дедим: ҳар қандай иймоннинг моҳияти шундан иборатки, у ҳаётга ўлим маҳв этолмайдиган маъно беради. Табиийки, ҳашамат қўйнида жон таслим қилаётган подшонинг, меҳнат азобида ўлаётган қари қулнинг, норасида гўдакнинг, донишманд кексанинг, девонасифат кампирнинг, бахтиёр жувоннинг, эҳтирослар қуюнида ўртанаётган йигитнинг саволига жавоб бермоқ учун, яъни турфа хил шароитдаги ҳар хил маърифат даражасига эга бўлган одамларнинг саволига жавоб бермоқ учун — албаттаки, ҳаётнинг “Мен нима учун яшаяпман? Менинг ҳаётимдан нима чиқади?” деган ўша ягона мангу саволига бериладиган жавоб — иймон берадиган жавоб моҳиятига кўра бир хил бўлса-да, ўзининг кўринишларида чексиз хилма-хил бўлмоғи керак... Мен халқ иймонининг маросимларини бажо келтирар эканман, қалбимнинг бор кучлари билан халққа сингиб кетишни истардим, аммо бундай қила олмас эдим. Агар шундай қиладиган бўлсам, ўз-ўзимни алдаган бўлиб чиқардим, ўзим учун муқаддас бўлган нарсани мазах қилган бўлардим. Шу ўринда бизнинг рус диншуносларнинг янги асарлари менга ёрдамга келди.

Бу диншуносларнинг тушунтиришига кўра, иймоннинг асосий ақоиди гуноҳлардан олиш турувчи черковдир. Бу ақоидни тан олишдан муқаррар бир тарзда черков сиғинадиган ҳамма нарса ҳақиқатдир, деган хулоса келиб чиқади. Бир-бири билан муҳаббат орқали боғланган ва шунинг учун ҳам чинакам билимга эга бўлган художўйлар мажмуи сифатида черков менинг иймонининг негизи бўлиб қолди. Ўзимга ўзим

дедимки, Худонинг ҳақиқатига бир одам ёлғиз ўзи эриша олмайди, у бир-бирлари билан муҳаббат орқали боғланган одамлар мажмуигагина намоён бўлиши мумкин. Ҳақиқатни танимоқ учун бўлинмаслик керак; бўлинмаслик учун эса бир-бирларимизни севмоқ лозим ва ўзинг рози бўлмаган нарса билан мураса қилмоқ зарур. Ҳақиқат севги қаршисида жамол кўрсатади; шундай экан, агар сен черков маросимларига бўйсунмасанг, севгига шикаст етказган бўласан, севгига шикаст етказиш билан эса ҳақиқатни таниш имконидан маҳрум бўласан. Ҳали у пайтларда бу мулоҳаза замирида ётган сафсата ни сезмаган эдим. Ҳали у пайтларда севги орқали бирлашиш жуда улуғ севгини келтириб чиқариши мумкинлигини, лекин зинҳор-базинҳор Ниқей рамзиётида муайян сўзлар билан ифодаланган диний ҳақиқат бериши мумкин эмаслигини сезмаган эдим....

Черков маросимларини бажо келтирар эканман, ақлимни тизгинлаб олиб, бутун инсоният риоя қиладиган ривоятларга ўзимни бўйсундирдим. Мен ўз аждодларим билан, севикли отам, онам, боболарим, бувиларим билан бирлашдим. Улар ва улардан аввал ўтганлар динга ишониб яшашган ва мени дунёга келтиришган. Мен халқ орасидан чиққан, ўзим хурмат қиладиган миллионлаб одамлар билан бирлашдим. Бундан ташқари, бу ҳаракатларимнинг ҳеч қайсисида бирон ёмон жиҳат йўқ эди (ёмон деб мен нафс балосига берилишни ҳисоблардим). Эрта тонгда черков ибодатига турар эканман, бу ишим яхши эканини билардим. Негаки, фикратимдаги мураккаб бирликни жиловламоғим учун, ўтган аждодларим ва замондошларим билан яқинлашмоғим учун, ҳаёт маъносини изламоқ ниятида жисмим фароғатидан кечмоқда эдим-да. Рўза тутганимда ҳам, ҳар кунги тоат-ибодатни бажо келтирганимда ҳам, бошқа ҳар хил расм-русумларга риоя қилганимда ҳам шу ҳолат зуҳур бўларди. Бу қурбонлар ҳар қанча арзимас бўлмасин, улар яхшилик йўлидаги қурбонлар эди. Мен рўза тутар, уйдаги ва черковдаги кундалик тоат-ибодатларни бажо келтирардим. Черковдаги ибодатлар вақтида амри маъруфларни тинглар эканман, ҳар бир сўзини англашга ва иложим бўлган

кезларда уларга маъно беришга ҳаракат қилардим. Ибодатдаги мен учун энг муҳим гоё "Бир-биримизни севиб ҳамфикр бўлайлик..." деган гап эди. Ундан кейин келади "Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухга сийнайллик" деган иборани тушириб қолдирардим, негаки уларни тушуна олмас эдим.

#### XIV

Яшамок учун иймонга эга бўлмоқ ўша кезларда менга шу қадар зарур эдики, диний эътиқодларнинг зиддиятлари ва ноаникликларини ўз-ўзимдан онгсиз равишда яшириб келдим. Аммо маросимларни бундай идрок этишнинг чегараси бор эди. Ибодатлар вақтида роҳиблар томонидан айтилаётган баъзи бир илтимосномаларнинг мазмуни менга борган сари равшанроқ бўлаверди. Мен улардаги айрим ибораларни бир амаллаб ўзимга ўзим тушунтириб бердим. Подшо ва унинг қариндош-уруғлари ҳақида тез-тез такрорланиб турадиган ибодатларни шу билан изоҳладимки, улар йўлдан оздирадиган нарсаларга кўпроқ рўпара келадилар, шунинг учун уларнинг ҳақиқа кўпроқ ибодат қилмоқ керак. Яна баъзи бир тушуниш қийин бўлган ибодатларни душманнинг ёвузлиги билан изоҳладим. Аммо яна бир қатор ибодатлар ва сеҳрли маросимлар бор эдики, уларни ҳарчанд тушунтирган билан тушуниб бўлмас эди. Ёки мен уларни бир амаллаб тушунтирмоқчи бўлар эканман, гапларим ёлғон эканини ҳис қилардим ва бу билан ўзимнинг Худога муносабатимни яқсон этаётганимни ва иймонли бўлишнинг ҳар қандай имконини бутунлай йўқотиб қўяётганимни фаҳмлаб турардим...

Ўзим иштирок этган маросим куни кечирганим бир изтиробли туйғу сира эсимдан чиқмайди. Ибодатлар, тавба-тазаррулар, қоидаларнинг ҳаммаси менга тушунарли эди ва мен ҳаётнинг маъносини кашф этаётганимни туйиб, бениҳоя хуррамона бир кайфиятга берилган эдим. Маросимнинг ўзини Исони хотирлаш учун қилинаётган бир ҳаракат деб ҳисобладим. Бу ҳаракат гуноҳлардан фориғ бўлишни ва Исо таълимотини тўла-тўқис қабул қилишни англатарди. Мабодо бундай изоҳ сунъий бўлганда ҳам, мен унинг сунъийлигини пайқамаган эдим.

Оддийгина, хуркаккина роҳиб қаршисида хўрланиб, муте бўлиб туриб қалбингдаги жамики нопокликни тўкиб солмоқ, гуноҳларинг учун тавба қилмоқ менга бағоят катта шодлик бахш этарди; қоидалар ибодатларини ёзиб кетган оталарнинг интилишлари билан фикран бирлашиб кетиш гоят қувонч бағишларди, барча диндорлар ва художўйлар билан бирикиш қувончи эди. Бунинг оқибатида изоҳларимнинг сунъийлигини ҳис қилмас эдим. Аммо мен подшо эшигига яқинлашганимда ва роҳиб мени мен ютадиган нарса чиндан ҳам гавда ва қон эканига ишонишимни тақоррлашга мажбур қилганида юрагимда бирдан санчқ турди; бу шунчаки сохта гапгина эмас эди, бу умрида ҳеч қачон иймон нималигини билмаган бир кимсанинг ўта шафқатсиз талаби эди.

Мен, бу шафқатсиз талаб эди, деган гапни эндигина айтяпман, у пайтда эса буни ҳаёлимга ҳам келтирган эмасман. У пайтда жуда қаттиқ дилим оғриган эди, холос. Мен энди ортиқ ёшлигимдаги каби ҳаётда ҳамма нарса ойдин ва равшан деб ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Ахир, менинг динга келганимнинг боиси ҳам шунда эдики, ҳалокатдан бошқа ҳеч нарса кўрмай, нажот — фақат динда, деб ўйлаган эдим, шунинг учун бу иймондан юз ўгирмоғим мумкин эмас эди. Шунда мен таслим бўлдим. Ўшанда юрагимда бир туйғу пайдо бўлдики, бу туйғу менга ўша ҳолатни кечиршига ёрдам берди. Бу — хўрланиш ва мутелик туйғуси эди. Мен бўйсундим, бу қон билан жисми ҳазар қилмай ютдим, инонмоқ истадим. Аммо зарба бериб бўлинган эди. Мени нима кутаётганини аввалдан билганим учун бундан кейин ўзимни у ерга боришга мажбур қилолмадим.

Мен ҳамон черков маросимларини аввалгидай бажо келтиришда давом этардим ва ҳали ҳам ўзим сигинадиган диний эътиқодларнинг ҳақиқат эканига ишонардим. Шу дамларда мен алланарсаларни бошимдан кечирар эдим. Эндиликда нимани бошдан кечирганим менга аён, лекин у пайтларда бу менга галати туюлган эди.

Аммо мен Худога ишонадиган олимларга яқинлашиб, уларнинг китобларини қўлга олишим биланоқ дилимда алланечук

шубҳалар, норозиликлар, баҳслардан ғазабланиш пайдо бўларди ва мен уларнинг гапларини чуқурроқ англай борганим сари ҳақиқатдан тобора узоқлашаётганимни ва тубсиз жарлик сари бораётганимни ҳис қилардим.

## XV

Мен неча марталаб саводсиз ва илмсизлиги учун мужикларга ҳавас қилганман. Иймоннинг менга ўта маъносиз бўлиб кўринган қоидалари уларга сира ҳам ёлғон бўлиб туюлмасди; улар бу қоидаларни қабул қилишар ва ҳақиқатга ишонишарди. Бу ҳақиқатга мен ишона олмасдим. Фақат мен шўрликкагина аён эдики, ҳақиқат кўз илғамас ришталар орқали ёлғон билан чатишиб кетган ва мен уни бу аҳволда қабул қилолмайман.

Шу аҳволда уч йил яшадим ва дастлабки пайтларда энди кўзи очилган одамдай ҳақиқатни бир чимдим-бир чимдимдан ўзлаштира бордим. Фақат сезгимнинг чорлови билан менга нурлироқ туюлган томон тусмоллаб борардим. Бирон нарсага ақлим етмаган чоғларда ўз-ўзимга дердим: “Мен ўзим айбдорман, ўзим аҳмоқман”. Аммо ўзим ўрганаётган ҳақиқатлар ичига кўпроқ кира борганим сари, бу ҳақиқатлар ҳаётимнинг асоси бўла боргани сари бу зиддиятлар оғирроқ ва даҳшатлироқ бўлиб борар, мен ақлим етмагани учун англамаган нарса билан ўз-ўзимга ёлғон гапирмасдан англаш мумкин бўлмаган нарса ўртасидаги чегара кескинроқ намоён бўлар эди.

Шу пайт Россияда уруш бошланиб қолди. Руслар насроний муҳаббат йўлида алқаб ўз биродарларини ўлдира бошлашди. Бу тўғрида ўйламасдан илож йўқ эди. Қотиллик ҳар қандай диннинг туб асосларига зид бўлган ёвузлик эканини кўрмаслик мумкин эмас эди. Ҳолбуки, черковларда бизнинг қуролимизнинг муваффақияти учун ибодатлар қилинди ва дин пешволари қотилликка диний фатво беришга уриниб, уни динга мувофиқ иш деб тан олишди. Нафақат урушдаги бу қотилликни, балки урушдан кейин содир бўлган ғалаёнлар вақтидаги одам ўлдиришларни ҳам динга мувофиқ деб эътироф этишди. Мен адашган, ночор йигитларнинг ўлдирилишини маъқуллаган черков арбобларини, раҳнамо

рахбарларини, монахларни кўрдим. Мен насроний динига сиғинадиган одамлар томонидан қилинадиган ишларнинг ҳаммасига эътиборимни қаратдим. Қаратдим даҳшатга тушдим.

## XVI

Шунда шубҳаларни йиғиштириб, узил-кесил амин бўлдим — мен этагидан тутган иймон маърифатга тўлиқ ҳақиқат эмас экан. Авваллари мен бу диний таълимот бошдан-оёқ ёлгон дердим; аммо эндиликда бундай деб бўлмас эди. Бутун халқ ҳақиқатни билишга эришган, бунга шубҳа бўлмоғи мумкин эмас эди, акс ҳолда бу халқ яшамаган бўлурди. Бу ҳақиқат билан ошно бўлишдан ташқари, мен аллақачон унинг руҳи билан яшамоқда ва унинг жамики ҳаққониятини ҳис қилмоқда эдим, аммо айна шу билимнинг ўзида ҳам ёлгон бор эди. Бунга асло шубҳа қилмасдим. Шу тариқа авваллари мени бездирган нарсаларнинг барчаси эндиликда жонли бир тарзда қаршимда гавдаланди.

Аммо ёлгон қаёқдан келдию ҳақиқат қаёқдан пайдо бўлди; ёлгон ҳам, ҳақиқат ҳам черков деб аталмиш муассаса томонидан тарқатилади. Ёлгон ҳам, ҳақиқат ҳам ривоятларнинг таркибидадир. Уларни муқаддас ривоятлар ва муқаддас китоблар деб аташади.

Шу тарзда хоҳласам-хоҳламасам мен ана шу ривоятлар ва китобларни ўрганишга, тадқиқ этишга мажбур бўлдим. Ҳолбуки, ҳозиргача айна шундан кўрқар эдим.

Мен бир вақтлар кераксиз нарса сифатида нафрат билан юз ўгирган диншуносликни ўрганишга киришдим. У пайтларда диншунослик менга бир қатор кераксиз, бемаъни нарсаларнинг йиғиндисидек туюлган эди, у пайтларда теварагимни ҳар томондан аниқ-равшан ва маънога тўлиқ бўлиб туюлган ҳаёт ҳодисалари қуршаб олган эди, эндиликда эса соғлом каллага сиғмаётган нарсани бажонидил улоқтириб ҳам ташлар эдим-у, аммо ноилож эдим...

Диний таълимотда ҳақиқат борлиги менда зарра шубҳа туғдирмайди. Аммо унда ёлгон мавжуд эканига ҳам зарра шубҳам йўқ. Мен ана шу ҳақиқат билан ёлгонни топиб, уларни бир-биридан ажратиб олмоғим керак. Мен ана шу ишга киришдим. Диний таълимотда мен қандай

ёлгон нарсани топганим, қандай ҳақиқатни топганим, қандай хулосаларга келганим навбатдаги асаримнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Бу асар нимагадир арзиса ва кимгадир кераги бўлса, бирор вақт ёзилар ва бирор жойда чоп этилар...

Мен буларни уч йил аввал ёзган эдим.

Эндиликда унинг чоп этилаётган қисмини қайта кўриб чиқар эканман, ўша пайтдаги фикрларим мантиқига ҳамда кўнглимдан кечган ҳисларга қайтар эканман, яқинда бир туш кўрдим. Шу тушда жамики кечирган туйғуларим ва тилга олган ҳодисалар жуда ихчам бир тарзда ифодаланган эди. Шу боис ўйлайманки, тушим мени англаганларнинг ҳам хотирасини янгилайди, мен юқоридаги саҳифаларда узундан-узоқ баён қилиб берган нарсаларни бир жойга жамлаб, аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Мана ўша туш: мен тўшақда ётган эмишман. Ўзимни яхши ҳам, ёмон ҳам ҳис қилмаётган эмишман. Чалқанча ётган эканман. Беихтиёр яхши ётибманми, деб ўйлай бошлабман. Шунда оёғимни ноқулай ҳис қилибман, калта эмишми-ей, таги нотекис эмишми-ей, билмадим, ҳар ҳолда ноқулай эмиш-да. Оёғимни қимирлатиб кўрибман ва шу билан бирга, ниманинг устида қандай ётганимни ўйлай бошлабман. Шу пайтгача бу гап хаёлимга келмаган экан. Тўшагимни кўздан кечириб қарасам, арқондан тўқилган тўр кароватда ётибман. Оёғимнинг учи паст томонда ётибди, тиззам очилиб қолибди. Шундан ноқулайлик сезаётган эканман. Негадир билар эканман — тагимдаги тўр тўшакни у ёқ-бу ёққа сурса бўларкан. Оёғимни қимирлатиб, тўр кароватнинг этак қисмини бир ёнга жиндай сурибман. Шундай қилсам, тинчроқ ётадигандай кўринибман. Лекин мен уни кўпроқ суриб юборибман, оёғимга илинтирмоқчи бўлибман, лекин оёғим етмабди, аксига олиб, тўр кароват яна жиндай силжибди-ю, оёқларим осилиб қолибди. Қулайроқ ўрнашиб олишга комил ишонч билан бутун гавдамни кўзғатиб тўр кароватни ўнглаб олмоқчи бўлибман, аммо бу билан иш ўнгланиш ўрнига батамом чаппасига кетибди. Бир маҳал қарасам, гавдам ҳавода муаллақ осилиб қолган эмиш, оёғимни чўзсам, ерга тегмас эмиш. Юрагим ваҳимага тўлиб, кўрқиб кетибман. Шунда аввал миямга келмаган бир нарсани сўрайман: мен қаердаман ва нимада

ётибман? Теварак-атрофимга аланг-жаланг қарайман. Ҳаммадан аввал пастга — гавдам осилиб турган томонга назар соламан. Ҳали замон ўша томонга қулашимни туяман. Пастга қарайман-у, кўзларимга ишонмайман. Мен шундай юксақдаманки, қўяверасиз. Энг баланд миноранинг ёки тоғ чўққисининг баландлиги ҳам унинг олдида ип эшолмайди. Бундай баландлик авваллари етти ухлаб тушимга кирган эмас.

Мен аниқ-тиниқ илғай олмайман — куйида, тепасида муаллақ турганим ва ҳадеб мени ўз бағрига чорлаётган тубсиз ўпқонда бирор нарсани кўряпманми, йўқми? Юрагим увишади, ўзим даҳшатга тушаман. Куйига қараш кўрқинчли. Сезиб турибман, пастга қарасам, ётган жойимдан сирғаниб туриб кетаману нобуд бўламан. Пастга қарамайман, лекин қарамаслик яна ҳам ёмон, чунки мен ҳозир туриб кетсам, нима бўлади, деб ўйлайман. Сезиб турибман, кўрқувдан энг сўнгги кучларимни йўқотиб, аста-аста орқам билан сирғалиб, пастга туриб кетяпман. Яна бир лаҳзадан кейин — тамом. Шунда бирдан хаёлимга “бу ҳақиқат бўлиши мумкин эмас, деган фикр келади. Бу — туш. Уйғон. Уйғонишга ҳаракат қиламан, лекин уйғонолмайман. “Нима қилиш керак? Нима қилса бўлади?” дея ўзимдан ўзим сўрайман ва юқорига қарайман. Юқорида ҳам тубсизлик. Самонинг бу тубсизлигига қарайману куйидаги тубсизликни эсдан чиқаришга тиришаман ва чиндан ҳам унута бошлайман. Куйидаги чексизлик мени даҳшатга солади ва ўзидан бездиради, юқоридаги чексизлик эса ўзига тартади ва менга куч беради. Мен ҳамон тубсизлик устида тўр кароватда илинар-илинмас осилганча муаллақ турибман. Муаллақ турганимни биламан, лекин фақат юқорига қарайман. Кўрқув мени аста-секин тарк эта бошлайди. Кўпинча тушда бўладиган каби аллақандай овоз дейди: “Билиб қўй, бу — ўша!” Шунда мен юқоридаги тубсизлик қаърига борган сари энтиқиб қарайман ва секин-аста хотиржам бўла бошлаганимни

ҳис қиламан. Нимаики бўлиб ўтган бўлса, ҳаммаси эсимда; буларнинг бари қандай рўй берганини эслайман — мана, оёқларимни қимирлатдим, мана, муаллақ осилиб қолдим, мана, кўрқувдан даҳшатга тушдим, мана, юқорига қараб, кўрқувдан халос бўлдим ва ҳалокатдан омон қолдим. Шунда ўз-ўзимдан сўрайман: хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Ҳамон муаллақ осилиб турибманми? Энди мен аланг-жаланг бўлмайман, лекин бутун вужудим билан қайси нуқтага таяниб турганимни ҳис қиламан. Кўраманки, мен ортиқ муаллақ осилиб турганим йўқ, қулаётганим ҳам йўқ, балки турган жойимда маҳкам турибман. Мен ўзимдан нечук бунчалик муҳкам турганимни сўрайман, теварагимга қарайман, пайпасланаман, қарасам, остимда — белимнинг тагида тўр кароватдан бир бўлаги бор экан, мен шунинг устида осмонга қараганча ётибман ва у мени аввалгидай кўтариб турибди. Худди шу чоғда, худди тушларда бўладигандек, мени кўтариб турган куч кўз ўнгимда намоён бўлади. Гарчи бу куч ўнгимда ҳеч қандай маънога эга бўлмаса-да, тушимда ғоятда табиий, тушунарли ва ҳеч қандай шубҳа туғдирмайдиган бўлиб кўринади. Мен тушимда ҳатто таажжуб қиламан — нечук мен буни авваллари англамадим экан? Буни қарангки, менинг миямнинг ичида бир устун бор экан. Бу устуннинг мустаҳкамлиги ҳар қандай шубҳадан холи эди. Ҳолбуки, бу нозик устуннинг ҳеч қандай таянчи йўқ эди. Кейин шу устундан бир ип ўтказилган экан. У шундай усталик билан ва айни чоғда шундай жўн бир тарзда ўтказилган эканки, шу ипнинг устига белинг билан ётиб, юқорига қарасанг, пастга қулаш ҳақидаги фикр ҳатто хаёлингга ҳам келмас экан. Буларнинг бари менга аён бўлди ва мен бундан мамнун бўлиб, хотирим жам бўлди. Гўё аллаким менга: “Буни кўриб, эслаб қол”, дегандай бўлди. Шу жойда уйғониб кетдим.

1879-1882

## ТАСАВВУФ ПУҒАТИ

Амал. Умид, истак, тилак орзу ифодаси. Инсоннинг ишонган, эътиқод боғлаган нарсалари билан яшаши; диннинг ҳукм ва шартларини адо айлаш. Тариқат талаблари бўйича яшаш ва ҳаракат қилиш. Бир таснифга кўра, амал икки турлидир: ваҳбий ва касбий.

Ҳақиқий ишқ тугёни, табиий завқу шавқ, ахлоқ гузаллиги, чин ихлос сингари амаллар ваҳбийдир. Гуноҳдан покланиш, ҳаром ила ҳалолни фарқлаш, ҳаромдан ҳазар айлаш, сидқ ила ранжу риёзат чекиш — булар касбий амаллар сирасига киради.

Анбиё. Пайгамбарлар деганидир, “наби” калимасининг куплиги. “Пайгамбар” сўзи хабар келтирган деган маънони англатади. “Расул” ҳам пайгамбар демак. Аммо “наби” билан “расул” сўзлари ўртасида фарқ мавжуд: расул бевосита диний ҳукмларни келтирган пайгамбар бўлса, наби узидан олдинги пайгамбарларнинг ҳукмларига амал қилиб, одамларни Оллоҳ бирлиги ва қуллигига чорлаган пайгамбар ҳисобланади. Қуръони каримнинг йигирма биринчи сурасида пайгамбарлар ҳақида баҳс юритилгани учун ҳам у “анбиё” деб аталган. Оллоҳ биринчи инсон ва илк пайгамбар улароқ ҳазрати Одамни яратган. Сўнгра ҳар бир миллатга бир пайгамбар юборган: “Аниқки, биз ҳар бир умматга “Оллоҳга ибодат қилингиз ва шайтондан йироқ бўлингиз” (деган ваҳий билан) бир пайгамбар юборганмиз...” (“Наҳл” сураси, 36-оят).

Фазилат ва мақомига кўра, пайгамбарлар ўртасида ҳам фарқ бўлган: “Ўша пайгамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг орасида Оллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва (уларнинг) айримларини (Оллоҳ) юксак даражага кўтарди” (“Бақара” сураси, 253-оят). Шу маънода пайгамбарларнинг энг олий рутбага кўтарилгани ҳазрати пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдир. Тасаввуфда анбиёлик мақомлари ва пайгамбарлар тақдирига алоҳида аҳамият берилган.

Анфус. Нафаслар, руҳлар, жонлар деганидир. Бу — инсоннинг ботиний дунёси, руҳ олами. Қуръони каримда: “Уларга оятларимизни офоқда ва анфусда (нафсда) зуҳурлантирамиз” (“Фуссилат” сураси, 43-оят), дейилган. Тасаввуф тафсирларида оятларнинг офоқ (ташқи дунёда мавжуд бўлган барча борлиқлар) ва анфусда кўрсатилиши “улим”

тарзида талқин этилган. Ва “табий улим” дейилганда нафс ҳамда шаҳватларнинг улими назарда тутилади.

Тасаввуф фалсафасига кўра, инсонни қуршаб олган ташқи дунё — олами кубро, инсон қуршаган дунё — олами асгар — кичик оламдир. Шу боис ташқи дунёга хос ҳамма нарсанинг намунаси инсонда ҳам мавжуд. Масалан, инсоннинг гавдаси — ер юзининг; руҳи — кўк юзининг; қалби — тоғларнинг; қалб билимлари — жаннат меваларининг; кўнгилда уйғонган файз ва илҳом — ёмғирнинг; нафс — қорларнинг тимсолидир. Оллоҳнинг ташқи дунёдаги оятлари инсоннинг ботиний дунёсида ҳам мавжуд. Фақат улар басират кузи билан англашилади. Бу нуқтаи назар мутасаввуфларни Қуръонни зоҳирий англаш билан кифояланиб қолмай, анфусий (ботинан) тушуниш ва тушунчаларни тадқиқ этишга даъват қилган.

**Арш.** У — осмоннинг энг юқори жойи. Фалакларнинг улуги — тахт. Диний тасаввурларга кўра, Арш туққизинчи кўкдадир. Тасаввуф таълимотида эса у — Тангри қудратининг тажалли жойи. Борлиқ ва вужуд. Аршга “нафси кул” номини берганлар ҳам булган. Тасаввуфда Арш асосан комил инсон қалби тимсолида тадбиқ этилган.

**Асмой хусна.** Оллоҳ таолонинг гузал исмлари демак. Бу ҳақда Қуръони каримнинг бир талай оятларида хабар берилган: “Оллоҳнинг гузал исмлари бордир. Бас, Уни уша исмлар билан чорлангиз (ёд этингиз) (**Аъроф сураси, 180-оят**). Ёки: “(Эй Муҳаммад), айтинг: “Оллоҳ деб чорлангиз ёки Раҳмон деб чорлангиз. Қандай чорласангиз-да (жоиздир). Зеро, Ул зотнинг гузал исмлари бордир”.

Бу исмлар жами туқсон туққизта. Қуръони каримда асмой хуснанинг мухтасар руйхати ҳам мавжуд. Булар: Ар-Раҳмон, Ар-Роҳийм, Ал-Малик, Ал-Қуддус, Ас-Салим, Ал-Муъмин, Ал-Азиз, Ал-Холиқ, Ал-Мусаввир кабилардир (**Хашир сураси, 22-24-оятлар**).

“Мақомати Нақшбанд”да Хожа Баҳоуддин ҳазратлари тилидан Муҳаммад алайҳиссаломнинг мана бундай сўзлари келтирилган: “Айтур эдилар: Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: “Инналоҳа азза ва жалла тисъа ва тисъийна исман миъатун ғайру ваҳидин фаман аҳсаҳо дахала-л жанната” (Оллоҳ азза ва жалланинг туқсон туққизта, яъни (бир кам юзта) исми бор, кимки уни санаса (хотирласа), жаннатга киради).

Хожа Нақшбанд изоҳларига кўра, “аҳсо” сўзининг бир маъноси — Ҳақ таолонинг номларини санаш булса, яна бир маъноси — бу номларнинг мазмунини билиш. Ва яна бири бу номлар амалиётидан фойдаланиш. Масалан, “Раззоқ” деса, ризқ ғами хотирга келмайди. “Мутакаббир” деса, буюклик ва улуғлик Ҳақ субҳонаҳудан эканини билади ва ҳоказо.

Оллоҳнинг гузал исмларини икки гуруҳда хотирга келтириш ёки зикр этиш мумкин. Биринчиси — Ҳақ таолонинг зотита тегишли хос бир исм бўлмиш “Оллоҳ” калимасини тилга олиш. Бу лафзи шариф Тангридан булак ҳеч бир зотга нисбатан қўлланмайди. Иккинчиси — Оллоҳ сифатларидан олинган ва ҳар бири унинг маълум бир сифатини англаувчи номлардир.

Диний-тасаввуфий манбалардаги маълумотлар буйича, асмой хуснанинг маънолари илк бор мушоҳада йули ила пайгамбарларга билдирилган. Ва уларнинг ҳаммаси ҳам асмой хусна мазмунидан хабардор булганлар. Бироқ бу маънолар уларга мушоҳадаларининг даражаси ва нисбатига кура зоҳир булган. Асмой хусна пайгамбарлар қўйган исмлар экани ҳам илмда баҳс этилган. Масалан, исми Жалолни — Одам алайҳиссалом; Қавий, Азиз ва Маннони — Идрис пайгамбар кашф айлаганмиш. Шу каби бошқа пайгамбарлар ҳам уларига маъқул сузлар билан Оллоҳга исмлар қўйганлар. Уларнинг бир талайи Қуръони каримда бир жойга жамланган ва арабий сузлар билан ифода этилган. Зикр мажлислари ва тасаввуф адабиётида асмой хуснадан кенг фойдаланилган.

**Асмой сабъа.** Оллоҳнинг етти исми ва шу исмларни зикр этмоқ. Булар: Ло илаҳа иллаллоҳ, Оллоҳ, Ҳу, Ҳақ, Ҳайй, Қайюм, Қаҳҳор. Баъзи олимлар бу еттиликка Фаттоҳ, Воҳид, Аҳад ва Самад каби илоҳий номларни ҳам нисбат берганлар.

**Асо.** Бу — ҳасса дегани. Тасаввуфда шайхлик белгиси. Рамзий маънода солиқнинг валий ва эранлар руҳониятига муҳтожлигини акс эттирадиган бир тимсол. “Эранлар нафасин асо этгил сен” (Юнус Эмро таъбири).

**Аҳли ботин.** Ҳақ сирларидан воқиф зотлар; дунёни басират кузи ила кура билувчи огоҳлар; авлиёлар ва тасаввуф аҳли шундай аталган.

**Аҳли вусул.** Восил булганлар демақдир. Улар — эришганлар, Ҳақ висолига етишганлар тоифаси.

**Аҳли ҳақиқат.** Сайри сулук воситасида мутлақ ҳақиқат мақомини эгаллаганлар жамоаси.

**Аҳли ҳол.** Тасаввуфий ҳолларда яшашга эришган ва улардан ҳузурланган ошиқ, ориф, дарвеш ва суфийлар гуруҳи. Илми ҳол сирларини билувчилар.

**Сабр.** Чидамли, тоқатли, тузимли. Тасаввуфда бошга тушган гам-кулфат, азоб ва мусибатлардан халос булмоқни ёлғиз Оллоҳдан тилаш. Иймон мўминнинг зийнати, ақл иймоннинг кўрки булганидек, сабр ақлнинг қалқони ва зийнати эрур. Сабр икки турлидир:

— қулнинг иродасига даҳлдор нарсаларга таҳаммул;

— қулнинг иродасидан хориждаги нарсага сабр.

Сабрнинг даражаси эса учта:

— бало ва офатларга сабр;

— ҳақ жазосидан кўрқиб гуноҳларга тавба этишда сабр;

— тоат ва ибодатларнинг нафсга етказган қийинчилик ва азиятларига сабр.

Сабр тасаввуфда сайри сулук мақомларидан бири ҳамдир.

**Сир.** Яширин, пинҳон нарса. Тасаввуфда Оллоҳ ила қул орасидаги яширин ҳақиқат. Тил ила изҳор этилмас маъно. Рух — ишқ; қалб — маърифат; сир — мушоҳада манзилдир. Сир — руҳга ўхшаш инсон вужудидаги бир латифлик. Рух қалбдан устун булганидек, сир руҳдан устун мавқега эга. Сирни сирга улаш — илоҳий бирликка етишмоқликни англатади.

Иброҳим ЧОРИ  
тайёрлади.



# SUMMARY

**J**n Uzbekistan 1997 is proclaimed a "Year of man's interests". Writer Utkur Khashimov, in his conversation with the magazine's contributor, reflects upon man's genuine interests and means satisfying them.

**T**he main factor for man to reach the level of maturity is upbringing. In social life there are very many various sources of upbringing. But mother's, woman's upbringing is of extreme importance for forming a person. Mother brings up her child not only with her mind, but also with her senses and delicate feelings." (From Khafiza Nasrullaeva's article "Criterion of Balance". The article tells about the woman's place in society).

**J**s man able to solve global problems with the help of his mind's strength? Are man's material and spiritual possibilities limited? Philosopher Saidrasul Sanginov in his article "Is man so strong?" analyses the problem of man and world from this point of view.

**T**here are many descriptive and eulogistic works in the classical Muslim poetry dedicated to Prophet Mukhammad. This trend can be seen also in Alisher Navoi's creative work. The poet's motive for writing eulogies to Prophet Mukhammad is, in the first hand, his wish to continue the Muslim literature's tradition, in the second hand, to show Prophet Mukhammad as the most perfect person among humanity, and in the third hand, to receive Allah's grace in the future life by dint of the Prophet's pleading. (From literary critic Zieda Gaffarova's article "The Ruler of Eighteen Thousand Worlds").

**J**

n doctor Ibrokhim Khakul's article the great thinker and poet Djalaliddin Rumi's religious and philosophical views are analyzed, his place and position in Sufi teaching is reflected upon.

**W**

ith Uzbekistan gaining its independence, bringing up of a perfect man and thus creating of a perfect society in future have turned into a main goal. But what will be a perfect man? Is it possible to develop a perfect man? What experience and means can the Uzbek people turn to in this sphere to reach this goal?

Philosopher Mukhammadilkhom Yuldashev, in his article "Four Aspects of Perfection", ponders on these specific matters.

**J**

mam Al-Bukhary is one of the most great scientist in the Muslim world in the domain of khadis. His collection of khadis "Sakhikh" is considered the second after Koran reliable source. Orientalist Ubaidulla Uvatov, in his article "People whom Al-Bukhary Highly Appreciated", reflects on great Al-Bukhary.





Нашр кўрсаткичи: 75  
Баҳоси келишилган и

# ТАФАККУР

TAFAKKUR

